

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“Ўзбекистонда демократик
жамият қуриш назарияси ва
амалиёти” кафедраси**

**“ПОЛИТОЛОГИЯ” ФАНИДАН
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН ҚЎЛЛАНМА
(таълимнинг махсус сиртки шакли учун)**

Тошкент-2008

Ушбу услубий қўлланма таълимнинг махсус сиртқи шакли учун тайёрланган бўлиб, унда “Политология” фанидан мустақил ўзлаштирилиши лозим бўлган маъруза матнлари, фанга оид адабиётлар рўйхати ўрин олган.

Қўлланма махсус сиртқи шаклда таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1 - МАВЗУ: СИЁСИЙ ТАРТИБОТ

Сиёсий тузумларни туркумлашнинг кўп усуллари мавжудлиги маълум. Шулардан бири- жамият сиёсий тизимларини ҳокимият, ҳалқ ва шахс ўзаро муносабатлари табиати ва усулларига кўра туркумлашдир. Буни биз содда қилиб сиёсий тартибот деб атаймиз. Шу билан бирга баъзи муаллифларда, масалан, Н. Дювержеда “сиёсий тизим” ва “сиёсий тартибот” тушунчалари синонимлардир. Бу тушунчалар ўртасида албатта фарқ мавжуд. Бу фарқлар, масалан, ҳокимиятни амалга ошириш шакллари ва услубларида намоён бўлади. Сиёсий тизим тушунчаси кенгроқ ва сиёсий тартибот уни кўринишларидан бири, уни фақат бир томонини характерлайдиган кўриниши, деб тушуниш мақсадга мувофиқ. Сиёсий тартибот белгилари сифатида сиёсий етакчилик учун кураш табиати, очиқ, ёпиқ, оралик, ҳалқнинг сиёсий ҳаётга жалб этилганлиги, ҳалқнинг сиёсатдан четлашуви ёки унга сиёсатга таъсир этиш имконининг берилиши; сиёсий раҳбарият қандай кадриятларга суяниши, консерватизм, реформизм, революционизм ва ҳ.к. ларни санаб ўтиш лозим. Сиёсий тартиботларни туркумлашнинг кўплаб усуллари мавжуд. Марксча ҳокимият талқинига кўра сиёсий тартиботлар социалистик (социализмга йўналган) ва капиталистик (капитализмга йўналган) тартиботларга бўлинади.

М. Дюверже таснифига кўра сиёсий тартиботлар либерал ва авторитар; демократик, автократик, монакратик “диктаторлик”, “директория”, “коллектив бошқарув”, аралаш бўлади.

Амалда бирорта сиёсий тартибот соф ҳолда учрамади. Шунингдек, сиёсий тартиботлар ривожланиш хусусиятга эга. Масалан, демократия авторитаризм ёки тоталитаризмга айланиши мумкин ёки авторитар тартибот демократияга ўсиб ўтиши мумкин.

Ушбу маърузада биз тоталитар ва авторитар режимлар тўғрисида фикр юритамиз.

Авторитаризм ҳам, тоталитаризм ҳам дунёнинг турли маданий-тарихий анъаналарига хос тартиботлар. Айнан шу нарса уларнинг ўзаро бир-биридан фарқини аниқ равшан тушуниш имконини беради. Авторитар тартиботларда асосий “ишловчи” тушунчалар – “оила”, “анъана”, “кадрият”. Тоталитар режимларининг асосий тушунчаси – “механизм”. Бу режим самарадорлигининг ўзига хатосиз фаолиятидир. Авторитар раҳбар қон-қардошлик, анъаналарнинг муқаддас ахлоқий қоида ва ақидалари муҳитида мавжуд бўлади. Тоталитаризмда анъана ва ахлоқ эмас, рационал илм, самара ҳукмронлик қилади. Шунинг учун бу тартиботлари кераксиз ёки маънан эскирган “эхтиёт қисм”ларини янгиларига алмаштиришга мойиллик, одамларни эса “ҳом-ашё” сифатида қараш устун кела бошлаганида, уларнинг геноцид технологияларидан бирига айланишига ҳеч нарса

тўсқинлик қилмайди. Аммо сиёсий тартиботларнинг барчасини бир хил деб баҳолаш мумкин эмас.

В.П. Пугачёв, А.И. Соловьёвларнинг “Введение в политологию”, М., 1997, дарслигида ҳам тоталитар ва авторитар тузумларни бир турда эмаслиги таъкидланиб, ҳокимият бир киши қўлида тўпланган бўлса-автократик; ҳокимият гуруҳ қўлида тўпланса – группократик, аристократик, олигархик, этнократик ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Тоталитаризм - лот. *totalitas*- тўлиқ, бутунлик, - ғоялар, фикрлар, нуқтаи-назар сифатида жуда қадимий илдизларга эга. Милоддан аввалги V асрда Гераклит донолик ва мукаммал билим асосида барча нарсаларни бошқариш мумкин деб, ҳисобланган. Афлотун, Т. Мор, Т.Кампанелла, Г. Бабеф, Сен-Симон, Ж.Ж. Руссо давлатнинг айнан таоталитар моделларини ишлаб чиқишган. Кейинги муаллифлардан Фихте, Гегель, Маркс, Ницше, Ленин, Сорел, Зомбарт ва бошқалар асарларида бу ғоялар ривожлантирилганини кўрамиз.

Тоталитаризм тушунчаси XX аср бошларида К. Шмитт асарларида ҳуқуқий давлат парадигмасини танқидий қайта кўриб чиқиш муносабати билан назарий асослаб берилган. 20 йилларнинг охирида тушунча Италиядаги реал сиёсий тартиботни баҳолаш учун Джовани Амендола ва Пиерро Гобетти томонидан қўлланди. Уларнинг мақсади- тоталитаризмнинг деспотизм, олигархия, тирания каби тартибларидан фарқини кўрсатиш бўлган. Мусолини ва унинг тарафдорлари тоталитаризм тушунчаига ижобий маъно беришган, уни кўкларга кўтаришган. 20 –йиллардан “тоталитаризм” политологиянинг териминларидан бирига айланди. 40-50 йилларда Р. Арон “Демократия ва тоталитаризм”, Х.Аредт “Тоталитаризм манбалари”, К. Фридрих ва З. Бжезинский “Тоталитар диктатура ва автократия”, тоталитаризм концепциясини яратдилар. Мазмунидани фарқларга қарамай тоталитар концепциялар умумий мантиққа эгалар. Аввало унинг асосларини утопияларни сиёсатлаштиришдан қидириш лозим. Н.А. Бердяев “Утопиялар тугал ишлаб чиқилган, ёпиқ тизим бўлгани уун зиддиятлар, ҳаракатлар, ўзгаришларга жой қолдирмайди. Шунинг учун ҳам утопиялар доимо тоталитар рухдадир. Тоталитар утопия абсолют ҳақиқат билан тенглаштирилади ва бошқа ҳар қандан қарашлар, назариялар ёки душман, ёки хато деб баҳоланади. Шу тарзда тоталитаризм догма тоталитаризм феноменини XX асрда Европада вужудга келган ижтимоий сиёсий ва интеллектуал шароит билан боғлайди.

Тоталитаризм моделларининг амалда қарор топиши муайян ижтимоий шаоритлардагина мумкин бўлди. Тоталитаризмнинг бош ва умумий негизини жамиятнинг индустриал ривожланиш босқичи ташкил этади. У оммавий коммуникация тизимини вужудга келтирди, ижтимоий алоқаларни муракаблалаштирди, мунтазам мафкуравий таъсир кўрсатиш, шахс устидан тўлиқ назорат ўрнатиш имконини берди. Иқтисодий соҳада- монополиялар ташкил топиб, кучайиб бораётган давлат билан алоқаларини мустаҳкамлайди. Жамият ҳаётида рационализм, тартиб, бошқарув билан уйғунликда бутун жамият миқёсида оқиллона ташкил қилинган ва ялпи

бошқарилиши мумкин бўлган ҳаёт шаклини қуриш имконини бераётгандек. Ана шу ялпи ташкилотнинг маркази бўлиб фақат қудратли давлат ҳокимияти майдонга чиқа олади. Тоталитаризм манбаларидан яна бирик-коллективистик дунёқарашдир, шахснинг анъанавий коллективистик айниқса ижтимоий-иқтисодий инқирозлар даврида кучаяди. Инқироз бўлмаган, маданий ва ижтимоий –этник ўхшашаликни йўқотган оралик қатламлар, тоталитаризм тарафдорлари бўлиб чиқади. Масалан, Германияда идора хизматчилари, машинисткалар, ўқитувчилар, сотувчилар, майда хизматчилар ва ҳ.к.лар чиқди. Уларнинг иқтисодий аҳволи касаба уюшмалари ва давлат қонунлари билан ҳимояланган ишчиларникидан анча ёмонлашган эди.

Аммо санаб ўтилган асослардан фақат муайян сиёсийшароит мавжуд бўлгандагина фойдаланиш мумкин. Сиёсий манбаларга давлат таъсирининг кескин кучайиши “этатизм” тоталитар ҳаракатлар ва янги типдаги партиялар, мафкура етакчи, оммавий, яримҳарбий таркибли, тўлиқ итоатга асосланган мавжудлиги киради.

Тоталитар тартиботлар қуйидаги белгилари ва кўринишлари билан ажралиб туради:

1. Бутун жамият ҳаётини мафкурага бўйсундириш, ҳукмрон мафкурага абсолют ҳақиқат мақоми берилади. Мазмунига кўра тоталитар мафкура инқилобийдир. У янги инсон ва янги жамият қуришни асослайди.

2. Ахборот манбаларининг тўлалигича ҳокимият қўлида эканлиги. Аҳолининг сиёсий маданияти сиёсий ахборотлардан хабардорлик билан алмашинади, ғоявий муҳолифлар душман сифатида баҳоланади.

3. Давлат мавқеини кучайиб, фуқаролар жамияти, ҳар қандай шахсий ҳаётнинг йўққа чиқарилиши; Тоталитаризмнинг асл мақсади-фуқаролик жамиятининг ҳар қандай кўринишларини йўқ қилиш. Инсон ёки ижтимоий гуруҳларнинг мустақиллигини таъминловчи барча нарсалар кемирилади, инсон сиёсатдан мутлақо бегоналашгани ҳолда, сиёсат субъекти деб баҳоланаверади.

4. Раҳбар партия давлат аппарати билан бирлашиб кетиши натижасида жамиятни ниҳоятда марказлашган давлат ва партия номенклатураси бошқаради;

5. Ижтимоий назорат ва зўрлик аппарати кучаяди.

6. Марказлашган иқтисод, мулкчиликда давла мулкининг устунлиги; Юқорида санаб ўтилган умумий белгилар билан бирга тоталитар тузумлар муайян фарқлар, ўзига хос белгиларга ҳам эга. Бу –уларнинг бир нечта кўринишларини ажратиб, ўрганиш имкоини беради. Ҳукмрон мафкурага кўра уларни коммунистик, фашистик, национал-социалистик тартиботларга бўлинади. Тоталитаризмнинг тарихан биринчи ва классик кўриниши- совет тарзида коммунизм, социализмдир. Ғарбда уни “сўл тоталитаризм” деб ҳам баҳоланади. Коммунистик жамият хусусий мулкни бекор қилиш билан шахс эркинлигини ҳам йўқ қилади, давлатнинг мутлақ ҳокимиятни таъминлайди.

Фашизм Италияда 1922 йилда ўрнатилган. Италия фашизми асосан миллат раvнақи, Рум империяси буюклигини тиклаш вазифасини қўйган.

Фашизм “ҳалқ руҳи” ни поклаш, маданий ёки этник асосда коллектив бир хилликни таъминлаш, жинойтчиликни йўқотиш даъволари билан чиқди.

Национализм – социализм 1933 йиода Германияда вужудга келди. У фашизмдан ўсиб чиққан бўлса-да, кўп хусусиятларни совет коммунизмидан олган. Хусусан, инқилобийликни, социалистик ғояларни, тоталитар партия ва давлат тузиш шакллари ва ҳ.к. . Фақат “синф” тушунчасининг ўрнини – “миллат”, “синфий манфаатлар”ни- “миллий ва ирқий манфаат” олади. Коммунистик тизимларда кураш тиғи ички, синфий душманга қаратилган бўлса, национал-социализмда ташқарига, бошқа халқларга қаршидир. Ушбу тоталитар тузумларнинг асосий фарқи уларнинг турли мақсадларида, коммунизм, империяни тиклаш, орийларнинг дунё ҳокимияти, ва суянадиган ижтимоий кучларининг ҳар- хиллигидадир, ишчилар синфи, румликларнинг авлодлари, герман миллати. Шу уч тоталитар давлат турлари ичида ҳам айнан ўхшашлари кам, маълум хусусиятлари билан улар фарқланиб туради. Масалан, СССРдаги сталинизм билан Кампучиядаги Пол-Пот режими. Бу фарқларнинг манбаинин, албатта, маданиятли фарқидан излаш лозим.

Тоталитар тартиботларда сиёсий барқарорлик юзаки, бу , айниқса, раҳбарлар алмашинуви жараёнида кузатилади. Негаки, бу тартиботларда ҳокимиятнинг бир шахсдан икинчисига ўтиши тартиби, тадбирлари ишлаб чиқилмаган, ишламайди. Тоталитар давлат ўз зиммасига жуда кўп вазифаларни юклайди, шу жумладан ўзига хос бўлмаганларини ҳам, аммо уларни тўла қўламда бажара олмайди. Натижада бундай тартиботлар ёки емирилади, ёки аста-секин либераллашади.

Авторитаризм - лот *auctoritas*- тўла ҳокимият, устунлик ва иродани кўпчиликка ўтказишга асосланган ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тартибот. Авторитаризмнинг шакллари абсолют монархия, диктатура, посттоталитар режимлардир. Авторитар раҳбарлар қўрқитиш, қирғин, зўрликни қурол қилиб олишлари, ҳамда шу билан бирга, омманинг ишончини қозонишга, қонунга суянишга ваҳ.к. воситаларга ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Тарихдаги барча авторитар тартиботлар ҳукмронликнинг анъанавий ва харизматик турларига асослангандир. Тоталитар тартиб емирилганидан сўнг ташкил топган давлатларнинг кўпчилигида авторитар режимлар амал қилади. Бир қатор авторитар давлатлар ўзининг самарадорлигини амалда кўрсатди. Авторитар тартиботнинг ижобий томони сифатида барқарорлик ва иқтисодий ўсиш уйғунлигига эришиши мумкинлигини таъкидланади. Унинг заиф ва кучли томонларини яхши билиш лозим. Авторитаризм заиф томонларини: сиёсатнинг айрим шахс ёки гуруҳ иродасига тўлалигича боғлиқлиги: фуқароларнинг сиёсий ҳаётдан четланганлиги:Е бугун жамиятнинг сиёсий ўйинлар, авантюралар қурбони бўлиш потенциал хавфининг доимий мавжудлиги; умид, Ўрта асрлардагидек, подшо, раҳбар, етакчининг, адолати, заковатига боғлиқлиги ташкил этади. Шу билан бирга авторитар тузумларнинг бир қатор ижобий томонлари ҳам борки, улар айниқса, ўтиш даврини бошидан кечираётган жамиятларда ўз самарадорлигини амалда кўрсатади. Авторитар ҳокимият-кучли ҳокимият,

шунинг учун ҳам унинг жамиятда тартиб, барқарорликни таъминлаш қобилияти бир мунча юқорироқ. Бу ҳокимият турли кучлар қаршилигини синдириб жамиятда таркибий ўзгаришларни тез ўткази олади ва бутун имкониятларни энг долзарб муаммоларни ҳал қилишга йўналтира олади ва бутун ислохотлар ва ўзгаришлар даврида ана шундай кучли ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши, албатта афзалроқдир. Авторитар тартиботлар ички моҳиятига кўра турлича бўлиши ҳақида маъруза боошида сўз юритилган эди. Автоитар тузумларнинг аксарият модернизация йўлидан боради. “Ҳозирги вақтда авторитар тартиботлар демократияга йўналганлиги билан характерланади. Бундай йўналган сиёсий режимлар жамиятда бозор муносабатларини қарор топтириш, ўрта қатлам нуфузини орттириш, фуқаролик жамиятни шикллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, жамиятни сиёсий ва умуман, ҳар қандай плюрализмга тайёрлаш вазифаларини бажаради. Уларнинг фаолият давлари унчалик узоқ бўлмайди. Жамиятда шаклланган демократик муносабатлар ва шу йўналишдаги кучлар унинг аста-секинлик билан сиёсий тизимнинг бошқа тури- демократияга ўтишини таъминлайди. Унинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Ҳокимиятнинг бир шахс ёки кичик бир гуруҳ қўлида тўпланганлиги;
2. Ҳокимиятнинг чекланмаганлиги, фуқаролар томонидан назорат қилина олмаслиги, ҳокимият қонунлар асосида иш кўриши мумкин, аммо бу қонунлар ҳокимият эҳтиёжларига кўра қабул қилинади;
3. Кучга суяниш. Авторитар тузум халқ томонидан қувватланиши, репрессиялар, зўрлик ишлатилмаслиги мумкин. аммо у етарли кучга эга бўлиб, исталган вақтда итоат ва тартиб ўрната олиш лаёқатига эга.
4. Ҳокимият ва сиёсат соҳасида яқка ҳукмронликнинг ўрнатилиши, амалда муҳолифат ва рақобатга йўл қўймаслик. Авторитаризм шароитида бир қанча партиялар, қасаба уюшмалари ва ҳ.к.лар мавжуд бўлиши мумкин, лекин улар ҳокимият назоратида бўладилар. Баъзан муҳолифатнинг йўқлиги жамиятнинг шунга тайёр эмаслиги, эҳтиёжнинг йўқлиги билан ҳам изоқланади.
5. Жамиятнинг сиёсатдан бошқа соҳаларга кам аралашishi. Ҳокимият биринчи навбатда, ўз хавфсизлигини таъминлаш, жамоат-тартибини ўрнатиш, мудофаа ташқи сиёсат билан шуғулланади. Аммо иқтисодий ривожланиш стратегияси таъсир этиши, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориши ҳам мумкин.
6. Сиёсий элитани рақобатли сайловлар жараёнида эмас, юқоридан тайинлаш йўли билан шакллантиради; авторитар тартиботларда ҳокимият бирор етакчи мафкура ёки сиёсий партияларга эмас, армия, дин, анъанавий қадриятлар ва ҳ.к. ларга суянади; жамиятга янги қадриятлар тизимини киритишга, “янги инсонни” шакллантиришга ҳаракат қилмайди. Авторитар ҳокимият ўзини чекловчи механизмларга эга. Масалан, иқтисодда – мулкчиликнинг кўп шакллари эгаллиги; ижтимоий соҳада- ижтимоий бир хилликнинг йўқлиги, синф қатламларининг муҳолиф сифатида йшқ қилинмаслиги; мафкура соҳасида-турли қарашлар ва нуқтаи-назарларнинг

чекланган ва яширин, латент, ҳолда мавжуд бўлиши. Анъналар авторитар ҳокимиятнинг асосий чекловчиларидир.

7. аммо авторитар ва тоталитар тартиботларнинг умумий белгилари ҳам мавжуд. Жумладан, давлат ҳокимиятни топширишнинг легитим механизми ҳам иккаласида ҳам мавжуд эмас; узвийлик таъминланмайди; сиёсий муҳолифат таъқиқланган; фуқароларнинг ва ташкилотларнинг сиёсий ҳуқуқлари чекланган.

II - МАВЗУ: ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ

2.1. Давлат – жамият сиёсий тузилмасининг асосий ташкилоти сифатида.

Сиёсий ҳокимият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у давлат ҳокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотлардан таркиб топади.

Давлат – ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим ролр ўйновчи алоҳида бир ташкилотдир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат халқ манфаатини кўзласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юриштида эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зўровонлик билан иш олиб борса – реакция давлат ҳисобланади. «Давлат» сўзи кўпинча «мамлакат» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Масалан, айрим ҳолларда «мамлакатимиз» деган сўз ўрнида «давлатимиз» деган сўзни учратишимиз мумкин. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари – фуқаролар. Фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунди¹.

Давлат жамият сиёсий тизимида марказий ўринни эгаллайди. Негаки, у ҳокимиятни ўзига энг кўп мужассамлаштирган сиёсий ташкилот бўлиб, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ечишнинг энг кўп имкониятларига ҳам эгадир. Шу туфайли жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи бошқа институт ва ташкилотлар ҳам айнан давлат атрофида бирлашадилар. «Давлат» кенг маъноли тушунчадир. Давлатнинг моҳиятини тушунишда 3 асосий назарий ёндашув мавжуд: **ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий**.

Давлат моҳиятини тушунишдаги 1-ёндашувга кўра, **давлат** – умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади. 2-ёндашувнинг моҳияти шундаки, давлат

¹Қаранг: Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: Академия 2001, 27-бет.

синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш кууроли бўлиб хизмат қилган. 3-ёндашувнинг асоси қўйидагича: давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўз ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир². Албатта, учала ёндашувда ҳам муайян асос бор. Янглишув бир назарий қараш бошқаларидан устун қўйилиб, мутлақлаштирганда бошланади. Демак, давлатни қўйидагича изоҳлаш мумкин.

Давлат – суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари (қоидалари)ни яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилотидир.

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппарати, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилотдир.

Давлат – ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади. «Ҳокимият», «давлат» ва «сиёсат» тушунчалари ўзаро жуда яқин бўлиб, бир-бирларини белгилаб беради.

Давлатнинг келиб чиқишига доир назариялар қўйидагилардан иборат:

1. Теологик назария («бутун ҳокимият худоники» деган қоидага асосланади).

2. Патриархал назария (давлат катталашиб кетган оиладан келиб чиққан).

3. Шартнома назарияси (XVII-XVIII асрларда ёйилган, давлат – онгли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси).

4. Зўрлик назарияси (давлат зўрликдаги ғолибнинг ҳокимияти).

5. Ирригация назарияси (Шарқда улкан ирригация иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан келиб чиққан).

6. Синфий назария (К.Маркс, Ф.Энгелс, В.И.Ленин – фикрларича давлат иқтисодий сабаблар, ижтимоий меҳнат тақсимооти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамият қарама-қарши синфларга ажралиши туфайли келиб чиққан).

Давлат тўғрисидаги қарашларни энг қадимги даврлардан учратсак-да, уни ҳозирги маънода тушуниш, яъни жамиятнинг сиёсий ташкилоти тарзида ўрганиш Н.Макиавеллидан бошланган.

Давлат ҳокимияти (давлат аппарати) – бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган, муайян тузилмага бирлашган, давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир. Давлат ҳокимияти – халқ ҳокимиятининг махсус тузилма – давлат орқали амалга оширилишидир. Давлат ўз органлари орқали сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Ҳокимият давлат қўлида тўплангандагина у малакали ва самарали амалга оширилиши мумкин. Давлат ўзига тегишли ҳокимият ёрдамида мажбурлов ва таъсир чораларини қўллайди.

² Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1999, 9–10-бетлар.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг 4 та бўлиниш принципи мавжуд. Ўзбекистон Конституциясининг халқ ҳокимиятчилигига бағишланган 11-моддасида эса давлат ҳокимияти 3 та бўлиниш принципига асосланиши баён этилган. Улар 1) қонун чиқарувчи (парламент); 2) ижро этувчи (Вазирлар Маҳкамаси) ва 3) суд ҳокимияти. 4) Оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимиятдир (Бу дунёдаги ривожланган мамлакатларда). 2002 йил 4 апрелда Олий Мажлис 8-сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинди.

1. Қонун чиқарувчи ҳокимият жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларидаги ўзгаришларни, ўзаро муносабатларни тартибга солиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлашга доир қонунларни ишлаб чиқади. Давлат ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган қонунларни бажариш ва уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади. қонун чиқарувчи ҳокимият ғарбда Парламент, Сейм, Конгресс ва ҳ.к. деб юритилса, Шарқда Олий Мажлис, Кенгаш, Халқ қурали ва ҳ.к. деб аталади.

Парламент (фран. парле – гапирмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади) – давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга оширади. Парламент биринчи марта XIII асрда Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари бир неча мамлакатларда, жумладан Англия, Франция, Италия, Канада, Белгрияда тўғридан тўғри парламент деб аталади. АҚШ ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида Конгресс, Россияда Федерал Мажлис, Литва, Латвия, Полшада Сейм деб аталади.

Олий Мажлис – Ўзбекистон Республикасида ягона қонун қабул қилувчи, унга ўзгартириш киритувчи Олий Давлат органидир.¹ Халқ вакиллари депутатларидан иборат бўлган Олий Кенгаш таркибида 1990–1994 йилларда 150 депутат, 1995–2004 йилларда эса 250 депутат бўлиб, улар сайловчилар томонидан 1) умумий; 2) тенг; 3) тўғри сайлов ҳуқуқи асосида; 4) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Олий Мажлисга 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари 5 йил муддатга сайланади. Олий Мажлис ўз фаолиятини тегишли муддатларда ўтказиладиган сессияларда амалга оширади, сессиялар бир йилда камида 2 марта чақирилиши белгиланган. Зарур ҳолларда навбатдан ташқари сессиялар ҳам чақирилиши мумкин.

2005 йилдан бошлаб Олий Мажлис икки палатали: 1) **қуйи палата** – қонунчилик палатаси кўппартиявийлик асосида округлардан 120 депутат сайланади. қонун шу қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқуллангач, Президент томонидан имзоланади. 2) **Юқори палата** – Сенат палатаси. Сенат поғонали сайлов йўли билан ташкил қилинади. Бу сайлов тизимидаги янгилик. қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳридан 6 кишидан, қорақалпоғистон Республикаси вилоят, туман, шаҳарлардан депутат кенгашларининг қўшма мажлисида

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2001, 16–20-бетлар.

яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси Президент томонидан белгиланади. Жами 94 Сенатор мавжуд бўлади. Олий Мажлис аъзоларининг умумий сони 214 депутат қилиб белгиланган.

Олий Мажлис ўз фаолиятига ёрдам бериш учун турли органларни тузади. Олий Мажлиснинг ваколатлари Конституция ва Олий Мажлис тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган. 1993 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. 1994 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. 2002 йил 12-13 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Дунё мамлакатларининг баъзи парламентларида депутатлар сони кўйидагича:

- 1) АҚШ Конгрессига 535 депутат сайланади.
- 2) Россия Федерал Мажлисига 626 депутат сайланади.
- 3) Миср Халқ Ассамблеясига 454 депутат сайланади.
- 4) Исроил Кнессетига 120 депутат сайланади.
- 5) Финляндия Эдускунтига 200 депутат сайланади.
- 6) Исландия Алртингига 63 депутат сайланади ва ҳ.к.

Парламентаризм тажрибаси кўрсатадики, парламент 1 палатали ёки 2 палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида 2 палаталидир. XX аср сўнгги ўн йилликларининг ўзида 2 палатали парламентлар сони 45 тадан 70 тага кўпайди. Ҳозирги замонда 2 палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декабрда қабул қилган Ўзбекистон республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорига кўра 2002 йил 27 январда референдум ўтказилиб, овоз бериш бюллетенига қуйидаги мазмундаги саволлар киритилди:

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз? (93,65 фоиз сайловчилар «ҳа» деб жавоб бердилар). Ёки овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафаридан 93,65 фоизи, овоз берган, қарши овоз 6,35 фоизни ташкил қилди.

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз? (Умумий сайловчиларнинг 91,78 фоизи «ҳа» деб жавоб бердилар). Ёки овоз беришда қатнашган 11.117.841 нафардан 91,78 фоизи маъқуллаган, 8,22 фоизни қаршилар ташкил этди.

2. Ижро қилувчи ҳокимият давлатнинг турли идора ва муассасаларидан ташкил топган бўлиб, улар қонунларда ифодаланган тадбирларни ҳаётга жорий этади. **Ижро этувчи ҳокимият** – ҳокимиятнинг алоҳида тури, у қонунчилик (вакиллик), суд ҳокимиятидан холи, мустақил равишда иш олиб боради. Республика ижро этувчи ҳокимиятига Президент бошчилик қилади, жойлардаги ижро этувчи ҳокимиятга эса ҳоким. Ижро этувчи ҳокимият ижро органлари томонидан амалга оширади. **Ижро органлари** – ижро этувчи

ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органларидир. Ўзбекистон Республикасида Олий ижро органи – Вазирлар Маҳкамасидир, у ҳам ҳукумат ҳисобланади, ҳам коллегиял, умумий ваколатли органдир. Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 23-24 февралда ва 2000 йил 11 февралда икки марта тайинлаб ва тасдиқлаб қўйилди. Ҳозир 21 та вазирлик ва 11 та давлат қўмиталари мавжуд. Ижро органлари турли тармоқ ва соҳаларни идора этади. Республиканинг марказий идоралари: вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқалар. Улар яккабошчилик асосида иш олиб боради. Жойларда ижро этувчи ҳокимиятни ҳокимлар яккабошчилик асосида амалга оширади. Жойларни идора этишда у ўзининг тармоқ идора органларидаги бўлим ва бошқармаларига таянади. Масалан, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, маориф бўлими ёки бошқармалари. Ижро органлари тайинлаш ва тасдиқлаш йўли билан ташкил қилинади ва улар ўзини тайинлаган шахс олдида, шунингдек вакиллик органи олдида ҳисоб беради².

Ўзбекистон Республикасида ижроия ҳокимиятнинг раҳбари – Президент, шунингдек ижроия ҳокимият органи бўлиб Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, қорақалпоғистон Республикасида эса Вазирлар Кенгаши ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳисобланади³.

1. **Суд ҳокимияти** қабул қилинган ва ҳаётга жорий этилган қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи давлат идоралари муассасаларидан ташкил топади.⁴

Президент Ислом Каримов ҳокимиятнинг учинчи тармоғи – суд – ҳукук тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини баён этган эди. “Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди...”⁴

Давлат ҳокимияти ўзининг тузилиши, мазмуни, мақсад ва вазифаларига кўра бир хил бўлмайди. У айрим мамлакатларда кенг халқ оммасининг иродасини ифода қилса, баъзи мамлакатларда эса алоҳида сиёсий кучларнинг ёки озчиликнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Шунга кўра бу ҳокимият ё халқ ҳокимияти ёки мустабид ҳокимият бўлади.

Мустабид ҳокимият озчиликнинг ҳокимияти бўлиб, у зўрликка асосланади. Бундай ҳокимиятлар кўпчиликни итоатда тутиб туришга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бўғиб қўйишга, демократияни тақиқлашга ҳаракат қилади. Мустабид ҳокимият жазолаш, мажбур қилиш усуллари кучайтиришга ва шу йўл билан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга интилади. Ўтмишда бундай ҳокимиятлар жуда кўп бўлган. Наполеон, Гитлер, Муссолинолар бошчилик қилган ҳокимиятлар зўрликка асосланган ана шундай ҳокимиятлар бўлган.

² Азизхўжаев А. ва бош. Конституциявий ҳуқуқ. Т.: Академия, 2001, 44–45-бетлар.

³ Юридик Энциклопедия. Тошкент: Шарқ, 2001, 175–176-бетлар.

⁴ Рамазонов И., Мҳминов Э. Политология. Т.: Адолат, 1997, 104-бет.

⁴ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005, 43– б.

Давлат тузуми – Конституциявий ҳуқуқ (давлат ҳуқуқи) нормалари билан белгиланадиган ва мустақамланадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тизими. «Давлат тузуми» «конституциявий тузум»га караганда кенгрок тушунчадир.

Давлат суверенитети – (фран. ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллиги) – давлатнинг ўз ички ишларида ва ташқи муносабатларида бошқа бир давлатдан тўла мустақиллиги¹. **Суверенитет** – ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллиги бўлиб, мамлакатнинг мустақиллигини билдирувчи тушунча. Конституциявий ҳуқуқда давлат суверенитети, миллат суверенитети, халқ суверенитети тушунчалари ишлатилади. **Давлат суверенитети** – ҳокимиятнинг мамлакат ичида олийлиги ва ташқи муносабатларда тўла мустақиллигидир. Бунда ҳеч қандай ташқи давлат ишларига таъсир қила олмайди. **Миллат суверенитети** – миллатларнинг тўла ҳокимиятини, уларнинг тўла сиёсий эркинлигини, ўз ҳаётини ихтиёрий, мустақил давлатни ташкил қила олишини билдиради. **Халқ суверенитети** – халқнинг тўла ҳокимиятини билдиради, яъни халқ жамият ва давлатни бошқариш имкониятини берадиган ҳамма иқтисодий ва сиёсий воситаларга эга бўлади².

Давлат рамзлари – Конституцияда белгиланган бўлиб (5-модда), байроқ, герб ва мадҳия ҳисобланади. Асосан ва умуман давлат рамзларига қуйидагилар ҳам киради:

1) Мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси.

а) Давлат байроғи – 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинди.

б) Давлат герби – 1992 йил 2 июлда қабул қилинди.

в) Давлат мадҳияси – 1992 йил 10 декабрда қабул қилинди.

2) Мустақил Ўзбекистон давлатининг номи. Конституциямизнинг 1-моддасидаёқ «Давлатнинг Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маъно англатади» деб ёзиб қўйилган. «ЎзР» ёки «РУ» деб ёзиш керак, дейилади.

3) Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси (1992 йил 8 декабрда қабул қилинган).

4) Ўзбекистон Республикасининг давлат тили – 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган ва Конституциянинг 4-моддасида тасдиқланган.

5) Мустақил давлат пойтахти – Тошкент шаҳри. Конституциямиз 6-моддасида баён этилган.

6) Мустақил давлат фуқаролиги. Конституциянинг 21-моддасида айтилганидек, фуқаролик ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгисидир.

7) Давлат мукофотлари ва унвонлари (1997 йил ноябрча 30 та Ўзбекистон Республикаси фахрий унвони таъсис этилган).

8) Миллий валюта. 1994 йил 16 июнда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Президент Фармони. 1994 йил 1 июлдан «Сўм» муомалага киритилди.

9) Умумхалқ байрамлари ва бошқалар.

¹ Конституциявий ҳуқуқ асослари. Т.: Шарк, 2001, 251-бет.

² Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луъат. Т.: Академия, 2001, 97-бет; Юридик энциклопедия. Тошкент: Шарк, 2001, 404-бет.

2.2. Давлатнинг асосий белгилари, шакллари ва вазифалари.

Давлатнинг асосий белгилари – бу давлатни мустақил давлат сифатида эътироф этиш учун сабаб бўладиган тушунчалардир. Мустақил давлат бўлиш учун ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди, Конституцияси, аҳолиси (халқи), давлат рамзлари, фуқаролиги, армияси, олий ҳокимият органлари, пул бирлиги бўлиши зарур. Демак, давлатнинг асосий рамз-белгилари куйидагилардан иборат:

1. Ўзига хос оммавий ҳокимиятнинг – давлат (ижтимоий) ҳокимиятнинг таъсис этилганлиги, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг, мажбурлаш аппаратининг борлиги.

2. Аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги⁵. Бу фуқароларнинг давлат чегаралари доирасида, муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда яшашини билдира-ди. Ёки бошқача айтганда, фуқароларнинг ҳудудий жиҳатдан бўлинганлиги.

3. Суверенитетлиги (фран. олийлиги), яъни ички ва ташқи сиёсат юритишда мустақил бўлиш.

4. Ҳуқуқ ижодкорлиги, яъни давлат ҳудудида яшовчи барча кишилар риоя этадиган қонунларни чиқаришга қодирлиги.

5. Давлат аппаратининг сақланиши ва таъминланиши ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун **солиқлар солиниши**.

6. Умуминсоний функцияларни (вазифаларни) **бажариш**, яъни ҳудудни кўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга ошириш учун қуролли кучлар ва бошқа мажбурловчи органларнинг мавжудлиги. Бу махсус давлат органларига: мудофаа тизими, Ички ишлар вазирлиги, ички ишлар хизмати, прокуратура, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, божхона хизмати ва ҳ.к.

7. Конституция, давлат рамзлари ва фуқаролик мақомининг мавжудлиги.

Давлат шакли деганда, давлат тузилиши ва бошқарув усулини белгилайдиган ташқи хусусиятлар тушунилади. Давлат олий органларини ташкил этиш, давлат ҳокимиятининг ҳудудий тузилиши ва уни амалга ошириш усуллари дир. Давлат шакли 3 элементдан ташкил топади. Булар куйидагилардан иборат:

I. Давлатнинг бошқарув шакли.

II. Давлатнинг тузилиш шакли.

III. Сиёсий режим.

Энди буларни алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Давлатнинг бошқарув шакли – Олий давлат ҳокимияти, унинг идора-лари, аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллан-тиришда иштирок этиш даражаси тушунилади. Дунёдаги барча

⁵ Саидов А., Таджиканов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎзРИИВ Академияси, 1999, 10–11-бетлар.

мамлакатлар бошқарув шаклига қараб давлатни иккига ажратадилар: **монархия ва республика.**

1. Монархия шакли (юнон. якка ҳокимлик) – олий ҳокимият якка ҳоким давлат бошлиғининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқарув шакли. Бунда давлат бошлиғи наслдан-наслга ўтади ва монарх умрбод давлат бошлиғи бўлади.

Монархия давлат бошқарувининг 4 тури мавжуд: 1) Мутлақ монархия; 2) Конституцион монархия; 3) Парламентли монархия; 4) Чекланган монархия.

1) Мутлақ (абсолют) монархия – бунда монархнинг ваколати чекланмаган, у ягона ҳукмдор бўлади. Давлат ҳокимиятини бошқа биронта идора билан чекланмаган монарх (қирол, подшо, император) амалга оширса (масалан, Саудия Арабистонида) бундай монархия мутлақ монархия дейилади. Мутлақ монархия ҳозирги кунда 8 та мамлакатда сақланган, улар қаторига Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлар, қувайт ва бошқалар киради.

2) Конституцион монархия – (ёки буни чекланган – парламент ҳам дейилади) шакли ҳам мавжуд. Агар монархнинг ҳокимияти Конституция асосида амал қиладиган бирон-бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия чекланган, конституциявий, парламент шаклида бўлади. Бунда мамлакатда қонунчиликни парламент, ижро ҳокимиятини ҳукумат олиб боради. Масалан, Япония ва бошқа мамлакатлар киради. Монархлар турли мамлакатларда турли номлар билан аталади. Масалан, Японияда – император, Англияда, Испанияда – қирол, Малайзияда – султон, қувайтда – амир, Люксембургда – буюк герцог.

3) Парламентлик монархия – мамлакатлари (ҳозирги Англия, Белгия, Норвегия, Швеция)да қирол шоҳлик вазифасини ўтасада, мамлакатни тўла маънода бошқаролмайди. Ҳукумат парламент томонидан сайловларда кўп овоз олган муайян партиялар вакилларида иборат қилиб шакллантирилади.

4) Чекланган монархия – турли тарихий даврда турли кўринишга эга бўлади. Ҳозирги замон олимлари чекланган монархияни (феодализм даврида) табақавий-вакиллик ҳамда конституциявий монархияга бўладилар. Конституцион монархия ўз навбатида дуалистик ва парламент кўринишларга эга⁶.

2. Республика шакли – (юнон. «умумий иш») ҳокимиятнинг олий идоралари муайян муддатга сайланадиган давлат бошқарув шаклидир. Бунда давлат органлари сайланади (масалан, парламент). Республикада фуқаролар сиёсий ва шахсий ҳуқуққа эга бўладилар. Ҳозирги вақтда дунёдаги барча давлатлардан 140 таси республика шаклида бошқарилади.

Давлат бошқарувининг республика шакли қуйидаги турларга бўлинади:

1) Президентлик республика – бунда давлатни халқ томонидан сайлана-диган, жуда кенг ваколатларга эга бўлган Президент бошқаради. У

⁶ Исмолов З. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (давлат назарияси). Т.: Адолат, 2000, 150–151-бетлар

давлатнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам бошлиғидир. Масалан, АҚШ, Мексика, Ўзбекистон ва ҳ.к. Ўзбекистон давлат тузуми – Республика. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – Президент.

2) Парламентар республика – бунда давлат бошлиғи – сайланувчи мансабдор шахс – жуда кичик ваколатларга эга. Унинг ҳукуматни тузиш ва мамлакатни бошқаришда тутган ўрни номигагина аҳамиятга эга. У ҳукуматни бошқармайди, ҳукуматни Бош Вазир бошқаради. Аммо ҳукумат уни тарқатиб юбориши мумкин бўлган парламент олдида жавобгардир. Парламентар республикага Италия, Германия, Венгрия, Австрия кабилар мисол бўла олади. Бу мамлакатларда, яъни парламентар республикада парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар ҳисобланади. Парламент президентни сайлайди. Бунда президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди.

Парламент – бу жамият ҳаётини ойнадай акс эттирадиган кўзгу “Бинобарин жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади”²

3) Аралаш типдаги республика (ярим президентлик) – бунда президентлик республикаси билан парламентар республика хусусиятлари қўшилиб кетади. Яъни Президент умумхалқ сайловларида сайланиб, юридик ва реал ваколатларга эга бўлади. Бироқ ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва у нафақат Президент олдида, балки парламент олдида ҳам сиёсий жавобгар бўлади. Бунда Президент ҳукуматга умумий раҳбарлик қилади, лекин уни бош вазир бошқаради. Президент маълум ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Масалан, Францияда Президентни халқ сайлайди, у жуда катта ваколатларга эга, аммо у ҳукуматни бошқармайди.

4) Суперпрезидентлик республикаси⁷.

5) Социалистик республика.

II. Давлатнинг тузилиш шакли. Бу давлатнинг тузилишини билдирувчи хусусият бўлиб, давлатлар 1) федератив (мураккаб) ёки 2) унитар (оддий) ҳамда 3) конфедератив турларга бўлинади.

1. Федератив давлат (фран. бирлашма, иттифок) – маълум сиёсий мустақилликка эга давлатларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади. Федератив давлат миллий ёки ҳудудий тамойиллар асосида тузилиши мумкин. Федерациянинг субъектлари: республика, вилоят, ўлка (Россия), штат (АҚШ ва Ҳиндистонда), ерлар (Германияда) деб аталади. Федератив давлатларда бир неча Конституция, бир неча фуқаролик бўлади. Унитар давлатдан фарқли ўлароқ федерация ҳокимият олий органларининг 2

² Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005, 26 – б.

⁷ Исломов З., Ҳусанов О., Миръамидов М. Ҳуқуқшунослик. Маорוזалар матни. Т.: ЎАЖБНТ, 2000, 29-бет.

тизимига эга: 1) федерал органлар; 2) федерация аъзоларининг тегишли органлари. Федерация аъзоларининг тегишли органлари, федерал органлар ўз ваколатлари ва функцияларини бутун мамлакат ҳудудида амалга оширадилар. Федерацияни ташкил этувчи тузилмалар том маънодаги давлатлар эмас.

Федерация ҳудудий ва миллий турларга бўлинади.

1) Ҳудудий федерация.

2) Миллий федерация.

Жаҳонда 20 дан кўпроқ федерациялар бор. Хусусан, АҚШ, Германия, Бразилия, Россия, Ҳиндистон (Бир вақтлар собиқ СССР, Чехославакия, Югославия) каби.

2. Унитар давлат (фран. ва лот. бирлик) – давлат ёки миллий давлат тузилишининг оддий кўриниши бўлиб, у давлат тузилиши шаклларида бири ҳисобланади. Бунда давлат ҳукуқи маъмурий-ҳудудий бирликларга (вилоят, округ, туман, департамент ва ҳ.к.) бўлинади. Унитар давлатда, федерациядан фарқли равишда, ҳудуд, битта конституция, фуқаролик, олий давлат ҳокимияти ягона, олий вакиллик органи, битта ҳукумат мавжуд бўлади. Бу эса мамлакатнинг бутун ҳудудида марказий ҳокимиятнинг таъсирини кучайтириш учун ташкилий-ҳудудий шароитлар яратади. Айрим ҳолларда унитар давлатга мухтор давлат ташкилоти мақомига эга бўлган бир ёки бир неча бирликлар кириши мумкин. Масалан, мухтор вилоят, мухтор республика. Ўзбекистон таркибида давлат тузилишига хос белгилари мавжуд бўлган қорақалпоғистон Республикаси мавжуд.

Умуман, унитар давлат ягона конституцияга, ягона олий қонунчилик ва олий идора органига эга марказлашган давлатдир. Унитар давлатларга Ўзбекистон, қозоғистон, Туркменистон, қирғистон, Франция, Италия каби мамлакатлар киради. Унитар давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент бўлади, давлат одатда бир миллатли бўлади.

3. Конфедератив давлат (лот. иттифоқ, бирлашма) – давлатлар иттифоқининг муайян мураккаб шакли бўлиб, унда иттифоққа кирувчи давлатлар ўз суверенитетларини тўла сақлаб қоладилар. Конфедерация ҳам халқаро ҳуқуқий ташкилот, ҳам давлат ташкилоти хусусиятларига эга. Ҳозирги кунда дунёда биттагина конфедерация – Европа Иттифоқи мавжуд. Турли даврларда қуйидагилар конфедерация шаклида бўлган: Австрия-Венгрия (1918 йилгача), Швеция ва Норвегия (1905 йилгача), АҚШ (1781–1787 йй.), Швейцария (1815-1989 йй.). Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, конфедерация ўтиш даврининг ёки иттифоқнинг тўла барбод бўлиши ёхуд федератив (иттифоқ) давлатга айланишининг шаклидир. Конфедерацияда ягона пул тизими ўрнатилмайди, иттифоқ фуқаролиги бўлмайди ва ҳ.к.

III. Сиёсий режим. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш усули, ташкил этишининг бир шакли ва йўналишлари мажмуи бўлиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни, яъни жамиятдаги сиёсий эркинлик даражасини ҳамда шахснинг ҳуқуқий ҳолатини билдиради. Аммо бу ҳақда умум эътироф этган ягона фикр йўқ. Аслида сиёсий режимни жамият сиёсий (давлат ҳокимиятини) ҳокимиятини амалга ошириш усуллари, шакллари, йўллари

тизимини белгилайди. Бу ҳокимиятнинг функционал тавсифидир. **Сиёсий режим** – давлат шаклининг жамиятда инсон мавқеини белгиловчи энг муҳим элементи. Давлатчилик тарихида сиёсий режим 2 та катта гуруҳга бўлинади: 1) демократик режим; 2) антидемократик режим.

1) Демократик режим. Халқ ҳокимиятчилиги икки шаклга эга: вакиллик демократияси ва бевосита демократия.

а) **Вакиллик демократияси** – халқнинг ўз ҳокимиятини вакиллик идоралари, яъни демократик ҳокимият ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг сайлаб қўйиладиган органлари орқали амалга оширилишини билдиради.

б) **Бевосита демократия** – халқнинг демократик ҳокимият масалаларини ҳал этишда умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан тўғридан-тўғри иштирок этиши.

2) Антидемократик режим (демократияга зид режим)да давлат идоралари ҳокимиятни амалга ошириш чоғида демократия принциплари ва қоидаларига риоя этмайдилар, уларни доимо ёки тез-тез бузадилар.

Давлатнинг вазифалари: мамлакатнинг нормал ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш, иқтисодни ташкил қилиш натижасида фаровон ҳаёт яратиш демакдир. Мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш ҳам давлатнинг вазифасидир. Давлат ўз вазифасини бажариш жараёнида чет мамлакатлар билан алоқалар ўрнатади ва ўз фуқаролари манфаатини чет мамлакатларда ҳам ҳимоя қилади. (Конституциявий ҳуқуқ. Т.: «Академия», 2001, 31-бет). Шу билан бирга давлат ҳокимияти мамлакатда ижтимоий тартибни сақлайди, фуқароларнинг тотувлигини, давлатнинг бир бутунлигини таъминлаб, уни ички ва ташқаридан бўладиган ҳужумлардан ҳимоя қилади, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва бошқа вазифаларни бажаради.

Давлат ҳокимияти вазифалари ички ва ташқи функцияларга бўлинади:

1) Давлатнинг ички функциялари давлат ички ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолиятнинг асосий йўналишларидир. Ички функцияга қуйидагилар киради:

а) Регулятив (тартибга солиш, бошқариш) – мамлакатда ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш.

б) Кўриқлаш (сақлаш, муҳофаза қилиш) – қарама-қарши кучлар қаршилигини бостириш. Ички ҳавфни бартараф этиш.

в) Ижтимоий ҳимоя, буйруқбозликнинг олдини олиш, ҳуқуқ тартиботини таъминлаш ёки фуқаролар тотувлигини сақлаш.

г) Маънавий-мафкуравий фаолиятни, сиёсий онгни шакллантириш.

2) Ташқи функциялар – давлатнинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бу ўз навбатида:

а) тинчлик учун кураш;

б) мудофаа ва ҳавфсизлик – мамлакатни ташқаридан бўладиган ҳужумлардан мудофаа қилиш;

в) халқаро ҳамкорлик: халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш. Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш;

г) бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли нормал муносабатларни бошқариб бориш;

д) умумбашарий муаммоларни ҳал этишда халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этиш ва ҳ.к.

Қисқача хулосалар

Давлат — жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳлар, синф, ташкилот, ҳамкорликдаги фаолиятини ва ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институтдир.

Давлат ҳокимияти қонунийдир, яъни давлатнинг, унинг органларининг ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилади. Давлат ҳокимияти ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсир қилиб турувчи, ижтимоий жараёнларни тартибга солувчи етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа бирон-бир шакли давлат ҳокимияти сингари кенг имкониятга эга эмас.

Ўзбекистон республикасида давлат ҳокимияти кенг халқ оммасининг иродасини ифода қилувчи халқ ҳокимияти ҳисобланади ва халқ манфаатларига хизмат қилади.

Давлатнинг бошқарув шакли — ҳокимиятни ташкил қилиш олий органларининг ваколатлари, улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ бўлади. Давлатнинг бошқарув шаклини аниқлашда энг муҳим белги — давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақоми қандайлиги, у давлат бошига қандай йўл билан келиши ҳисобланади.

Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузаси бу борада катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлат нима ва уни изоҳлаб беринг?
2. Давлатнинг келиб чиқишига доир қандай назариялар мавжуд?
3. Давлат ҳокимияти деганда сиз нимани тушунасиз?
4. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни сиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?
5. Парламентаризм ҳақида Президентимиз Ислом Каримов қандай ғояларни илғари сурган эди?
6. Ўзбекистондаги Олий Мажлис нима учун 2 палатали қилиб белгиланиши ҳақида референдум ўтказилди, сабаби нималарда деб биласиз?
7. Демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳақида тўхталинг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 4-5, 8-9, 14-33-бетлар.
2. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. 5-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 120-121-бетлар.
3. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. – 5-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 185-187-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 178-188-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 380-бет.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 332-334-бетлар.
7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 495-бет.
8. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 апрел.
10. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қуватимизга ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.
11. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.
13. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қара шва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
14. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жихатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқарии сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.
15. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
16. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. «Академия» нашриёти, 2001 йил.
17. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ мероси», 1993.
18. Низомиддин Шомий. – Зафарнома. Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.

19. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.
20. Жалилов А. Сиёсий партия: юксалиш муаммолари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1992.
21. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.
22. Отамуродов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Политология (ўқув қўлланма) – Т.: «Ўзбекистон», 1990.
23. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6-бет.
24. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 256 – 275 – бетлар.
25. Жўраев С.Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 38-50-, 38-50-бетлар.
26. Усманов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. Т.: Ў.Фулум ном. нашр. – матбаа уйи, 2004, 3-47-бетлар.
27. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.
28. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.
29. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.
30. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., СултоновТ.,Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
31. Бекмуродов А. Ш. , Алиев Б., Бобоев А ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Тошкент. 2005.
32. Т. Султонов, А. Ҳайитов. Демократик жамият сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. ТДИУ 2005й.
33. Б. Алиев ва б. Парламентаризм тараққиёти бўйича тест саволлари. ТДИУ 2005.

III- МАВЗУ: СИЁСИЙ ҲАЁТ ВА КўП ПАРТИЯВИЙЛИК. ОАВ ВА ДЕМОКРАТИЯ

7.1. Сиёсий партия тушунчаси, унинг классификацияси ва партиявий тизим ҳамда сиёсий ҳаракатлар

Ўрни ва аҳамияти жиҳатидан сиёсий партиялар ва ҳаракатлар жамият ҳаётида муҳим рол р ўйнайди. Сиёсий партиялар жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий сиёсий кучлардан бири ҳисобланади. қайси мамлакатда сиёсий партиялар ҳаракатда бўлмас экан, шу мамлакатда фикрлар эркинлиги ҳам бўлмайд, бу ҳол жамият ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида жамиятда ижтимоий-иқтисодий табақаланиш рўй берган ва бунинг оқибатида манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ифода қилувчи сиёсий партиялар шакллана бошлаган.

«**Партия**» сўзи лотинча «парз» – қисм, бўлак сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий синф, табақа, гуруҳларнинг бир қисмини, уларнинг энг илғор фаол қисмини бирлаштирган сиёсий ташкилотни англатади.

Сиёсий партия – ижтимоий синф, табақа ва гуруҳларнинг туб манфаатларини ўз фаолиятида ифода этувчи, уларнинг муайян мақсад-манфаатларини, орзу-умидларини ҳимоя қилиш учун курашда уларга сиёсий раҳбарлик қилувчи сиёсий ташкилотдир.

Бошқача айтганда, **сиёсий партия** – жамиятнинг муайян қисми, манфаатларини ифодаловчи ва давлат органлари фаолиятида иштирок этишни ўзига мақсад қилиб қўювчи маслақдошларнинг уюшган гуруҳидир.

Сиёсий партиялар – жамиятнинг муайян ижтимоий табақалари фаол намоёндаларини бирлаштирувчи, сиёсий ҳаётда бевосита иштирок этиш орқали ўз манфаатларини ифодаловчи сиёсий ташкилот. Ёки бошқача изоҳлаганда, **сиёсий партиялар** – қараш ва мақсадлари бир бўлган турли табақа ва гуруҳлардаги фуқароларнинг сиёсий мақсадни кўзлаб тузган бирлашмалари – ташкилотларидир.

Сиёсий партиялар сайловларда иштирок этиб, тегишли органларга ўз вакилларини ўтказиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятида иштирок этади. Шу билан бирга сиёсий партиялар замонавий жамият тизимининг муҳим қисми бўлиб, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради.

Сиёсий партияларнинг вужудга келиши сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш учун мурасасиз кураш олиб бориш зарурияти билан узвий боғлиқдир. Сиёсий партияга ўхшаш институтлар ғарб ва Шарқда қадимдан мавжуд бўлган⁸. Тарихдан маълумки, сиёсий партиялар қадимги Юнонистонда ташкил топган бўлиб, улар олдин жуда озчиликни ўз сафларида бирлаштирган. Улар таркиби жиҳатидан жуда тор доирада уюшган сиёсий ташкилотлар бўлган. Улар асосан жамиятдаги турли синфларнинг манфаатларини эмас, балки қулдорлар синфи ичидаги хилма-хил сиёсий оқимлар манфаатларини ифода этган. Афинада гетерийлар, Рим оптимат ва популярлари антик даврида сиёсий партия вазифаларини бажаришган.

Ўрта асрларнинг сиёсий ҳаётида ҳам сиёсий партиялар ўз моҳияти жиҳатидан бир оз фарқ қилган. Фақат мустабидлик ёки мутлақ ҳукмронлик тузумларида сиёсий партиялар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида очиқ ҳаракат қила олмаган.

Саноатлаштириш даврига қадар сиёсий партияларнинг универсал шакли кланлар ва махфий ташкилотлар эди. Кланлар асосан қариндошлик алоқалари билан боғланган кишилардан иборат эди. **Ўрта асрлар** Англиясида Йорклар ва Ланкастерлар, Арабистонда (ўрта асрда) эса алавийлар («Али партияси»), Осиё давлатларида ҳозирги кунда ҳам

⁸ Юридик энциклопедия. Т.: Шарқ, 2001, 392-бет.

кариндошлик ва юртдошлик принципларининг сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида аҳамияти катта.

XVIII-XIX асрларга келиб, сиёсий партиялар белгиланган тарзда тасдиқланган дастур, низоми ва доимий аъзолиги билан замонавий демократик институтлар шаклланиши даврида пайдо бўлган. Агар партия муҳолифат хусусиятига эга бўлса, демократик муассасалар ривожланмаган шароитда махфий ташкилот хусусиятларига эга бўлиб қолади. Масалан, Европада Массонлар ташкилотлари, Ислон дунёсида Исмоилийлар ташкилотлари. Айрим пайтларда бу сиёсий партиялар махфий ташкилот хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Ҳозирги шароитда амал қилаётган сиёсий партиялар ўз ижтимоий аъзоси, таркиби ва сиёсий ҳаракат дастурининг қандай мақсадларга йўналтирилганига қараб 3 гуруҳни ташкил этади:

1. Феодал муносабатлари ва тартибларининг сақланиб қолишини ифода этувчи сиёсий партиялар. Бу гуруҳга Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги феодал муносабатлари сақланиб қолаётган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар киради. Мақсади: феодал тузум тартибларини ҳимоя қилишдан иборат.

2. Буржуа синфи манфаатини ифода этувчи партиялар бўлиб, подшоликни тан олади, баъзан социал-демократик кўринишдаги партиялардир.

3. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, хунарманд-косиблар ўз манфаатини сиёсий фаолиятлари ва ҳаракат дастурларида акс эттирадиган сиёсий партиялардир⁹.

Аввал бошда капиталистик жамиятда сиёсий партиялар XIX асрда буржуазиянинг турли гуруҳлари томонидан тузилган. **Америка қитъасида:** АҚШ Демократик партия (1828), АҚШ Республикачилар партияси (1854), Колумбия консерватив партияси (1848), Колумбия либерал партияси (1849), Аргентина гражданлар радикал Иттифоқ партияси (1891), Гондурас либерал партияси (1891), Гондурас миллий партияси (1891) ташкил топди. **Европада:** Белгия католик партияси (1830), Италия республикачилар партияси (1832), Буюк Британия либерал партияси (1832), Буюк Британия консерватив партияси (1867) ташкил топди. **Осиёда:** Ҳиндистон миллий Конгресси партияси (1885). **Африкада:** (асосан XX аср бошларида) Жанубий Африкаликлар миллий конгресси партияси (1912), ЖАР Миллатчилар партияси (1913). **Австралия ва Океания қитъасида:** Австралия лейбористлар партияси (1891), Миллий (собик аграр) партия (1916), Лейбористлар партияси (1916), Австралия либерал партияси (1944) ва бошқа партиялар юзага кела бошлади. Сиёсий партиялар фаолияти Ўрта Осиёда асосан XX аср бошларига келиб ташкил топди. Бу аввало Ўрта Осиёда мустамлакачилик сиёсатига қарши озодлик ҳаракати билан боғлиқ бўлган¹⁰. Жумладан, шу йилларда кенг ёйилган жаҳидчилик ҳаракати туфайли «Турон», «Иттиҳоди тараққий», «Бирлик», «Шарқ озодлиги», «Ёш

⁹ Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: Адолат, 1997, 111-112-б.

¹⁰ Политология. Маърузалар матни. Т.: ЎАЖБНТ, 2000, 92-бет.

бухороликлар», «Ёш хиваликлар», «Мифтах ул-маориф» ва бошқа кўплаб ижтимоий ташкилотлар фаолият кўрсатган. Аммо собиқ шўро ҳукуматининг курулли истилоси натижасида барча миллий сиёсий партиялар фаолияти тақибга олинди ва батамом тугатилди. Фақат истиқлол туфайлигина Ўзбекистонда сиёсий партиялар том маънодаги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий таркибига айланди.

Партиявий тизим — жамият ичида ижтимоий фаолиятни шакллантирувчи, ташкил этувчи сиёсий институтлар мажмуасидир. Сиёсий институтлар бир томондан сиёсий партиялар билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бошқа томондан — партиялар сиёсий тизимнинг ижтимоий элементлари ва фуқаролар ўзаро муносабатлари ифодаси. Партия тизими маълум бир жамият ёки давлатлар томонидан қабул қилинмаган. Масалан, Бутан, Уммон, қувайт, Саудия Арабистони кабилар. Шу билан бирга бир партияли ёки кўп партияли тизимлар ҳам мавжуд.

Сиёсий партияларнинг партиявий тизим жиҳатидан таснифи, турлари. Дунё давлатларида партиявий тизим классификацияси, турлари қуйидагилардан иборат бўлиб келган:

1. Кўп партиявийлик тизими. Бу тизимда фуқароларга турли партиялардан номзодларни танлаб олишга ва жамиятни давлатлаштиришда у ёки бу дастурга афзаллик беришга имкон яратади. Кўп партиявийлик тизими ўз навбатида:

1) Кўп партиявийлик тизимида **ҳукмрон партияларга** бўлинади. Масалан, АҚШ Демократик партияси (1828), АҚШ Республикачилар партияси (1854), Австралия лейбористлар партияси (1916), Австралия Алрианс партияси (1966), Ўзбекистонда ФМДП (1998), ХДП (1991) ва ҳоказо.

2) Кўп партиявийлик тизимида **ҳукмронсиз партиялар**. Масалан, АҚШ Компартияси (1919), АҚШ Социал-демократик партияси, АҚШ Социалистик партияси. Ўзбекистонда бизнинг тахминимизча, «Адолат» партияси (1995), Миллий тикланиш партияси (1995) ва ҳоказо.

3) **Иттифок (блок) партиялари.** Масалан, Германия социал-демократик партияси (1869), Христиан социал Иттифоқи (1945), Эркин демократик партия (1848), Христиан демократик Иттифоқи (1950), «Кўкатпарварлар» партияси (1980) ва ҳоказо.

2. Икки партиявийлик тизим. АҚШда 2 партияли тизим таркиб топган бўлиб, ҳокимият тепасига Республикачилар (ҳозирги президент Ж.Буш) ва Демократик партия келиб туради.

3. Бир партиявийлик тизими. Тарихнинг бориши яқка партиявийлик тизими давлатда диктатура ўрнатилишига олиб келишини тасдиқлади.

Политология таълимотида политологлар сиёсий партиялар тузилишига доир турли фикр-мулоҳазаларни билдирганлар.

Сиёсий партияларнинг тузумга кўра турлари:

1. Буржуа-демократик партиялар.
2. Авторитар партиялар.
3. Социалистик партиялар.

Сиёсий партиялар фаолиятидаги устунлик хусусиятига қараб, уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Авангард типидagi партиялар.
2. Парламент типидagi партиялар.
3. Сайлов кампаниясида иштирок этиш учун тайинланадиган партия (қўпроқ ривожланган мамлакатларда).
4. Муносабат партияси, клуб партияси (маърифатпарварлик характеридаги, масалан, Москва ишчилар клуби ва ҳоказо).

Сиёсий партияларнинг синфий белгиларига кўра: пролетар (ишчи), деҳқон, майда буржуа, буржуа, помещик партиялари мавжуд бўлган.

Сиёсий партиялар мафкуравий белгиларига кўра: коммунистик, социалистик, социал-демократик, халқ, либерал, консерватив, диний ва миллий партияларга бўлинган.

Сиёсий партиялар мавжуд тузумга кўра: инқилобий, ислохотчи, консерватив ва реакцион партиялар бўлган.

Сиёсий партиялар ташкил топиши, фаолият усулларига кўра: демократик, авторитар, тоталитар партияларга ажратилган.

Сиёсий партиялар таркибига кўра: оммавий партиялар, ходимлар партияси, оқ суяклар партияси бўлган.

Сиёсий партиялар сиёсий йўналишига кўра: сўл, марказ, ўнг партияларга бўлинади.

Сиёсий партиялар фаолиятига кўра: босиқ, радикал, экстремистик партиялар учрайди.

Демократик жамиятнинг муҳим омилларидан бири бўлган **қўппартиявийлик** мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг вужудга келиши ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг объектив жараёнига айланди. Партия жамият ҳаётини демократлаштиришда ва ҳар бир мамлакат олдида турган вазифаларни белгилаш ва амалга оширишда ўзига хос ўринга эга бўлади ҳамда муайян функцияларни бажаради. **Биринчидан**, жамоатчилик фикрини шакллантиради. **Иккинчидан**, сиёсий фаолиятда иштирок этади. **Учинчидан**, фуқаролар сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш вазифаларини ўтайди. **Тўртинчидан**, сиёсий маданиятни оширади. **Бешинчидан**, парламент ва ҳукумат фаолиятига сиёсий мақсадлари орқали таъсир кўрсатади. **Олтинчидан**, давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга оширишда фаол иштирок этади.

Партия дастурлари сиёсий-ижтимоий аниқ мақсад ва функцияларга қаратилган бўлиб, улар 2 турга бўлинади.

1. Ички функциясига кўра: 1) жипслаштирувчи; 2) мувофиқлаштирувчи; 3) рағбатлантирувчи; 4) етакчиликка интилиш; 5) Ўзбекистон мавқеига мослиги.

2. Ташқи функциясига кўра: 1) тарғибот ва ташвиқот; 2) маълум сиёсий йўналишга мослаштириш; 3) сиёсий воқеа ва жараёнларга ҳозиржавоблик каби вазифалар қиради.

Сиёсий партиялар фаолияти қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

1. Ўз фаолият мақсадларини аниқлаш ва белгилаш, ўзининг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадий қарашлари тизимини яратиш ва уларни кенг омма орасида ёйиш.

2. Жамият аъзоларининг турли манфаатларини ўз фаолияти ва ҳужжатларида мумкин қадар кенг қамраб олиб, улар учун энг маъқул партияга айланишга интилиш.

3. Турли органларга сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда ниҳоятда ўринли ва долзарб шиорларни ўртага ташлаб, сайловчиларнинг мумкин қадар кенг доираси овозини ўз фойдасига ола билиш.

4. Сиёсий партия қаторига янги аъзоларни тортиш ва саралаш йўли билан унинг етакчи ва билағонлари табақасини шакллантириш.

5. Партия дастурида кўрсатилган вазифалар ва ваъдаларни қонун чиқарувчи ҳамда ижроия давлат органлари орқали амалга оширишга ҳаракат қилиш.

Демак, сиёсий партиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида иштирок этадилар.

2. Олий Мажлис сайловларида иштирок этадилар.

3. Маҳаллий вакиллик органларини тузишда иштирок этадилар.

1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 7-сессияси «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонун қабул қилди. (Унгача сиёсий партиялар фаолияти 1991 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун асосида иш олиб борди). Янги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун 17 моддадан иборат. Президентлик ваколатларини бажариш вақтида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиш шарт. қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар: судрлар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, милиция, хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Сиёсий партия тузиш камида 8 та ҳудудий субъект (вилоят), шу жумладан, қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида 5 минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади (Олдин, 1996 йилгача 5 та вилоятдан 3 минг имзо тўплар эди). Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида 50 кишидан иборат бўлиши, партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаши, таъсис съезди ё конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмита тузишлари лозим. Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб 7 кунлик муддатда, кечиктирмасдан Республика Адлия вазирлигига қўмита ҳақида, раҳбарияти ҳақида хабардор қилиши лозим. Ташкилий қўмита 3 ой фаолият кўрсатиши мумкин. Съезд ё конференция чақириши лозим. Таъсис съезди ё конференцияда партия низоми ва дастурини қабул қилади, органини тузади. Низом қабул қилингач, 1 ой муддатда ЎзР Адлия вазирлигига партия органининг камида 3 аъзоси имзолаган ариза, низом, дастур, таъсис съезди ё

конференция баёни, рўйхатдан ўтказиш йиғими – банк ҳужжати ва бошқалар топширилиши керак. Адлия вазирлиги 2 ой ичида кўриб чиқади. Рўйхатдан ўтса, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши керак. Сиёсий партия ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қиладилар ва ўз фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбалари тўғрисида Олий Мажлис ё ваколат берувчи органга ҳисобот тақдим этади.

Сиёсий партиялар тегишли тартибда рўйхатга олинган, фаолиятини амалга оширади. Улар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва махсус қарорлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистондаги сиёсий партиялар (улар 5 та):

1. Фидокорлар Миллий демократик партияси (ФМДП) – (1998 йил 28 декабр). 2000 йил 14 апрелда янгидан ФМДП ташкил топди, яъни «Ватан тараққиёти» (1992 й. 24 майда тузилган) ва Фидокорлар МДП битта партияга бирлашди. Бош котиби Эркин Норбўтаев эди. 2000 йил 14 апрелдан ФМДП МКнинг бош котиби этиб Ахтам Турсунов сайланди. Партия аъзолари тахминан 50 мингдан ошди. Партия олий органи курултой бўлиб, у 5 йилда 1 марта чақирилади. Партия аъзоларининг кўпчилиги ёшлардир. Партия дастурида «Кураш ҳам ҳуқуқдир. Ҳақиқат йўлида курашмоқ ва фидокорлик демакдир» шиор мавжуд. Шунингдек, Президентнинг «Кучли давлатдан кучли жамият сари» дастурий ғоясини илгари суради. Олий Мажлисида ўз фракциясига эга бўлиб, парламент типидagi партиядир. 1999–2004 йилларда Олий Мажлисида 52 депутати бўлиб, парламент фракциясида 1-ўринни эгаллаб келмоқда. Партия ҳокимиятга эришиш учун Президент, парламент, маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини-ўзи бошқариш идораларига сайловларда қатнашади. Сиёсатни ушбу идораларда қонуний йўл билан халқ томонидан сайланган вакиллар орқали амалга оширади. 2000 йил 9 январда Президент сайловига Ислом Каримов номзоди ана шу партия орқали биринчи бўлиб кўрсатилди. ФМДПнинг **асосий мақсади**: фуқаролар фаоллигини ошириш ва мустақиллик мафкурасини шакллантириш. Ёки ФМДП 3 устувор масалани ечишни мақсад қилиб қўйган:

1. Эркин бозор иқтисодиётига суянган очиқ, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш.

2. Эл-юрт ҳаёт даражасини тараққий топган давлатлар ва халқлар даражасига кўтариш.

3. Жаҳон ҳамжамиятида давлатимиз ва жамиятимизнинг ўзига муносиб ўрнини эгаллашига кўмаклашиш.

Шунингдек, демократик жамият тараққиётини жадаллаштириш, зиёлилар, тадбиркорлар ва деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиш, хусусий мулкчиликни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш. Ўз фаолиятида ҳамиша амалий тажриба ва соғлом ақл-идроқка таяниб иш кўриш.

ФМДПнинг матбуот органи: «Fidokor» газетаси. Мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол тарғибот ишларини юритиб келмоқда.

2. Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ХДП) – (1991 й. 1 ноябр). Биринчи котиби: 1991–1994 йилларда М.Расулов, 1994 йил 1

ноябрдан Абдулхофиз Жалолов. Партия аъзолари 557 минг 100 нафардан кўпроқ. Аъзолари салоҳиятининг 200 мингга яқин қисмини 30 ёш атрофидагилар ташкил этади. 14173 та бошланғич ташкилоти бор. ХДП ўз сафларида кенг оммани – зиёлилар, хизматчилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, ёшлар, фахрийларни, 80 га яқин миллат ва элатларни бирлаштирган. 1995–1999 йилларда Олий Мажлисида 69 депутат (27%), 1999–2004 йилларда 50 депутатдан иборат партия фракциясига эга¹¹. Бу жиҳатдан парламент фракциялари орасида 2-ўринда туради. 2000 йил 9 январда бўлган сайловларда мамлакат Президентлигига номзод қилиб А.Жалолов номзоди кўрсатилди ва сайловда 4,17% овозга эга бўлди (И.А.Каримов эса 91,9%).

ХДПнинг олий органи қурултой бўлиб, у 5 йилда 1 марта чақирилади. Партия шиори: «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат». 1993 йил декабрида ХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси қабул қилинган. 1999 йил октябрида 3-қурултойда қабул қилинган янги тахрирдаги дастурига «Ёшлар – Ватан келажаги» номли махсус бобни киритди. ХДПнинг мақсади: ижтимоий адолат, мамлакат тараққиёти ва маънавий янгиланишини таъминлаш. Ёки бошқача айтганда, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари:

1. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш.
2. Туб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ислохотларни амалга ошириш орқали раванқ топган қудратли, демократик давлат, адолатли, инсонпарвар жамиятни бунёд этиш.
3. Кишиларнинг миллати, сиёсий қарашлари, диний эътиқодларидан қатъий назар, муносиб ҳаёт кечириш учун тенг имкониятларни яратиш.
4. Фуқароларнинг эркинлик ва ҳуқуқлари, тинч ҳаёт кечиришини кафолатлаш.

Матбуот органи: «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, шунингдек, ойлик «Мулоқот» журнаliga эга. Журналистлари аккредитация қилинган. “Халқ демократик партиясининг сайловлар арафасида аҳолини кам таъминланган ёрдамга муҳтож қатламлариини қўллаб-қувватлаш ҳақида дастурий чиқишлари унинг ижобий натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди”¹

3. «Адолат» социал демократик партияси (1995 йил 18 февралр).

Партия Марказий Кенгаши раиси Турғунпўлат Даминов. Партия аъзолари 30 минг кишидан зиёд. 147 шаҳар ва туманларда мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари бор. Кенг омма табақасини ўзида бириктирган. Парламентда ўз фракциясига эга бўлиб, Олий Мажлисида 1995–1999 йилларда 44 депутати (17%), 1999–2004 йилларда эса 9 депутати бор. Президент сайловида (2000 йил 9 январр) И.А.Каримов номзодини кўрсатди. Партия шиори: «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак». Партиянинг мақсади: ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, ижтимоий адолат ўрнатиш.

¹¹ Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 2-чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 7-сессияси материалларини ўрганиш бўйича услубий тавсиялар. Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2002, 10-бет.

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишидир. – Т.: Ўзбекистон, 2005, 20-21 б.

Ёки бошқача айтганда, «Адолат» СДП ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўйган:

1. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш.
2. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш.
3. Ватанга содиқ хизмат қилиш.
4. Адолатли фуқаровий жамият қуриш.
5. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-демократик талабларга ҳамда мамлакат-тимизда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг орзу-умидларига монанд шарт-шароит юзага келтиришга ҳисса қўшиш.

Матбуот органи: «Адолат» ҳафталик газетаси.

4. Миллий тикланиш партияси (1995 йил 3 июнр).

Партиянинг биринчи котиби дастлаб Азиз қажумов эди, 2002 йилдан эса Иброҳим ғаффуровдир. Партия аъзолари 10 минг кишидан кўпроқ. Ўз фаолиятида кўпроқ Ўзбекистон зиёлиларига суянади. Ижтимоий қатлам сифатида ўрта табақани, яъни ўқитувчи, врач, муҳандис ва бошқа касб эгаларини ўз сафларида бирлаштирган. Партия ўз атрофида илм-фан, маданият ва маорифга хизмат қилаётган йирик олимларни уюштирган. Парламентда 1995–1999 йилларда бу партиянинг 7 нафар аъзоси бор эди. 1999–2004 йилларда Олий Мажлисда 12 депутатдан иборат партия фракцияси фаолият кўрсатмоқда. 2000 йил президент сайловида Ислон Каримов номзодини қўллаб-қувватлади. Партия шиори: «Миллат, инсон ва Ватан манфаати муқаддасдир». Партиянинг мақсади: давлатнинг умуминсоний қадриятлар асосида миллий тикланиши. Ёки бошқача айтганда, партиянинг олий мақсади:

1. Миллатнинг маънавий бирлиги.
2. Ватан (Туркистон) – ягона оила.
3. Кучли демократик давлат.
4. Миллий қадриятлар.
5. Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция.
6. Замон кишиси.
7. Миллий истиқбол.

МТПнинг матбуот органи: «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси.

Умуман, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ташкил қилиш жараёни кетаяпти. 4 та сиёсий партия ва қатор жамоат бирлашмаларининг вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба олиши, сиёсий етуқликка интилиши ва энг муҳими молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак¹

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон, 2005, 39-40 б.

5. Ўзбекистон либерал-демократик партияси (ЎзЛДП) 2003 йил 15 ноябрда ташкил топган, 150000 дан ортиқ аъзоси мавжуд.

Сиёсий партия фракцияси – Олий Мажлис фракциялари сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўрсатилган ва уларга мансублигига қараб уюшган депутатлар бирлашмасидир. Улар тегишли вакиллик органлари ва сиёсий партиялар манфаатини кўзлайди,

масалаларни муҳокама этишда иштирок этиб, умумий фикрга эришишга ҳаракат қилади².

Ҳозирги пайтда Олий Мажлисида Фидокорлар МДП фракцияси – 52, ХДП фракцияси – 50, «Адолат» СДП – 9, Миллий тикланиш демократик партияси фракцияси – 12 депутатдан иборат. Шунингдек, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 94 нафар депутатлар блоки ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган 15 нафар депутатлар гуруҳи парламент ишида қатнашмоқда. Сиёсий партия фракцияси Олий Мажлис кенгаши таркибига киради. Партия аъзолари партиянинг жамиятдаги таъсири сезиларли бўлиши учун сиёсий тизимда раҳбарлик ўринларини эгаллашлари лозим. Демак, ҳокимиятга интилиш партиянинг асосий белгисидир. Бизда эса ҳали аксарият бу ҳақиқатни ё тушунмайди ёки тан олгиси келмайди ё ундан кўрқади. Характерли бир мисол, Германияда агар сиёсий партия таъсис этилганидан кейин 6 йил давомида бундестаг ёки ладтагга бўладиган сайловлар учун ўзи ишлаб чиққан таклифларни киритмаса, ўз ҳуқуқий мақомини йўқотади.

Сиёсий ҳаракатлар. Сиёсий ҳаракатларнинг ижтимоий негизи аввало XIX аср биринчи ва иккинчи ярмида меҳнаткашлар оммаси аҳволининг иқтисодий жиҳатдан тобора оғирлашиши натижасида юзага келиб, ишсизлар сонининг ўсишига сабаб бўлди. Натижада капитализм вужудга келтирган зулм ва эксплуатацияга қарши оммавий норозиликлар кучайди. Бу ҳаракатга 1864 йилда тузилган I Интернационал (1864–1876) назарий ва ташкилий жиҳатдан бошчилик қилди. Дастлаб сиёсий ҳаракатларнинг қуйидаги турлари юзага кела бошлади:

1. **Консерватив** (лот. химоя қилиш, сақлаш) оқим – буржуа синфи қарашларини ўзида жамлади, халқ озодлиги ва прогрессив ғояларга қарши чиқди.

2. **Реформистик ҳаракат** – ишчилар орасидаги сиёсий оқим бўлиб, фаровон жамиятга олиб борадиган ислохотлар йўлини қўллаб-қувватлади.

3. **Революцион сиёсий ҳаракат** – буржуа жамиятини фақат синфий кураш орқали йўқотиб, унинг ўрнига пролетариат диктатураси ўрнатишни мақсад қилиб қўйди.

² Азизхўжаев А. ва бошқалар. Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия», 2001, 109-бет

4. Контрреволюцион сиёсий ҳаракат – бу инқилобга зид фитна, суиқасд, фуқаролар уруши, саботаж актлари, қўпоровчилик билан кураш олиб борди.

Сиёсий ҳаракатнинг асосий формалари:

- 1) Иқтисодий кураш – моддий манфаатдорликни ҳимоя қилади.
- 2) Сиёсий кураш – сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш.
- 3) Мафкуравий кураш – халқнинг ўзини англаб етишини шакллантириш.

Натижада, XIX асрда ишчилар ҳаракати 2 оқимга – революцион ва реформистик оқимга бўлиниб кетди. Ишчилар синфи:

- 1) Революцион оқимга бўлинди (Компартиялар шаклланди).
- 2) Реформистик оқим (Социал-демократик партиялар пайдо бўла бошлади).

Ҳозирги даврда бир мамлакат ичида ва халқаро майдонда рўй бераётган зиддиятли вазиятлар, ҳудудий низолар, хавф-хатарлар аҳоли турли қатламини ташвишга солмоқда. Сиёсий ҳаракатларнинг вужудга келиши узок тарихий тараққиётнинг натижасидир. Бу ҳаракатлар турли даврларда халқ оммасининг зулм ва зўравонликка, миллий ва ирқий камситишларга қарши норозиликлари натижаси сифатида намоён бўлиб келган. Сиёсий ҳаракатлар турли ижтимоий мавқега эга бўлган сиёсий, диний эътиқодлари ҳам турлича, миллати, ирқи, жинсидан қатъий назар умумий мақсад атрофида ихтиёрий равишда бирлашган кишилар иттифоқидир. Ҳозирда сиёсий ҳаракатларнинг асосий йўналишини, жаҳон цивилизациясини термоядро уруши ва терроризм, экологик ҳалокатлардан сақлаш, очлик, қашшоқлик, юқумли касалликларга қарши кураш каби муаммоларни ҳал қилиш зарурияти ташкил этади.

Оммавий демократик ҳаракатлар – ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади. Улар сиёсий жараёнларга кучли таъсир кўрсатиб ижтимоий ҳаётни ўзгартиради ва ривожлантиради.

1. Уруш хавфига қарши олиб борилаётган сиёсий ҳаракатларда **қуролсизланиш масалалари** билан мунтазам шуғулланиб келаётган «Жаҳон тинчлик кенгаши», «Халқаро тинчлик институти», «Европа кенгаши» сингари халқаро сиёсий ташкилотларнинг роли ва аҳамияти катта бўлмоқда.

2. Сиёсий ҳаракатларнинг асосий йўналишларидан яна бирини – жаҳон тараққиётига катта хавф туғдираётган терроризмга қарши кураш масалалари ташкил қилади.

2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир бўлган фожиали воқеалардан сўнг минтақа ва умуман дунёда юзага келган вазият, халқаро терроризм офатининг илдизлари, омиллари ва сабаблари, унинг инсоният бошига келтирган фожиалари хусусида президент Ислон Каримовнинг 2001 йил 6-7 декабрда бўлиб ўтган 2-чақириқ Олий Мажлис 7-сессиясида «Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатларидан улуғ мақсад йўқ» мавзусидаги нутқида асослаб берилди. Ўзбекистон ушбу офатга қарши кураш муаммоларига муносабатини билдирди. Сессия халқларни терроризмга қарши курашда бирдамлик ҳақида Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаатини

эълон қилди. У «Терроризмга қарши курашда бирдам бўлайлик» номини олди. Мурожаатда терроризмга қарши курашда халқимизнинг бирдам, собитқадам бўлиши ва огоҳликни қўлдан бермаслик нақадар зарурлиги, мамлакатимиз келажаги учун катта аҳамиятга эгалиги кўрсатиб берилди. Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил 11-14 март кунлари АҚШга сафари ва Президент Ж.Буш билан учрашувида бу масала дунё жамоатчилиги томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланди. Бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: **Биринчидан**, илгари терроризм дунёнинг турли минтақаларида ўзаро боғлиқ бўлмаган бўлса, эндиликда эса бу ҳаракатлар бир-бири билан чамбарчас боғланиб бормоқда. **Иккинчидан**, терроризмнинг жаҳон цивилизациясига қарши офатга айланиши кўплаб давлатлар ва уларнинг раҳбарлари дунёдаги соғлом сиёсий кучларнинг бу масалага охириги пайтгача эътибор бермаганлиги ва қатъият билан кураш олиб бормаганлиги билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов дунёда биринчилардан бўлиб терроризмнинг бутун инсониятга хавфи тўғрисида халқаро анжуманларда дунё жамоатчилигини огоҳлантирган эди. **Учинчидан**, халқаро терроризм бирор бир миллат ёки халқ эмас, балки бутун дунё халқлари тараққиётига хавф солади. **Тўртинчидан**, терроризмга қарши кучларни бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб курашиш зарурлигига жаҳон жамоатчилиги иқдор бўлаётганлигидир. Бу қарашлар, терроризмга қарши Ўзбекистоннинг муносабати 2001 йил 5 октябрда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг баёнотида ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатида ўз ифодасини топди.

3. Сиёсий ҳаракатларнинг муҳим, асосий йўналишлардан яна бири экологик ҳалокатга қарши биргаликда курашдир. Бунда сиёсий ҳаракатлар «Яшиллар ҳаракати», «Табиатни муҳофаза қилиш ҳаракати», «Табиий муҳитни сақлаш ҳаракати», Ўрта Осиё республикаларининг «Орол халқаро жамғармаси» бўйича ҳамкорлиги кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

4. Ҳозирги кунда сиёсий ҳаракатларда етакчи кучлардан бири ёшлар ҳаракатларидир. «Демократик ёшлар федерацияси» ҳаракати жаҳондаги 300 дан ортиқ миллий ёшлар ташкилотларини ўзида бирлаштирган.

5. Талаба ёшлар ҳаракати ҳам етакчи сиёсий ҳаракатлардан биридир. «Халқаро талабалар уюшмаси» тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун барча мамлакат талабаларини ўзида уюштирган.

6. Сиёсий ҳаракатларда хотин-қизлар ҳам иштирок этмоқда. «Халқаро хотин-қизлар кенгаши», «Халқаро хотин-қизлар демократик федерацияси», «Бутунжаҳон қишлоқ хотин-қизлари Ассоциацияси» сингари кўплаб халқаро ташкилотлар тинчлик, демократия учун курашиб келмоқда.

7. Собиқ СССР ҳудудида, хусусан, Литвада «Саюдис», Украинада «Рух», Россияда «Демокротик Россия», Тожикистонда «Растохез» демократик ҳаракат сари, Ўзбекистонда «Халқ бирлиги» ҳаракати (1995) ва ҳоказо юзага келди.

Ўзбекистонда 1989–1993 йилларда бир қатор норасмий сиёсий ҳаракатлар ҳам юзага келган эди. Улар, асосан қуйидагилардан иборат:

1. «Бирлик халқ ҳаракати» (1988).
2. «Интерсоюз» уюшмаси (1989).
3. «Ўзбекистон демократик ҳаракати» (1989).
4. «Ўзбекистонда демократик ислохотлар учун ҳаракат» (1991).
5. «Тўмарис» хотин-қизлар ҳаракати (1990).
6. «Яшиллар» халқ партияси (1992).
7. «Бирлик» партияси (1990).
8. Эркин деҳқонлар партияси.
9. Сайқал ижодий интеллигенция демократик ҳаракати.
10. Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» жамоатчилиқ ҳаракати (1995) ва ҳоказо.

Бу сиёсий ҳаракатларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгач тарқалиб кетди, баъзи бирлари Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтдилар.

3.2. Ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари – сиёсатнинг субъектлари сифатида.

Жамият ҳаётида кўп сонли ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатади, улар бевосита сиёсатнинг субъектларидир. Ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган мақсадларни амалга ошириш учун фуқаролар томонидан ихтиёрий тарзда тузилган уюшмалар **ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари** деб аталади. Ижтимоий ва оммавий жамоат ташкилотлари ўз мақсад ва вазифаларига кўра ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган сиёсатда бевосита қатнашади. Бу ташкилотларнинг шаклланиши узоқ тарихий тараққиёт натижасидир. Масалан, қадимги қулдорлик давлатларида қулдорлар синфининг юқори қатламларига мансуб бўлмаган озод фуқаролар, озод ишлаб чиқарувчилар ўз манфаатларини ифода этувчи, уларни ҳимоя қилувчи ижтимоий жамоат ташкилотларини тузиб, жамият сиёсий тизимининг амал қилиши жараёнида у ёки бу даражада иштирок этганлар.

Ижтимоий ташкилотлар билан оммавий жамоат ташкилотлари айнан бир хилдаги ташкилотлар эмас. Ижтимоий ташкилотлар оммавий ташкилотлардан ўзининг жамият сиёсий тизимида тутган мавқеи, олиб борадиган ишларининг кўлами, мақсад-вазифалари, жамият сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидаги иштироки билан оммавий жамоат ташкилотларидан фарқ қилади. Оммавий жамоат ташкилотлари ижтимоий ташкилотларга нисбатан жуда кўп сонли бўлиб, улар жамиятнинг барча соҳаларида иш олиб бораётган фуқароларнинг нисбатан кичикроқ уюшмаларини ўз ичига олади. **Ижтимоий ташкилотлар ва уларнинг турлари** қуйидагилардан иборат. Аввало, бу ташкилотлар жамият сиёсий тизимида давлат ва сиёсий партиялардан кейин муҳим ўрин эгаллайди. Улар:

1. Касаба уюшмаси ташкилотлари. Бу ижтимоий ташкилот бўлиб, ўз сафларида 7,5 млн. дан ортиқ аҳолини бирлаштирган (1997), 53 мингдан кўп бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, унинг таркибида 21 та тармок

уюшмалари бор. Мустақиллик йилларида биринчи марта «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатланганлиги» тўғрисида қонун қабул қилинди. ЎзКУТлари тизимида 450 дан кўпроқ маданият саройи ва уйи, клублар, 338 та киноқурилма мавжуд, 2 млн. дан ошиқ китоб жамғармасига эга бўлган 400 дан зиёд клубхона фаолият кўрсатмоқда. Мингдан ошиқ тўғарак ва бадий ҳаваскорлик жамоаларида 30 дан зиёд ҳаваскор иштирок этмоқда. ЎзКУТлари:

1) Ҳукумат тармоқларининг раҳбарлари, мулкчиликнинг барча шакллари раҳбарлари ва тадбиркорлар билан йирик битим ва жамоат шартномалари тузади.

2) Ижтимоий суғурта маблағларининг бир қисмини тасарруф этади.

Касаба уюшмалари ташкилий-сиёсий курашга уюшқоқлик асосида етакчилик қилади ва кўп ҳолларда ўз олдида қўйган мақсадларига эришади. Жамият тараққиётида шундай воқеалар ҳам содир бўлганки, касаба уюшмалари мустабид тузумга қарши демократик сиёсий тузумни ўрнатганлар ва давлат бошқарувини қўлга киритганлар. Масалан, 1974 йилда Германиядаги «қора полковниклар» диктатурасининг қулаши ва демократик сиёсий тузум ўрнатилишига касаба уюшмалари уюштирган ва бошқарган иш ташлашлар сабаб бўлган. Полрша Халқ Республикасида «Бирдамлик» касаба уюшмаси узоқ йиллар давомида олиб борган кураши натижасида сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олган эди.

2. Ёшлар ташкилотлари ҳаракати. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. 2000 йилгача Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси номи билан фаолият кўрсатиши мустақиллик йилларида кўп ишларни амалга оширсада, у ўзини оқламади. (1996 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги фармони ҳам бор эди). Натижада 2000 йил 24 январда ёшлар масаласига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислон Каримов ««Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» нутқида «Камолот» номини сақлаб қолишни, шу ном билан аталадиган янги ташкилот... (Асарлар, 9-том, 197-бет) тузишни таклиф этди. Натижада 2000 йил апрелда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотининг 2001 йил 1 октябргача 14 та вилоят, 211 та туман, шаҳар бўлимлари ва 15 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти ташкил этилди. Аъзолари сони 2,6 млн. нафардан ошди.

3. Хотин-қизлар ташкилотлари. Мамлакатимиз аҳолисининг 52% дан ортиғини хотин-қизлар ташкил қилади. Мустақиллик йилларида Республикамиз хотин-қизларини 1) тунги сменаларда ишлашдан халос этиш; 2) эртароқ пенсияга чиқариш; 3) соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича анча ишларни олиб борди.

Умуман, хотин-қизлар ташкилотларининг асосий мақсади хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларни жамоат ишларига сафарбар этиш ва шу асосда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолликларини ошириб

боришдан ҳам иборатдир. 1945 йилда «Халқаро хотин-қизлар демократик федерацияси» ташкилотига асос солинди.

4. Диний ташкилотлар – диний жамоаларнинг энг юқори расмий уюшмаси. Жамият сиёсий ҳаётида бошқа жамоат ташкилотлари билан бир қаторда диний ташкилотлар ҳам муҳим ролр ўйнайди. Дунёдаги мусулмон мамлакатларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин: 1) Ислон мамлакатлари; 2) ислон давлат дини мамлакатлари; 3) ҳуқуқий демократик мусулмон давлатлари (дин давлатдан ажратилган, бевосита Ўзбекистон ана шу 3-гуруҳ давлатлар турига киради). 2002 йилга келиб республикаимизда 15 та диний конфессияга мансуб 1900 дан зиёд диний ташкилотлар фаолият кўрсатди. Бухородаги Мирараб мадрасаси, Тошкент Ислон университети, Тошкентдаги олий маъҳад, 14 та мадраса, 400 га яқин диний мусулмон ўқув муассасалари ва бошқа динларга тегишли 19 ўқув юртлари муассасаларида 4200 дан ортиқ ёшлар дин асосларини, дунёвий билимларни ўрганмоқда¹².

Оммавий жамоат ташкилотлари. Жамият сиёсий тизимида ижтимоий ташкилотлар билан бир қаторда оммавий жамоат ташкилотлари ҳам муҳим ролр ўйнайди. Оммавий жамоат ташкилотлари ижтимоий сиёсий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар барча мамлакатларда амал қилади. Аввало демократик жамиятни барпо этишда БМТ ҳужжати (меморандуми)да кўрсатилганидек, 3 та (соҳа) секторнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Булар: 1) давлат; 2) бозор (иқтисодиёт); 3) жамоат ташкилотлари. Учинчи сектор ҳақида гап кетганда улар таркибига касаба уюшмалари (аввало, буни ижтимоий ташкилотларнинг асоси сифатида ҳам қаралади), жамғармалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаракатлари, касбий ассоциациялар, клублар, академик институтлар ва бошқалар киради.

Учинчи сектор субъектлари турли мамлакатларда турлича номланади. Масалан, Буюк Британияда хайрия муассасалари, АҚШда ноҳукумат ёки нотижорат ташкилотлари, айрим мамлакатларда эса улар кўнгилли жамиятлар деб юритилади. Лекин кўпинча мутахассислар, олимлар ўртасида ҳам ишлатиладиган ноҳукумат, нодавлат атамаларига шубҳа билан қараш мумкин. Бу ҳақда БМТ тизимининг маълумотномасида шундай дейилади: «**Ноҳукумат ташкилотлари атамаси** унга қарама-қарши бўлган давлат ташкилотлари атамасининг айна тескари маъносига эга. БМТ тизимида **ҳукумат ташкилотлари** давлатлараро битимлар асосида юзага келиб, унга аъзо бўлган ҳукуматлардан ташкил топади. **Нодавлат ташкилотлари эса** давлатлараро битимлар асосида тузилмайди ва унга кирувчи ҳукуматлардан иборат эмас. Нодавлат ташкилотлари миллий ва халқаро, умумий ва юқори ихтисослашган бўлиб, унга БМТ таркибига кирувчи тузилмалар билан маслаҳат ҳамда оператив ваколатлар асосида ўзаро ҳамкорлик қилиш мумкин». Жамоат ташкилотлари тузиш ва фаолият принциплари: 1) ихтиёрийлик; 2) тенг ҳуқуқлилик; 3) ўзини-ўзи бошқариш; 4) ошкоралик; 5) қонунийликка асосланади. Жамоат ташкилотларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

¹² Фан ва турмуш. Т.: 2000, № 2. 10–11-бетлар.

1. **Кўнгиллилик** – уларнинг мутлақо ихтиёрий асосда тузилганлиги. Унда аъзолик ва фаолият кўрсатиш ҳар бир фуқаронинг хоҳиши ҳамда розилиги билан амалга оширилади.

2. **Мустақиллик** – мавжуд қонунлар ва ўз низом қоидаларига кўра фаолият кўрсатиш. Бирор бир ўзга ташкилотнинг қонунсиз аралашувидан холи бўлиш.

3. **Ўзини-ўзи маблағ билан** таъминлаш. Низом мақсадларини амалга ошириш учун қонунчилик талабларига мувофиқ тадбиркорлик, ишлаб чиқариш – хўжалик ва бошқа ман қилинмаган фаолият билан шуғулланиш.

4. **Ўз номидан келиб** чиқиб, **жамоатчилик**, яъни кўпчилик учун хизмат қилиш. Ўзига тегишли маълум қатлам ёки гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо.

2002 йилга келиб мамлакатимизда республика ва халқаро аҳамиятга молик 220 дан ошiq жамoат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан 4 та сиёсий партия, 2 та ҳаракат, 46 та жамият, 5 та кўмита, 24 та ассоциация, 18 та тармоқ касаба уюшмалари, 35 та жамғарма, 15 та уюшма, 32 та федерация, 31 та бошқа ташкилотлар мавжуд. Шунингдек, республикаимизда ҳисоб рўйхатига олинган 1500 та вилоят, 20 дан ортиқ хорижий давлатларнинг жамoат ташкилотлари ҳам бор. Ўзбекистонда 1286 та жамoат бирлашмаларидан 292 таси рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII бoбидa, «Фуқаролик кодексининг» 73–75-мoддаларида «Жамoат бирлашмалари тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг асослари ҳақида», «Сиёсий партиялар тўғрисида» (1996)ги қонунларда ноҳукумат ташкилотларининг фаолиятини таъминлашга қаратилган қoида ва меъёрлар ўз аксини топган бўлса, Президент Фармонлари ва ВМ қарорларида уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, имтиёзли солиқ тўловларини белгилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш шарт-шарoитлари яратиб берилмоқда. 1992 йил Олий Кенгаш XI сессиясида Президентимиз Иислом Каримов таъкидлаганидек, «давлат сиёсий партияларнинг, жамoат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради» (Асарлар, 1-том, 126-бет).

Президентимиз И.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида «Жамият ҳаётида нодавлат ва жамoат тизимларининг мавқеи ўсиб бормoқда, – деган эди. – Сўнгги 5 йил ичида жамoат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари сони 1500 тага кўпайиб, бугун (1999) уларнинг сони 2300 тага етди. Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда» (Асарлар, 7-том, 384-бет).

Мамлакатимизда фуқаролар ёки юридик шахслар ташаббуси билан тузилган ва кўнгилли, ўзини-ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги

билан фарқланади. Ўзбекистондаги барча нодавлат ва жамоат бирлашмаларини 8 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. **Аҳоли муайян** йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бу ташкилотлар жумласига:

- 1) «Маҳалла» жамғармаси.
- 2) ЎзР хотин-қизлар қўмитаси.
- 3) Ногиронлар уюшмаси.
- 4) «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати.
- 5) «Нуроний» фахрийлар жамғармаси киради.

2. **Ихтисослашган миллий** ва халқаро жамғармалар:

- 1) «Экосан».
- 2) «Соғлом авлод учун» жамғармаси.
- 3) «Умид» жамғармаси.
- 4) Амир Темур маданий-тарихий жамғармаси.
- 5) Матбуотни демократлаштириш ва журналларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси.

6) Оролни қутқариш жамғармаси.

7) Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари анжумани.

3. **Ҳукуматга қарашли** бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар:

- 1) Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси.
- 2) Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази.
- 3) Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамияти.
4. **Ижодкор зиёлиларнинг** миллий жамоат ташкилотларига:

- 1) Ёзувчилар.
- 2) Артистлар.
- 3) Рассомлар.
- 4) Бастакорлар.
- 5) Архитекторлар.
- 6) Кинематографчилар.
- 7) Судялар.
- 8) Адвокатлар – жамоат ташкилотлари киради.

5. **Миллий маданият марказлари** (юздан зиёд): Ўзбекистонда яшовчи миллий (озчиликни ташкил этувчи) жамоалар вакилларининг маданияти, маънавияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида бирлаштирилган.

6. **Умуммиллий хайрия** жамиятлари, жамғармалари:

- 1) Болалар жамғармалари.
- 2) Болалар уйи тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси.

3) Республика талабалар жамғармаси.

7. **Ижтимоий аҳамиятли** ва ижодий изланишлар билан боғлиқ, асосан экологик масалалар бўйича маҳаллий бирлашмалар:

- 1) Сайёҳлик ва бадий ҳаваскорлик клублари.
- 2) Ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари.

8. Жамоат муассасалари:

- 1) «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази.
- 2) Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази.
- 3) «Сабр» ишонч маркази – Самарқанддаги мушкул вазиятларда аёллар ва ўсмирларга ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳукуматга қарашли бўлмаган ижтимоий муассасалар.

Шунингдек, жамоат ташкилотларига дунёдаги бир қатор:

- 1) «Халқаро қизил хоч ва қизил ярим ой ташкилоти.
- 2) «Чет мамлакатлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти».
- 3) Ёзувчилар, театр ходимлари, рассомлар, журналистлар уюшмалари.
- 4) Маҳалла кенгашлари.
- 5) «Эл» халқаро уюшмалар мавжуд.

3.3. Жамият ҳаётини демократлаштиришда «тўртинчи ҳокимият»нинг ўрни ва роли.

Оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принциплари, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи ҳамда миллатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи тизим. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақил кучга, «тўртинчи ҳокимият»га айланмоқда. ЎзР Конституциясига ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (1997 йил 26 декабр) қонунга мувофиқ ҳар бир фуқарога сўз эркинлиги: радио орқали, матбуот, телевидение ва бошқа ОАВларда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини баён этиш ҳуқуқи ҳавола этилади. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартларидан бири – матбуот ва ахборот эркинлигидир. Аммо сўз ва матбуот эркинлиги мутлақ бўла олмайди. Чунки телевизор экранидан янграган, газетада эълон қилинган ахборотни миллионлаб одамлар эшитадилар, ўқийдилар. Агар қандайдир бир одам, корхона, ишлаб чиқариш тармоғи ҳақида янгилиш маълумотлар айтилса, бу билан уларнинг нуфузига путур етказилади, ҳуқуқлари бузилади. Конституциянинг 67-моддасида қайд этилганидек, улар «ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар». Демак, ОАВ нинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ошиб бормоқда. «Ахборотлашган жамият» тўғрисидаги қарашлар негизи ҳам дунёда ахборот кўламининг ортиб бораётгани билан боғлиқ. ХХІ аср «ахборот асри»га айланмоқда. ОАВ жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсон тарбияси, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби миллий ғоя ва мафкура билан суғорилган ғоя ва мақсадларни халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончини шакллантиришда ҳамда халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодини (И.А.Каримов) уйғотишда ва қарор топтиришда муҳим рол ўйнайди. ОАВ инсонларни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан узвий боғлайди. Шунда «ахборот холис», «ишончли», «аниқ» бўлиши мумкин.

ОАВларни «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш жараёни кечмоқда, лекин бу жараён мураккаб ҳолларда кечмоқда. Хусусан, ахборот таҳлилида эскича фикр юритиш ўз таъсирини сақлаб турибди. Ҳозирги вақтда ахборот «чегара» билмайдиган омилга айланиб қолди. Президент Ислон Каримов 2002 йил 29 августда иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг 9-сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида «тўртинчи ҳокимият»ни ўз номига яраша кўтариш лозимлигини баён этди.

Ўзбекистон жамияти ҳаётида ОАВ ролини фаоллаштириш қуйидагича тассаввур этилмоқда:

1) ОАВ имкониятини ошириш учун керакли шароитлар яратиш, уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлаш.

2) ОАВ мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва ҳолис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида ҳолис воситачи бўлиши ва муҳими, инсон ва жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва ОАВларини таёрлаш жараёнини кўриб чиқиш. Ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усуллари ва воситаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш.

3) ОАВ фаоллиги ва уларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Матбуот тўғрисида, журналистлар фаолияти, ахборот олиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Умуман, “аввало оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак; деган эди Ислон Каримов; бу уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлиши лозим

Биз матбуот ва ахборот эркинлигининг кафолатини бозор муносабатлари, ахборот майдонида соғлом рафқобат таомийлларининг ривожланишида кўраимиз”¹

Матбуот эркинлиги муҳим ўринда туради. У сиёсий қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этади. Ахборот сиёсат, мамлакат сиёсий режими, характери билан бевосита боғлиқ. Масалан, авторитар ва тоталитар режимлар «ахборот»ни бўғиш, «сир» сақлашдан, унга «ҳукмронлик» қилишдан кўпроқ манфаатдор. Демократик жамият эса эркин алмашиш, унинг хилма-хиллигини таъминлашдан манфаатдор, бу жамиятларнинг яшовчанлигини таъминлайди.

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005, 53 — б.

Қисқача хулосалар

Умуман сиёсий партиялар ва ҳаракатлар қуйидаги принциплар асосида бирикиши лозим:

- 1) Конструктив (тузилиш асос қилиб, амалий) таклиф асосида.
- 2) Компромизм (муроса-мадора) йўли билан.
- 3) Реаллик.

Сиёсий ҳаракатлар маълум сиёсий манфаатларни, мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган сиёсий фаолият бўлиб, унинг асосида жамият аъзолари турли қатламларининг мақсад ва манфаатлари ётади. Унинг ривож жамият аъзолари фаоллиги натижаларига боғлиқ бўлади. Дунёнинг турли мамлакатларида рўй бераётган бундай ҳаракатлар фақат миллий хусусиятларга эга бўлиб қолмай, улар халқаро майдонда умуминсоний моҳият касб этмоқда.

«Тўртинчи ҳокимият» инсонлар онги, қалби, дунёқарашига, хоҳиш-иродасига таъсир этишнинг муҳим омилидир. ХХІ асрда инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган бир пайтда денё 2 қутбидан кўп қутбли оламга айланди. Бундай шароитда «...қаердаки, мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин»лигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда. Ахборот майдонида ҳам турли сиёсий кучлар, мамлакатлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар билан боғлиқ «манфаатлар», «қарашлар» бир-бири билан дуч келади. Ахборот ҳолислиги таъминланмаса, у «хавф-хатар», «беқарорлик» омилига айланиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш вазифалари эркин ва мустақил ОАВ ҳар томонлама ривож топишини тақозо этади. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор. Мустақиллик йилларида нашрлар сони кўпаймоқда. «Ҳозир мамлакатимизда 490 та газета ва 138 та журнал рўйхатга олинган»². Радио ва кўрсатувларнинг ҳажми кўпайди. Уларнинг жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида тутган ўрни ортиб бормоқда. 2002 йил 12-13 декабрда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Кишилар қандай мақсадларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларга уюшадилар?
2. Давлат конституцияси ва қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида қандай партиялар тузилиши таъқиқланган?
3. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларни изоҳлаб беринг?
4. Сиёсий партиялар таснифида қандай партиялар турлари мавжуд?
5. қайси партия Ўзбекистон Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатди ва қанча ёки фоиз овоз олди?

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7 –Т.: Ўзбекистон, 1999, 391-бет.

6. Сиёсий ҳаракатлар ҳақида нимани биласиз ва уни изоҳланг?
7. Жамоат бирлашмаларининг давлат органларидан асосий фарқларини баён этинг.
8. Давлат ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро алоқалари қай тарзда амалга оширилади?
9. Ўзбекистонда қандай партиялар ва жамоат бирлашмалари ташкил этиш таъқиқланган?
10. «Сиёсий партиялар» тўғрисидаги қонунга кўра қандай ҳолларда сиёсий партиялар тузиш мумкин?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 13-бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 152-153-бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 380-384-385-бет.
4. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 332-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.
6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 апрел.
7. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қуватимизга ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.
8. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.
10. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қара шва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
11. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқарии сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

12. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. «Ўзбекистон», 2005.
13. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. «Академия» нашриёти, 2001 йил.
14. Аристотель. Политика. Соч. Т.4. – М.: «Мысль».
15. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: «Халқ мероси», 1993.
16. Бобур. Бобурнома. – Т.: 1989.
17. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.
18. Макиавелли. Государь. М.: 1990.
19. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т.: «Маънавият», 1996.
20. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Т.: «Адолат», 1997.
21. Темурнома. - Т.: 1990.
22. Темур тузуклари. Т.: 1991.
23. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.
24. Отамуродов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Политология (ўқув қўлланма) – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 14-40-бетлар.
25. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 351-368–бетлар.
26. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 60-88, 251-259-бетлар.
27. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Т.: ЎзРИИВ Академияси, 2004, 175-186-бетлар.
28. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.
29. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.
30. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.
31. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., СултоновТ.,Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
32. Бекмуродов А. Ш. , Алиев Б., Бобоев А ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Тошкент. 2005.
33. Т. Султонов, А. Ҳайитов. Демократик жамият сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. ТДИУ 2005й.
34. Б. Алиев ва б. Парламентаризм тараққиёти бўйича тест саволлари. ТДИУ 2005.

IV- МАВЗУ: СИЁСІЙ ЭЛИТА ВА СИЁСІЙ ЕТАКЧИ (ЛИДЕР)

4.1. Сиёсий етакчилик (лидер) тушунчаси, функциялари ҳамда сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик.

Бошқариш ҳар қандай жамиятга хос бўлган ички хусусиятдир. Унинг тузилиши ва механизмлари ниҳоятда мураккаб бўлиб, жамият ҳаётида амал қилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бошқариш жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига дахл қилади ва унинг таъсирида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бошқаришга хос бўлган объектив хусусият жамият ривожланиш қонуниятлари талабларига мувофиқ амал қилади. Бошқариш қандай шаклларда олиб борилиши ва амал қилишидан қатъий назар, у сиёсий моҳиятга эга бўлади. Бошқаришнинг сиёсий моҳияти бошқариш ва раҳбарликни сиёсат субъектлари томонидан оширилиши билан белгиланади. Сиёсатнинг ҳар бир субъекти бошқаришда маълум даражада иштирок этади.

Бошқаришнинг сиёсий моҳияти жамият эҳтиёжларидан келиб чиқади. Агар жамият ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларга таъсир қилмаса ва улар ҳаракатидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилмаса, жамият ривожланиши издан чиқади. Инсониятнинг бутун тарихи кишиларнинг табиат ва жамиятнинг стихияли ҳаракатига қарши курашдан иборат бўлиб келган. Ибтидоий муносабатлардан мулкчилик муносабатларига ўтилиши ва дастлабки қулдорлик давлатининг пайдо бўлиши бошқаришнинг сиёсий моҳият касб этиши учун асос бўлган. Давлат сиёсатнинг субъекти сифатида жамият ҳаётини бошқаришни ўз зиммасига олган ва давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлар сиёсий мазмунга эга бўлган.

Сиёсий бошқариш – бу ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларини ўз вақтида аниқлай билиш ва дуч келинган муаммоларни ҳал этиш ҳамда жамиятнинг афзалликларидан, унинг реал имкониятларидан фойдалана билишдир¹³.

Сиёсий бошқариш мазмуни 2 та муҳим хусусиятни: 1) бошқариш механизмларининг ташкил қилиниши ва 2) бошқаришнинг жамият ҳаётидаги сиёсий соҳаларда намоён бўлишини акс эттиради.

Сиёсий бошқаришнинг функциялари бошқариш ишларини тўғри ташкил қилиш ва жамият сиёсий ҳаётидаги мураккаб муаммоларни ҳал қилишни кўзда тутди. Сиёсий бошқаришнинг энг муҳим ва **асосий функциялари қуйидагилардан иборат:**

1. Қонунлар, қарорлар, дастурлар, низомларни ишлаб чиқиш.
2. Ишни ташкил этиш. Давлат олиб бораётган сиёсат ишни ташкил этиш функциясида ўзининг амалий ифодасини топади...

¹³ Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: Адолат, 1997, 162–173-бетлар.

3. Ишни тартибга солиш функцияси. Бошқарув фаолиятида ташкил қилинадиган ишларни изчиллик асосида амалга оширишни билдиради...

4. Назорат қилиш функцияси. Ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб боришни англатади.

Умуман, сиёсий бошқаришнинг ана шу функциялари ўзаро боғлиқ ва чуқур алоқада бўлади. Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий ҳодисалардир. Сиёсий раҳбарликсиз сиёсий бошқаришни тасаввур қилиб бўлмайди.

Сиёсий етакчилик ҳодисасига доир кўплаб назариялар мавжуд. Сиёсий етакчилик ҳодисасини таҳлил этишда Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Н.Макиавеллининг хизматлари катта. Уларнинг фикрича, сиёсий етакчи – бу бутун жамиятни жипслаштирувчи, ижтимоий тартибларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар қандай воситаларни қўлловчи ҳукмдордир. Умуман, сиёсий **етакчилик ҳақидаги назариялар** қуйидагилардан иборат:

1. **Фатализм** (лот. тақдирга оид) **назарияси**. Кишиларнинг «олий кучлар»га, «илоҳий тақдирга», «худонинг пешонага ёзиб қўйгани»га боғлиқ ғоялар илгари сурилади.

2. **Ҳукмдорлик назарияси**. Подшоҳ, амир, хон, монарх ва ҳоказо билан боғлиқ.

3. **Волюнтаристик** (лот. эрк, ирода) **назарияси**. Ушбу тушунча 1883 йилда Ф.Теннис томонидан киритилган ва қуйидаги маъноларга эга: 1) эркни борлиқнинг олий қонидаси деб ҳисобловчи йўналиш (А.Шопенгауэр); 2) тарихий жараённинг қонуниятлари билан ҳисоблашмайдиган фаолият. Аслида бу назария Г.Карлейли (1795–1881) ва Р.У.Эмерсонлар (1803–1882) ишлаб чиққанлар. Уларнинг фикрига кўра, тарих қаҳрамон, диний шахс ижодининг маҳсулидир.

4. **Парадигматик** (юнон. намуна) **назарияси**. Ф.Ницше ишлаб чиққан. У олий биологик тип – етакчи йўлбошчи, йўлбошчи инсон, ғайри табиий фавқулодда инсон тўғрисидаги ғояни асослашга ҳаракат қилади. Инсон инсоний ахлоқ нормалари чегараланмаган, яхшилик ва ёмонликдан юқори туради. У оддий одамлар ҳамда ўзига ўхшаш фавқулоддаги йўлбошчи инсонлар билан меҳрибон, мулойим бўлиши мумкин. У кучли, иродали, комил ва гўзал инсондир.

5. **Ижтимоийлашув назарияси** (тақлид қилиш). Бу замонавий назария бўлиб, уни Г.Тард (1843–1904) ишлаб чиққан. Ҳаётнинг асосий қонуниятларидан бири – етакчи, йўлбошчиларга издошларнинг тақлид қилишидир, деган ғояни асослашга ҳаракат қилади.

Етакчи – йўл кўрсатувчи маъносини англатади. Бу хусусиятга эга инсон бошқаларга таъсир эта олиши, муайян мақсадларга эришиш учун уларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил эта олиш қобилиятига эга.

Сиёсий етакчилик – сиёсий фаолият тури бўлиб, у икки томоннинг ўзаро алоқаларини англатади: 1) биринчи томон – етакчилар ўз издошларининг манфаат ва эҳтиёжларини биладилар ва баён этадилар, бошқа томон эса, шу манфаатларни ифодалаш ва амалга оширишлари учун ўз ваколатларининг бир қисмини уларга ихтиёрий равишда топширадилар.

Замонавий политологияда етакчиликка доир **бир қанча ёндашувлар мавжуд**:

1. **Етакчи** – бу бошқа кишиларга таъсир этиш демакдир. Етакчи ва унинг издошлари ўртасида ўзаро муносабатлар мавжуд бўлиб, у етакчидан гуруҳ аъзоларига қараб ҳар доим бир томонлама йўналтирилган бўлади.

2. **Етакчилик** – бу бошқарувчанлик мақоми, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий позициядир.

3. **Сиёсий етакчилик** – бу сиёсат бозорида амалга ошириладиган махсус тадбиркорлик шаклидир. Бундай рақобатчилик қуршовида томонлар ижтимоий вазифаларни ечиш бўйича дастурлар алмашишади¹⁴.

Сиёсий етакчига кучли ирода, ёқимлилиқ, қатъийлик қобилияти, интуиция зарур. Етакчилик ва йўлбошчиликнинг табиатини тушунтириб беришда қуйидаги хилма-хил назариялар мавжуддир:

1. **Характер назарияси.** Унда етакчилик ҳодисаси шахснинг юксак хусусиятлари асосида тушунтириб берилади. Бу хусусиятлар: ўткир заковат, фаҳм-фаросат, темир ирода, қайноқ энергия, юксак ташкилотчилик қобилиятлари, кишиларга ёқа олишлиқ хусусияти, айниқса билимдонлик ва масъулиятлилиқни ўзига олишга тайёрлик хусусияти. Ҳозирда демократик давлатларда сиёсий етакчиларга хушсуръатлилиқ, нотиклик хусусиятлари ҳам асосий талаб сифатида қўйилмоқда.

2. **Омилли-таҳлилий таълимот назарияси.** Бу назария тарафдорлари фикрига кўра, етакчиларнинг соф индивидуал хусусиятларини ва муайян сиёсий мақсадларини амалга ошириш йўлидаги хулқ-атвор белгилари муҳим ролр ўйнайди.

3. **Вазиятлар таълимоти.** Политологлар В.Даллр, А.Гарднер фикрича, етакчи – муайян вазият маҳсулидир. Тарихда тасодифий етакчилар бўлмайдилар, ҳар бир етакчи ўз даврининг, тарихий вазиятнинг маҳсули. А.Македонский, Оливер Кромвелл, Чингизхон, А.Темур, Ж.Мангубердилар ҳам ўз даврининг етакчилари эди. Аммо улар бир-бирларидан фарқ қилади.

Шўро даврининг инқирози Б.Елрцин, В.Путин, И.А.Каримов, Н.Назарбоев, А.Акаев каби етакчиларни илгари сурди. Улар эски тоталитар тузумга барҳам бериш ва демократик жамиятни барпо этиш сари халқни етакладилар. Сиёсий етакчига қўйиладиган талаб инқирозли ва барқарор ҳолатларга ҳам боғлиқ бўлади. Вазиятлар назарияси сиёсий етакчининг индивидуал хусусиятларини рад этмайди, лекин уларни мутлақлаштириш ҳам ноўринлигини баён этади.

¹⁴ Политология. Ўқув қўлланма. Т.: 2002, 130–137-бетлар.

4. **Тарафдорлар тушунчаси** таълимоти. Кўпроқ сайловчилар билан муносабатда бўлувчилардир.

5. **Сиёсий фаолларнинг** роли ҳам катта. Унинг шахсий сифатлари ва имкониятларини етарли баҳолай оладилар.

6. **Психологик таълимот.** Унда **сенсуал** характеридаги майл, субъектив – компенсаторлик вазифасини бажаради. Турли камчиликларга йўл қўймасликка ёрдам беради. Бу психоаналитик назария бўлиб, авторитаризмга мойиллиги бўлган ва ҳокимиятга интилувчи шахс типидир.

Сиёсий етакчилик турлари 4 асосий хусусиятларни ҳисобга олади: етакчининг характер хусусиятлари, у бажариши лозим бўлган вазифалар, унинг издошлари ва уларнинг ўзаро ҳаракати тизими, етакчи ва ўзаро муносабат механизми. Лекин етакчиликнинг универсал таълимотини яратиш мумкин эмас.

Политологлар ҳозирги замонда сиёсий етакчиларни у ёки бу мезонларга кўра **авторитар ва демократик етакчиларга** ажратадилар.

Авторитар етакчилик – танҳо йўналтирилган таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, у санкциялар, куч ишлатишни назарда тутди. **Асоси: одатлар.**

Демократик етакчилик – раҳбар томонидан гуруҳ ёки ташкилот аъзоларининг фикрлари, манфаатларини ҳисобга олиб, уларнинг бошқаришда иштирок этишини ифодалайди. **Асоси: тафаккур, эътиқод ва ҳиссиётлар.**

М.Вебер «Сиёсат – ҳам майл, ҳам касб сифатида» мақоласида легитимликнинг 3 турига асосланишини баён этади:

1. **Анъанавий етакчилик.** Анъана, маросим, одат кучи каби механизмларга таянади. Итоат қилиш одати мерос сифатида қаралади. Бу тур доҳийлар, оқсоқоллар, шоҳлар бошқаруви учун хос.

2. **Харизматик етакчилик.** Ҳукмдор – етакчининг қудратига халқнинг чексиз ишончига асосланади.

3. **Рационал-ошкора етакчилик.** Етакчиликни сайлашнинг тартиби, унга муайян ҳокимлик ваколатларининг оқиллиги, қонунийлиги тўғрисидаги тасаввурларга асосланади.

Америкалик политолог Роберт Такер сиёсий етакчиликнинг 3 турини ажратиб кўрсатган:

1. **Консерваторлар.** Жамиятни шу ҳолатда сақлаб қолишга қаратилган фаолият олиб боришади.

2. **Реформаторлар.** Ҳокимият таркибини кенг қамровли ислохотлар воситасида тубдан ўзгартиришга интиладилар.

3. **Инқилобчилар.** Одатда қурол кучи билан бошқа ижтимоий тузумга тез, сакраш орқали ўтишни режалаштиради.

Замонавий политологияда етакчиларнинг 4 та йиғма образи қўлланилади: 1) байроқдор ёки буюк инсон; 2) хизматчи; 3) савдогар ва 4) ўт ўчирувчи.

1) **Етакчи байроқдорни** воқеликни шахсий идрок этиш, оммани жалб этишга қодир бўлган ғоялар, идеаллар ажралиб туради.

2) **Хизматчи-етакчи** ҳам ўз тарафдорлари ва сайловчиларнинг манфаатларини ифода этишга интилади, улар номидан иш қўради.

3) **Савдогар-етакчи** – ўзининг ғоя ва режаларини чиройли қилиб кўрсатади, афзаллигига ишонтиради, сотиб олишга жалб этади.

4) **Ўт ўчирувчи етакчи** энг долзарб ижтимоий муаммолар, даврнинг муҳим талабларини мўлжалга олади.

Реал ҳаётда бу 4 образдаги етакчилар алоҳида ҳолда учрамасдан, сиёсий арбобларда аралашган ҳолда учрайди.

Етакчининг функциялари – унинг фаолиятининг бош йўналишидир. Сиёсий етакчилиكنинг асосан қуйидаги 6 функцияси мавжуд:

1. Жамиятни жипслаштириш ва бирлаштириш.

2. Энг мақбул сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

3. Ижтимоий ҳакамлик ва патронажлик, қўриқчилик, оммани қонун-сизликдан, амалдорларнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш, тартибот ва қонунчиликни назорат, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари билан сақлаб туриш.

4. Ҳокимият ва омманинг мулоқоти, сиёсий ва ҳиссий алоқа каналларини мустаҳкамлаш ва шу билан фуқароларнинг сиёсий раҳбарликдан бегоналашувининг олдини олиш.

5. Янгиланиш ташаббускори бўлган оптимизм ва ижтимоий энергияни тўплаш, омма сиёсий мақсадларини амалга оширишга сафарбар қилиш.

6. Тизимли легитимлаштириш. Бу асосан тоталитар етакчиларга хос.

Сиёсий бошқаришнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан бошқаришни амалга оширишга масъул бўлган кадрлар, уларнинг сиёсий етакчилиги ва ташкилотчилик қобилиятларига боғлиқдир. Собиқ шўро даврида кадрлар сиёсатида бир-бирига зид 2 тенденция мавжуд бўлган:

1) Кадрлар корпусида турғунлик ҳолатлари.

2) Миллий раҳбар кадрларга ишонмасдан, тез-тез алмаштириш тенденцияси.

Президент Ислом Каримов 1996 йили Вазирлар Маҳкамасида республика раҳбар ходимлари билан ўтказилган йиғилишда ва 2000 йил 11 февралда Олий Мажлис 2-чақирик, 1-сессияси, 2-йиғилишида сўзлаган нутқларида мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг тақдири кўп жиҳатдан ана шу раҳбар кадрлар масаласига боғлиқлигини уқтириб ўтган эди. «Агар масъул кадрлар бу ислохотни теран англайдиган, жонкуяр, ватанпарвар бўлсалар, юртни, халқни ўйласалар, ислохот ким учун, нима учун қилинаётганлигини тушунсаккина ниятларимиз амалга ошади. Энг муҳими – авваломбор, эл-юрт манфаатларини кўзлаб, юрагидан ўтказиб фидойичасига ишлашга тайёр бўлганлар, сувдай, ҳаводай керак», деган эди. Бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган иллатлар:

1. Социалистик боқимандалик тафаккури.
2. Корхона бошқарувининг тарқоқ тизими.
3. Унумсиз технологик жараён, ишлаб чиқаришнинг такрор усули.
4. Корхоналарда малака ошириш ва ишчи, мутахассисларни ўқитишнинг тарқоқ тизими...

Жамиятда сиёсий лидерларнинг ўзига хослиги қуйидагилардан иборат:

1. Демократик лидер.
2. Либерал лидер.
3. Тоталитар лидер.

Президент Ислом Каримов халқ депутатлари қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида (1998 йил 3 июнр) сўзлаган нутқида «Ислохотларнинг моҳиятини, аввало раҳбарнинг ўзи яхши тушуниши зарур. У масъул бўлган ҳудуднинг муаммолари, эҳтиёжларини чуқур англаб, катта ва кичикнинг ишончини қозониб, уларни рози қилиб, ўзининг амалий ишлари билан эл-юрт хизматиға муносиб бўлиб ишлаган тақдирдагина халқни ўз изидан эргаштириши мумкин», деган эди. Ўзбекистон шароитида ислохотларнинг самарали кечишида раҳбарнинг шахс сифатидаги фазилатлари муваффақиятнинг 73% ни таъминласа, қолган 27% эса, касбий жиҳатлари билан белгиланиши қайд этилади.

Бу борада, раҳбар фазилати ҳақида академик Иброҳим Мўминов шундай фикр билдирган эди: «Раҳбар 3 масалада қатъий бўлиши керак. Шунга амал қилган бошлиқнинг раҳбарлик фаолияти боқий бўлади. Бу ишда:

- 1) ҳалоллик; 2) ростгўйлик; 3) изчил фидоийликдир.

Сиёсий лидер мазмун ва моҳиятиға кўра 3 га бўлинади:

- 1) бошқарувдаги сиёсий етакчилик; 2) доимий сиёсий етакчилик; 3) ишби-лармонлик.

Сиёсий етакчининг функциялари ҳам 3 га бўлинади:

- 1) мафкуравий; 2) ташкилий; 3) сиёсий.

Бугун XXI асрга келиб раҳбар қуйидаги хислатларға эга бўлиши талаб этилади: 1) Шахсий; 2) амалий; 3) профессионал.

1. **Шахсий хислатлар** (Раҳбарнинг шахсий хусусиятлари):

- 1) ижтимоий манфаатларни ўз шахсий манфаатларидан юқори қўйиши.
- 2) Адолатпарварлик.
- 3) Ўз қўл остидагиларға ҳурмат билан қараш, инсонпарвар ва ғамхўр бўлиш.
- 4) Камтарлик ва очик чехрали бўлиш.
- 5) Меҳнат жамоасида қулай руҳий муносабатларни вужудға келтириш.
- 6) Одамлар билан осонликча тил топиша олиш.
- 7) Мустақил фикр эгаси бўлиш.
- 8) Умумий маданият савиясининг юксаклиги, воизлик маданияти билан ички ва ташқи маданиятнинг уйғун бўлиши.
- 9) Босиқ бўлиш.
- 10) Ўзига ишонч.
- 11) Ўз-ўзига талабчан бўлиш.
- 12) Билимдонлик.

13) Ташкилотчилик.

14) Раҳбарликка хос хотиранинг бўлиши. Ходимларни имкон қадар исм-шарифи билан сўраш.

15) Ишга ҳар доим яхши кайфиятда келиб-кейтиш¹⁵.

2. Амалий хислати (Раҳбарнинг ишдаги амалий хусусиятлари):

1) Фикрининг тиниқлиги, ўзининг овози, нутқи, ҳиссиётини бошқара олиши, тетиклик.

2) Янгиликни қабул қила билиш, янгича замонавий технология ва механизмларни ўрганиб олиш, уни амалиётга татбиқ этиш.

3) Ташкилотчилик қобилияти.

4) Ўз сўзи устидан чиқа билиш.

5) Ташаббускорлик.

6) Ишбилармонлик.

7) Тадбиркорлик.

8) Об'ективлик.

9) Касб одоби ва маданиятига амал қилиш.

10) Касбий ўз-ўзини тарбиялаб бориш ва ҳоказо.

3. Профессional хислати:

1) Ўз касбига қизиқиш.

2) Ишлаб чиқаришни билиш.

3) Кадрларга эътибор бериш.

4) Ўз малакасини оширишга интилиш.

5) Ишбилармонлик.

6) Тадбиркорлик.

7) Касбий изланувчанлик, касбий кузатувчанлик.

8) Касбий ўзини-ўзи тарбиялаб бориш.

9) Узлуксиз касб маҳоратини ошириб бориш.

10) Жамоада уюшқоқлик ва ҳамжиҳатликни таъмин этиш.

11) Онгли интизом ва ўзаро ҳурматни йўлга қўйиш.

12) Сўз эркинлигини қарор топтириш.

13) Тежамкорлик ва вақтдан унумли фойдаланишга эришиш.

14) Ўз кадр-қимматини сақлаб бориш.

15) Ҳар доим касб одоби, маданиятига амал қилган ҳолда ижодкорлик ва ташаббускорликни ривожлантириб бориш.

Шахс ва раҳбар масъулияти қуйидагилардан иборат:

1. Шахсий маданият – бу энг аввало инсоннинг ўзига нисбатан бўлган талабчанлигидир.

2. Оила олдидаги масъулият – маданият ва масъулият асослари, энг аввало оилада шаклланади.

3. Жамоа олдидаги масъулият. Жамоадаги раҳбар ходим масъулияти:

1) Мутахассисликни тўғри танлаш.

2) Уларнинг вазифасини бажариш учун шароит яратиб бериш.

3) Иш жараёнини мунтазам назорат қилиб туриш.

¹⁵ Абдукаримов Х. Раҳбарлик саноати. Қонун ҳимоясида. 2000, № 9, 8–10-бетлар.

4) Иш натижаларига одил, холисона баҳо бериш, жамоа аъзоларини маънавий ва моддий рағбатлантириш, тақдирлаш ва жазолаш каби.

4. Ватан ва миллат олдидаги масъулият.

5. Инсоният олдидаги масъулият («Мулоқот». 2001, № 3, 5-бет).

Ҳукуматимиз томонидан мамлакатнинг XXI аср ёш раҳбарларини тайёрлашга қаратилган қатор дастурлар ишлаб чиқилган. Жумладан, «Умид» жамғармаси дастури – Президентнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш дастуридан энг машҳури ҳисобланади. Шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997), «Соғлом авлод давлат дастури» (2001) каби дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар бугунги кунда амалиётда ўз ифодасини топмоқда.

4.2. Сиёсий бошқаришнинг асосий тамойиллари.

Сиёсий бошқаришнинг самарали олиб борилиши ва унинг муваффақияти кўп жиҳатдан бу соҳада мавжуд бўлган тамойилларга оғишмай амал қилишга ва унинг натижаларига боғлиқдир. Бундай тамойиллар турлича бўлиб, уларнинг ҳар бири сиёсий бошқаришнинг ташкил этилиши, уни амалга оширишнинг зарурлиги ва муқаррарлиги билан талабларга қатъий риоя қилиш зарурлигини ифода қилади. Сиёсий бошқаришда амал қиладиган тамойилларга асосланиш натижасида бошқарув ишининг тўғри ташкил этилишига муваффақ бўлинади. Сиёсий бошқаришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Объективлик ва субъективлик тамойили¹⁶. Сиёсий бошқаришнинг бу тамойили қайси мамлакатда ва қандай шароитда амалга оширилишидан қатъий назар, у жамиятнинг яшаши ва ривожланиши учун объектив эҳтиёж бўлиб ҳисобланади. Сиёсий бошқаришда объективлик тамойилининг моҳияти жамият ривожланишининг объектив қонуниятлари кучини ҳисобга олишни билдиради. Сиёсатнинг ҳар бир субъекти бошқариш ишларини амалга оширишда жамият ҳаётида амал қиладиган объектив қонуниятларни ва уларнинг ҳаракат йўналишларини билиб олиши талб этилади.

Сиёсий бошқаришда субъективликнинг моҳияти сиёсат субъектларининг фаолияти билан белгиланади. Субъективлик сиёсий бошқаришга субъектив ёндашишни билдиради. Сиёсий бошқаришда сиёсат субъектлари турлича қатнашади. Масалан, давлат бошқарувида сиёсат субъектлари давлат аппарати ходимларининг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида иштирок этишини англатса, сиёсий партияларнинг бошқариши эса, бошқаришда ҳар бир партиянинг партия ҳаётига доир ишларни бошқаришдаги иштирокини англатади. Сиёсий бошқаришда объективлик ва субъективликнинг моҳияти субъективизмга батамом тесқаридир.

Субъективизм – сиёсий бошқариш жараёнида объектив қонуниятлар кучини менсимаслик ёки уларга эътибор бермасликдан иборат.

¹⁶ Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: Адолат, 1997, 173–181-бетлар.

Субъективизм бошқаришни издан чиқаришга, жамият ҳаётида стихиялиликлнинг авж олишига сабаб бўлади.

2. Асосий звено тамойили. Жамият ҳаётида рўй берадиган муаммоларнинг барчасини бир вақтнинг ўзида бажариш мумкин эмас. Бу муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган вазифаларни аниқ белгилаб олиш лозим. Сиёсий бошқаришда белгиланган вазифаларнинг кетма-кетлигини, биринчи ва иккинчи навбатда бажарилиши зарурлигини эътиборга олиш лозим.

Асосий звено тамойили, бир томондан, сиёсий бошқариш ва уни ташкил этишга доир вазифаларни, иккинчи томондан эса, жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ҳал этишни талаб қилади. Асосий звено тамойили долзарб вазифалар орасидан асосийларини биринчи навбатда ҳал қилишга бутун эътиборини қаратишни, куч ва имкониятларини ишга солишни тақозо этади. Баъзан шундай долзарб муаммоларни тезда бажаришга тўғри келадики, уни асло кечиктириб бўлмайди. Ана шу муаммоларни ҳал қилиш сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарликлнинг қандай ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Асосий звено тамойилининг муҳим талабларидан бири – бу ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларнинг умумий занжиридаги ҳар бир бандни маҳкам ушлаб туришни, бу бандларнинг ҳар бири ўзаро қанчалик боғлиқ эканлигини билиб олишни ва қайси пайтда қандай банднинг муҳим эканлигини ўз вақтида аниқлаш зарурлигини тақозо этади. Асосий звено тамойилининг талаблари Президент Ислом Каримовнинг «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» каби асарларида, нутқ ва мақолаларида ўз ифодасини топган.

3. Ҳудудий тармоқ тамойили. Бошқаришнинг барча турлари каби сиёсий бошқариш ҳам ҳудудий-тармоқ тамойили талабларига қатъий амал қилишни талаб этади. Сиёсий бошқаришда бу тамойилнинг моҳияти жамият ҳаётига сиёсий раҳбарликни амалга оширишда ҳудудлар ва тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Бунинг маъноси шундаки, бошқаришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шароитлари, уларда мавжуд бўлган имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ҳаёт соҳаларининг турли тармоқларида ишни ташкил қилиш ва унинг самарали бўлишига эришишни билдиради.

Сиёсий бошқариш ва раҳбарлик бошқариш ишларини ҳудудлар ва тармоқлар бўйича ташкил этиш ҳамда амалга оширишни англатади. Ҳудудий-тармоқ тамойилининг моҳияти бошқаришда бу икки томоннинг ҳеч бирига устунлик берилмаслигини ифодалайди. Ҳолбўки, бошқаришнинг бу икки томони ўзаро боғлиқ ҳолда ташкил қилиниши ва амалга оширилиши лозим. Сиёсий бошқаришнинг ҳудудий-тармоқ асосида ташкил этилиши ҳозарги кунда дунёнинг барча мамлакатлари учун умумий ҳодисадир. Бироқ уни амалга оширишнинг усуллари, воситалари ҳар бир мамлакатнинг шарт-шароитларидан келиб чиқади. Мамлакатимизда бу тамойил ҳудудий бошқаришда президентлик, ҳокимликлар ҳамда халқ депутатлари

кенгашлари орқали амалга оширилса, тармоқлар бўйича бошқариш эса **вазирликлар ва уларнинг жойлардаги бўлимлари орқали амалга оширилади**. Ўзбекистон Конституциясида сиёсий бошқариш механизмлари ва уларнинг ваколатлари қонунлар асосида белгилаб берилган.

4. Масъулиятни ҳис қилиш тамойили. Сиёсий бошқаришда бу тамойилнинг моҳияти раҳбар кадрлар ва кенг жамоатчилик олдида қўйилган вазифага ўта масъулият билан ёндошиш зарурлигини ифодалайди. Бу зарурият, аввало, жамият ривожланишининг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Жамият ўз-ўзича ривожланмагани сингари, унда бошқариш ишларининг ташкил этилиши ва олиб борилиши ҳам унга масъулият билан ёндошишни тақозо этади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашишнинг аҳамияти ҳақида гапириб: «...биз кадрларнинг топширилган вазифа учун жавобгарлигини қаттиқ назорат остига олишимиз керак. Токи, ҳар бир раҳбар жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар учун масъул эканини теран ҳис этсин» (Асарлар, – Т.3, 13–14-б.).

Президент Ислом Каримов 2000 йил 11 февралр куни 2-чақириқ ЎзР Олий Мажлисининг 1-сессияси 2-йиғилишида сўзлаган нутқида ҳам шу масалага алоҳида эътибор қаратиб, қуйидаги фикрларни баён этган эди: «...ҳозирги шароитда, ўта масъулиятли бир даврда, ҳаёт мураккаблашиб, халқаро аҳвол, ички ва ташқи вазият тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда аввало раҳбарларга, биринчи навбатда энг юқори вазифаларда ўтирганларга, жумладан, ҳукумат аъзоларига, бир сўз билан айтганда, етакчилик вазифасини ўз зиммасига олган шахсларга замон талаблари кундан-кунга ошиб бораётганини пайқаш қийин эмас» (Асарлар, –Т.8, 357-б.).

Масъулият ҳисси бошқарув ходимлари олдида юксак талабларни қўяди: сиёсий раҳбар, лидер ўзида шахсий, амалий ва профессионал хислатларни (биз бу ҳақда олдинги саволда гапириб ўтган эдик) мужассам этмоғи даркор. Умуман, масъулиятни ҳис этиш раҳбар кадрларнинг жамият олдидаги жавобгарлигини чуқур англашни акс эттиради. Ҳар бир раҳбар ходим жамият олдида ўзига топширилган иш учун шахсан жавобгардир...

5. Ворислик тамойили. Бу тамойилнинг моҳияти сиёсий бошқариш жараёнида бўладиган ўзгаришларда узвийлик бўлишни тақозо этади. Сиёсий бошқаришдаги **узвийлик**, бир томондан бошқарув органлари ва ташкилотлари тизимида намоён бўлса, иккинчи томондан эса, сиёсий бошқаришга масъул бўлган раҳбар кадрлар фаолиятида акс этади.

Ворислик тамойили сиёсий ҳокимиятларнинг ўзгариши, бошқариш тизимидаги кадрларнинг алмашилиши билан жамиятда амалда бўлиб келган бошқариш тизимини ёки бошқариш услубларини батамом ўзгартириб, уни янгидан бошлашни эмас, балки бошқариш соҳасида қўлланиб келинган йўлни давом эттиршни, унга айрим ўзгаришлар киритиб боришни ифодалайди. Ворислик тамойилининг бу талабига амал қилмаслик жамиятда кўплаб нохушликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу талабга

бошқарувнинг юқори бўғинларида амал қилмаслик жамият учун жуда катта салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ворислик тамойили талабларига амал қилмаслик кўпинча давлат тўнтаришлари қилинганда ёки сиёсий ҳокимиятларга реакцион, фашистик кучлар келганда рўй беради. Бундай кучлар одатда бошқариш ва раҳбарликни амалдаги конституцияни бутунлай бекор қилиш, мамлакатнинг аввал давом этиб келган сиёсий йўлини ўзбошимчалик билан ўзгартириш, демократияни тақиқлаш сингари сиёсий ишлардан бошлайдилар. Кейинги йилларда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги, айниқса, Яқин Шарқдаги айрим мамлакатларда рўй берган давлат тўнтаришлари натижасида бошқариш соҳасида рўй берган ўзгаришлар бунга мисолдир.

Ворислик тамойилининг моҳияти ва унинг зарурлигини Президент Ислом Каримов қуйидагича таърифлайди: «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма, дейишади бизда. Ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзимизни боқиб, тўйдириб келган нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ»¹⁷.

4.3. Ҳозирги дунёда етакчилик ривожланишининг янги тенденциялари.

Ҳозирги дунёда етакчилик ривожланишида 5 та тенденция шаклланди:

1. Миллий етакчилар глобал муаммоларни эндиликда четлаб ўта олмайдилар. Улар ўз ички сиёсатларини умумжаҳон, глобал жараёнининг бир қисми сифатида қарашлари лозим бўлади.

2. Норасмий етакчиларнинг роли ва таъсири ортиб боради.

3. Етакчилар фаолияти иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кўпроқ жалб қилинаяпти. Бу – етакчи фаолияти билан боғлиқ равишда у ёки бу миллат турмуш даражасининг ортишида намоён бўлаяпти, ўз навбатида бу фаолият давомийлиги ҳам ортаяпти.

4. Етакчи – қаҳрамон ва етакчи – анти-қаҳрамон каби сиёсатчиларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли камаймоқда¹⁸.

5. Ҳокимиятлар бўлиниши ва фуқаролик жамияти чегараларининг кенгайиши ҳисобига сиёсий етакчи ҳокимияти ҳам чекланаяпти.

Ҳар бир мамлакатда етакчилар, яъни сиёсий лидерларни етиштириб берувчи кадрларни тайёрлаш тизими мавжуд. У жамият сиёсий тизими мақсадлари, сиёсий мафкура қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра кадрлар тайёрлаш тизимини 3 турга ажратиш мумкин:

1. **Либерал-демократик тизим.** У ўз навбатида 2 кўринишда мавжуд:

1) Ғарбий либерал-демократик тизим.

2) Шарқий либерал-демократик тизим.

2. **Тоталитар тизим.** Бу тизимда етакчига, тизимга ва мафкурага содиқлик алоҳида қадрланади. Ушбу режим XX аср маҳсули. Унга фашистик

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 –Т.: Ўзбекистон, 1996, 141-б.

¹⁸ Политология. Маърузалар матни. Т.: ЎАЖБНТ, 2000, 114–115-б.

режим ва социалистик давлатларнинг баъзиларини киритиш мумкин. Тоталитар режим авторитар режимнинг энг кескин шаклидир.

3. Теократик тизим. Диний мафкурага амал қиладиган мамлакатларда мавжуд.

Умуман, сиёсий етакчининг ижтимоий аҳамияти тўғридан-тўғри сиёсий маданият даражаси ва омманинг фаоллиги билан боғлиқдир. Фаол сиёсий маданиятнинг, барқарор демократик анъаналарнинг мавжудлиги, давлат томонидан назорат қилинмайдиган фуқаролик жамияти ва сиёсий муҳолифатнинг борлиги заиф етакчилар учун имкониятларни камайтиради, турли хил ўзбошимчаликнинг, ҳокимиятни суистеъмол қилишнинг олдини олади ва шу билан бирга сиёсатда индивидуал қобилиятлар ва талантларни намоён қилишга кенг йўл очиб беради.

Лидер шахсларнинг шаклланганлиги даражасини характерловчи энг муҳим фазилатлар эса қуйидагилардан иборат: 1) ақлий зукколик; 2) ҳуқуқий комиллик; 3) ахлоқий етуклик; 4) меҳнатга ҳалол муносабат; 5) етук маданий савия; 6) профессионал ифтихор; 7) миллий ва умуминсоний ғурур.

Жамиятда лидер шахсларнинг сиёсий маданияти ижтимоий ҳаётда фаол-лигига қараб уларни қуйидаги асосий типларга ажратиб кўрсатиш ҳам мумкин: шахс ва лидер типлари:

1. **Сиёсатдан йироқ тип.** Унинг сиёсатга бефарқлиги объектив ва субъектив омиллар билан узвий боғлиқлигини унутмаслик керак.

2. **Сиёсий фаоллиги паст бўлган тип.** Ёки бу бошқа сусткашлик типи ҳам дейилади.

3. **Сиёсатга ўртача аралашадиган тип.** Ёки бу индефферентик тип ҳам дейилади. Бу энг кўп тарқалган тип. Лекин вазиятга қараб иш кўрувчи ҳам бўлиши мумкин.

4. **Шахснинг тўлароқ сиёсий типи.** Маълум сиёсий партияларга аъзолиги.

5. **Шахснинг арбоб, ходим типи.** Ёки фаоллик типи ҳам дейилади. Бунда у сиёсий партияларга кўпроқ вақтини ажратади. Масалан, депутатлар.

6. **Профессионал сиёсатчи тип.** Бутун ҳаётини сиёсий мансаб йўлига сафарбар қилиб, сиёсий арбоблар сафидан жой олади.

7. **Шахснинг энг юқори сиёсий раҳбар типи.** Бу сиёсий етакчи бўлган шахсдир. Жуда катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлади. Ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Қисқача хулоса.

Сиёсий бошқариш – бу сиёсий субъектларнинг давлат воситасида жамият ҳаётига таъсир кўрсатишдир. У сиёсатнинг объекти ва субъекти ўртасидаги муносабатларни моддийлаштириш воситаси сифатида намоён бўлади.

Сиёсий етакчи – сиёсий жараёнлар билан бирга бутун жамият, сиёсий ташкилот ёки ҳаракатни ҳам бошқаради, воқеаларнинг бориши ва сиёсий жараёнлар йўналишини ўзгартира олади. Сиёсий етакчилар жамиятдаги

сиёсий жараёнларни жонлантирадилар, жамиятнинг тарихий ривожланишини белгиловчи дастурлар, ғояларни илгари сурадилар.

Ворислик – табиат, жамият ва билиш тараққиёти жараёнида ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик, жамиятда ижтимоий ва маданий қадриятларнинг авлоддан авлодга ўтиши ҳамда ўзлашиши анъаналарига амал қилинишидир¹⁹.

Ҳозирги дунёда сиёсий етакчиларни қандай мақсадга бўйсунганлигига қараб ижтимоий типларга ажратиш мумкин.

1. Инсонпарвар етакчи шахснинг бошқа типдаги шахслардан асосий фарқи шундаки, унинг барча фазилатлари умуминсоний эътиқод, инсонни улуғлаш қайфияти билан суғорилган.

2. Гуманистик типдаги лидер шахснинг моҳияти гуманизм, яъни инсонпарварлик ғоялари – миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлиги билан характерланади.

Демак, сиёсий муносабатлар ва сиёсий жараёнларда сиёсий раҳбарнинг роли ҳозирги мустақиллик шароитида Ўзбекистон давлати учун демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида бениҳоя катта бўлиб, мамлакатда туб ижтимоий-сиёсий, маънавий ислохотларнинг барқарор ривожланишига таъсир этади, жамиятни ривожлантиради.

Ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг турлари

Жамият ҳаётида кўп сонли ижтимоий гуруҳлар фаолият кўрсатади. Уларнинг фаолияти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига дахлдор бўлиб, бу фаолият жамиятнинг мавжудлиги, уларнинг яшаши ва ривожланишининг зарур шарт сифатида намоён бўлади. Кишилиқ жамияти пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи турли хилдаги ижтимоий гуруҳларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидир. Ижтимоий гуруҳлар турли хил шароитларда ва турли хил сабабларга кўра шаклланган. Уларнинг шаклланиши жамият ривожланишининг объектив жараёни бўлиб, тарихий тараққиётнинг ҳар бир янги даври бу гуруҳлар мавқеига, уларнинг турмуш ва ҳаёт шароитларига ўз хусусиятларини киритган.

Ижтимоий гуруҳлар сиёсатнинг ўзига хос субъектлари ҳисобланади. Сиёсат – бу инсонлар ўртасидаги муносабат соҳасидир. Шунинг учун сиёсатга жуда кўп омиллар, муносабатлар таъсир кўрсатади. Шунда «Сиёсат субъекти» тушунчаси ишлатилади. **Сиёсат субъекти деганда**, сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг **субъекти дейилади**. Ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўзининг иродасини сиёсатда ифодаланган ташкилоти ва ҳокимияти орқали амалга оширади. Ижтимоий гуруҳлар ҳаракатининг жамият ҳаётидаги амалий натижаси қандай бўлишидан қатъий назар, унда жамиятга қилинадиган таъсир ўз ифодасини топади.

Ўзгаришга, ўзгартиришга ёки қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сиёсий фаолият билан боғлиқ сиёсий реаллик, **сиёсат объекти** деб аталади.

¹⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-том. 2001, 500-б.

Сиёсат субъекти сифатида, шахслар социал гуруҳлар, қатламлар, институтлар ва ҳаракатлар фаолият юритса, уларнинг сиёсатда тутган ўрни хилма-хил бўлади.

Ижтимоий гуруҳлар ўзининг шаклланиш хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Синфийлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар.
2. Этник хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар.
3. Касб-корлик ва мутахассислик хусусиятларига кўра шаклланган ижти-моий гуруҳлар.
4. Элита гуруҳлари.

1. Синфий хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар:

1) Ишчилар гуруҳи. Бунга саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган кишилар киради. Марксизм-ленинизм таълимоти ишчилар гуруҳини сохталаштириб юборган. Аслида ишчилар синфи ҳеч қачон жамиятда етакчи ва раҳбар куч бўлмаган. Ишчилар гуруҳи ўзининг сиёсий онглилиги ва фаоллиги жиҳатидан бошқа ижтимоий гуруҳлардан кескин фарқ қилади. Дунё мамлакатларида улар-нинг аксарият қисми **саводсиз** ва **малакасиз** бўлиб, улар ўрта маълумотга ҳам эга эмаслар. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатларида узоқ давом этган мустамлакачилик сиёсати бу ўлкалардаги ишчиларнинг билим олиши учун имконият бермаган эди. Кейинги йилларда бу мамлакатларда ҳам малакали ишчилар тайёрлашга эътибор берилди бошлагани уларнинг турмушига ижобий таъсир кўрсатди.

Ишчилар синфи гарчи сайловларда катнашсаларда, уларнинг баъзилари бунга бефарқ муносабатда бўлиб қолмоқда. Лекин барча дунё мамлакатларидаги ишчиларнинг ижтимоий ва сиёсий қарашлари бир хил эмас. Ҳукукий демократик давлатларда ишчилар синфи ўзларининг демократик талабаларини қўйиш ва уларни амалга ошириш бўйича фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ишчилар гуруҳи ўзларининг **касаба уюшмаси ташкилоти** ёрдамида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий талабаларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Барча мамлакатларда ана шу касаба уюшмалари фаол ишлаб турибди. Масалан, Жаҳон Касаба Союзлар Федерацияси 140 млн.дан ошди ишчиларни ўз сафларида бирлаштирган бўлиб, ишчиларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, Эркин Касаба Союзлар Конфедерацияси 63 млн.дан ошди ишчи-ларнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Ўзбекистонда мулкчиликнинг турли шакллари ижтимоий табақаланишга олиб келди ва ишчилар сон жиҳатдан камайди.

2) Дехқонлар гуруҳи — қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш билан машғул бўлиб, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучига айланган гуруҳ бу.

2. Этник хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар. Бу гуруҳнинг: 1) Ёшлар; 2) Фахрийлар; 3) Хотин-қизлар; 4) Диндорлар ва ҳ.к.

Булар асосий гуруҳлар бўлиб, жамият ҳаётида турли шароитларда, турли сабабларга кўра шаклланган. Бу гуруҳлар жамиятдаги ижтимоий

мавқеига кўра бир-бирига жуда яқин туради. Бу гуруҳлар ишчи ва деҳқонлардан фарқ қилиб, ўз куч ва қобилиятлари, билим ва малакалари, ҳаётий тажрибаларига кўра жамиятда алоҳида мавқеда туради. Бу гуруҳлар асосий ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланмайди.

Бу гуруҳлар орасида «Ёшлар гуруҳи» алоҳида ўрин ва мавқега эга. Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Жами 26 миллион аҳолининг 65 фоизидан зиёдини 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ҳозир юртимизда ёшлар билан боғлиқ бўлган бир қатор ижтимоий ҳаракатлар мавжуд. 2001 йил 25 апрелда янгидан ташкил топган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низом ва дастурларида қайд қилинганидек, **болалар ташкилоти** – 7–14 ёшларни, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари эса 14–28 ёшдаги ёшларни ўз сафларида бириктирган. Бу борада Президентимиз Ислон Каримов 2001 йил 14 январда «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» мавзуида сўзлаган нутқида ёшлар ташкилоти олдида турган давримизнинг энг долзарб масалаларини белгилаб берган эди. 2003 йилга келиб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 14 вилоят, 209 туман, 20 мингдан зиёд бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, ҳаракат сафида 4 млн. 400 минг нафар аъзоси бор. Шундан 570 минг нафари олий ўқув юртлари талабаларидир.

3. Касб-корлик хусусиятларига кўра шаклланган ижтимоий гуруҳлар. Бу гуруҳга олимлар, муҳандислар, ўқитувчи-педагоглар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқ-шунослар, журналистлар ва бошқа шулар сингари кишилар киради. Бу гуруҳлар ижтимоий жиҳатдан бир-бирларига жуда яқин. Улар жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларда фаол иштирок этади. Бу гуруҳларнинг ўзлари уюшган ташкилотлари ҳам мавжуд.

Ижтимоий гуруҳлар катта ва кичиклигидан қатъий назар ўзларининг ички ва ташқи муносабатларидан ташкил топган, маълум тузилишга эга бўлади. Кичик ижтимоий гуруҳлар ўз олдига қўйган **мақсад ва вазифаларига қараб расмий ва норасмий гуруҳлар** кўринишларида бўлади.

1) Расмий гуруҳлар – ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, қоида ва талабларига эга бўлган ҳолда ҳаракат қилади. Бу гуруҳлар юқори даражада расмийлашган гуруҳлардир. Бунда ташкилот доирасидаги қонун-қоидалар, иш тартиблари амалда унинг ҳамма аъзоларининг фаолиятини қамраб олади. **Расмий ижтимоий ташкилотлар** – юқори даражали кўрсатмалар, буйруқлар, фармойиш-лар билан бошқариладиган, ташкилий ҳаракатлар жараёнида шаклланадиган ўзаро боғлиқ тизимдир. Расмий гуруҳлар махсус ўз маъмурий аппаратига эга бўлади.

2) Норасмий гуруҳлар эса майл ва хоҳишларининг умумийлиги асосида ҳаракат қилади. Ҳар қандай расмий гуруҳлар асосида норасмий гуруҳлар вужудга келиши мумкин. Норасмий гуруҳлар ўз-ўзидан, ички сабаблар туфайли вужудга келган кишилар бирлиги сифатида, ташкилий масалаларни расмий қонунларда кўрсатилганидан фарқ қиладиган усулларда ҳал қилишга ҳаракат қилади. Эркин бўйсунушга ҳаракат қилади ва

асосланади. Бу норасмий гуруҳлар ижтимоий ташкилотларнинг йўл қўйган хатолари туфайли, яхлит тизимда бузилишлар юзага келганда фаолият кўрсата бошлайди. Расмий гуруҳларда кишилар мансаб жиҳатдан бўйсунлишга қатъий амал қилишга қараб, норасмий гуруҳларда эса вазиятга қараб ўзгаради. Норасмий гуруҳлар янги тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун имкониятлар яратади.

Сиёсий элита – ижтимоий гуруҳларнинг алоҳида тури.

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида мавқеига эга бўлган ижтимоий гуруҳлардан бири – сиёсий элита гуруҳидир. Бу гуруҳ ўз ташкилотчилик қобилияти билан бошқа гуруҳлардан алоҳида ажралиб туради ва ўз мавқега эга. «**Элита**» - сўзи француз тилидан олинган бўлиб, сайланган, сараланган деган маъноларни билдиради. Бу тушунча сиёсий тилда бошқариш ва раҳбарлик қилиш сифатларига эга бўлган кишиларнинг уюшган гуруҳини таърифлашда қўлланилади¹. Элита тушунчаси сиёсий фанларга биринчи марта француз мутафаккири **Гаэтано Моска** (1858–1941 йиллар, асли италиялик) томонидан киритилди ва шу асосда сиёсий элита назарияси яратилди. У «Сиёсий фандан парчалар» асарида «сиёсий ёки бошқарувчи синф» назариясини ишлаб чиқди. Бу сиёсий ғоя «Зодагонлар назариясининг бир кўринишини ташкил этади. У «барча жамият-ларда одамларнинг икки синфи мавжуд бўлиб, улар бошқарувчилардан ва бошқариладиганлардан иборатдир», дейди. Бошқарувчилар озчиликни ташкил қилса ҳам, улар куч, бойлик, уюшқоқлик қадриятларига эга, демократия эса аслида кенгайтирилган аристократиянинг ўзгинасидир», дейди. Москанинг фикрича, давлатдаги ҳокимият фақатгина озчилик қўлида бўлиши лозим. Элита – ҳукмрон синф. Сиёсий тараққиёт бир ҳукмрон элита қўлидан иккинчисига ўтганда юз беради. Давлатнинг бутун тарихий элатлари бирин-кетин алмаши-нувидир. Ҳокимият ҳеч қачон кўпчиликнинг қўлига ўтмайди. Г.Моска давлат тарихидаги аристократик ва демократик икки йўналишни ажратиб кўрсатади. Биринчи ҳолда ҳокимият бир гуруҳ элита қўлида, иккинчи ҳолда эса омма орасидан чиққан элита қўлида бўлади. Сайловлар элиталарни янгилаш услубидир.

Вилфредо Парето (1848–1928) – италиялик социолог ва сиёсий иқтисодчи бўлиб, у «Умумий социология тўғрисидаги трактат» асарида элита назариясини ишлаб чиққан. В. Парето элитани миллатнинг бир гуруҳ туғма раҳбари, умумий манзарадан ажралиб чиққан сифатга эга кишилар деб ҳисоблайди. У ҳар бир даврда ўзига хос 2 гуруҳ - элита ва элитага қарши турганлар бўлади, улар ўртасида ҳокимият учун оммани сафарбар қилиш ёрдами билан кураш олиб борилади. Тарихда доимо элиталар ўзгариб туради.

Агар элита янгиланиб турилмаса, у ҳолда инқилоб даври бошланади ва бундай ҳолда ҳукмрон элита орасида бир гуруҳ элита жамият билан қоришиб кетади. Иккинчи гуруҳ элита эса унинг юзасига чиқади. В. Парето «тарих –

¹ Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: Адолат, 1997, 154-бет.

бу аристократлар мазорида» деб ёзади. Парето фикрича, сиёсий бошқариш қобилиятига ҳамма ҳам эга бўлавермайди. Бу жараёни фақат лаёқати бўлган «зодагонлар» бошқара олади. Парето жамиятни пирамидага қиёс қилиб, унинг тепа қисмида юксак истердод эгалари бўлган сара одамлар – зодагонлар, улардан қуйида «бошқарувчи синф», яна пастроғида эса қолган одамлар гуруҳи ўрин эгаллашини уқтиради, зодагонлар эса доимо сиёсий ҳокимиятни бошқариш учун курашадилар. Шу тарзда «зодагонлар айланиши» (ўзаро ўрин алмашиб туриши) ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг объектив қонунига айланади, зодагонлар чекланмаган устунликка эга бўлиб сиёсий бошқаришнинг барча талабларига жавоб беришга ожизлик қилади.

Сиёсий элита гуруҳлари ва уларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини асослаб беришга доир кўплаб назариялар, концепциялар ишлаб чиқилган. Бу назариялар қуйидагилардан иборат:

1. Муҳимийлик ва зарурийлик назарияси (Г.Моска, В.Парето, В.Робка, Н.Бердяев ва бошқалар). Бу назарияда сиёсий элита жамиятнинг муҳим етакчи кучи сифатида таърифланади ва у жамиятдаги бошқа ижтимоий гуруҳларга қараганда аҳолининг энг маҳсулдор ва ташаббускор қисмлари эканлиги назарий жиҳатдан асослаб берилади.

Муҳимийлик ва зарурийлик назариясининг айрим тарафдорлари сиёсий элита гуруҳларининг жамият ҳаётига таъсир кўрсатиш даражасини аниқлаб беришга ҳаракат қилганлар. Масалан, Н.Бердяев жамиятдаги аҳолининг юқори маълумотли қисмига солиштириш асосида сиёсий элитанинг жамият учун зарурлигини исботлашга ҳаракат қилган. В.Робка эса сиёсий элитанинг зарурлигини жамият эҳтиёжлари билан боғлаб асослашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, жамият ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш сиёсий элитага боғлиқдир.

2. Демократик элита назариясида (Р.Далл, М.Липсет, Л.Зиглер, К.Мангейм ва бошқалар) сиёсий элита гуруҳи аҳолининг мамлакатни бошқаришга қодир қисми бўлиб қолмай, шу билан бирга демократияни ҳимоя қилишга қодир бўлган қисми эканлиги масаласи асослаб берилади...

3. Либерал назария ҳам сиёсий элита назарияларидан биридир. Бу назарияда (Р. Миллс, М. Милбанд ва бош.) сиёсий элитанинг хилма-хил кўринишлари ва турлари ҳақида фикр юритилиб, уларни ўзаро фарқлашга ҳаракат қилинади. Масалан, Р. Миллс сиёсий элитани жамиятдаги мавқеига кўра 3 турга бўлиб кўрсатади, улар: 1) сиёсий ҳокимиятнинг марказий идораларида хизмат қилувчилар; 2) сиёсий ҳокимиятнинг ўрта поғонасида хизмат қилувчилар; 3) сиёсий ҳокимиятнинг қуйи поғоналарида хизмат қилувчи бошқарувчилардир.

Либерал назарияда иқтисодий элита билан сиёсий элита ҳам фарқ қилади. Иқтисодий элитага завод ва фабрикалар, қишлоқ хўжалиги, молия ва банк тизимларида раҳбарлик қилувчи кишилар киритилади. Сиёсий элитага эса сиёсий ҳокимиятларнинг турли бўғинларида банд бўлган кишилар киритилади.

4. Партократик назария ҳам сиёсий элита назарияларидан бири. Бу назария бир вақтлар собиқ социализм мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб,

унда сиёсий раҳбарликнинг тарихан муқаррарлиги исбот қилинади. Бу назариянинг асосий қоида ва хулосалари тоталитар сиёсий тузумлар ҳукмрон бўлган собиқ социализм мамлакатларида коммунистик партиянинг дастурлари ва қарорларига асос қилиб олинганди.

Ўрта мулкдорлар қатлами ва сиёсий барқарорлик

Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгач, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади. Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шундан далолат берадики, бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч босқичи мавжуд:

1. Иқтисодиётни барқарорлаштириш.
2. Бозор инфраструктурасини яратиш.
3. Бозор муносабатларига ўтиш.

Режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтишнинг энг муҳим омил-ларидан бири – давлат мулкани хусусийлаштириш ва уни самарали олиб бориш-дир. Давлат мулкани хусусийлаштириш – мамлакатда қўп укладли иқтисодиётни яратишнинг асосий шартидир.

Хусусийлаштириш – мулкка эгалик ҳуқуқини давлатдан фирмалар ва ало-ҳида шахсларга берилиши, хусусий секторга давлат хизматлари кўрсатилишининг чекланиши ёки хусусий ташаббускорлик учун кенг имкониятлар бериш мақсад-ларида фаолият соҳасини торайтиришни билдиради. Хусусийлаштириш нати-жасида 2 та асосий вазифа ҳал этилади. 1) Мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топади. 2) Қўп укладли иқтисодиётни ва рағбатлантирувчи рақобатни, турли маҳсулот ишлаб чиқарувчи муҳитни вужудга келтиради.

Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасида хусусий, жамоа (ширкат), давлат, аралаш мулкларнинг тенг имкониятларга эгаллиги ва давлат томонидан муҳофаза этилиши таъкидланади.

Мулкдорлар синфини шакллантириш рақобат муҳитини яратишнинг асосидир.

Мулкдорлар синфи – бирон-бир турдаги мулкка (кўчмас мулк, ер майдони, кичик корхона, дўкон ва шу кабиларга) нисбатан тўлиқ ёки қимматбаҳо қоғозлар (акция, пай, сертификат ва ҳ.к.) орқали қисман соҳиблик ҳуқуқини амалга ошираётган кишилар гуруҳи. Мулкдорлар синфи қўп тармоқли бозор иқтисодиётининг ва адолатли демократик жамиятнинг ижтимоий негизидир.

Мамлакатда мулкдорлар ҳуқуқини, хусусий тадбиркорлик манфаатини кафолатловчи қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар, давлат ва норасмий ташкилот ҳамда муассасалар тизимлари вужудга келтирилди. ЎзР Олий Мажлисининг ХI сессиясида (1998) «Ер Кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши иқтисодиётнинг аграр секторида туб ўзгаришлар яшаш имкониятини яратди. 2002 йилда 38 мингга яқин микрофирма, кичик ва ўрта корхона тузилиб, бугунги кунда уларнинг

умумий сони 240 мингтага етди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 73,3 фоизи, саноат маҳсулотларининг 71,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг деярли ҳаммаси нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда («Маърифат», 2003 йил 19 февралр).

Сиёсий тафаккурда «Ўрта мулкдорлар синфи» тушунчаси ўтмишда ишлатилган «**синф**» тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Бу дегани, агар мулк шакллари хилма-хиллиги биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорлардан иборат кучли қатламининг мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси эканлиги тўғрисидадир.

Кўп укладли, яъни мулкнинг хилма-хиллигига асосланган иқтисодий шакллантириш унинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу «давлат бой бўлса, оила, ҳар бир одам бой бўлади» деган фикрнинг ўрнида аксинча, «оила, ҳар бир одам бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади» деган ғояни амалда тасдиқлайди²⁰.

Президент Ислом Каримов 2001 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишидаги маърузасида ва бошқа нутқ ҳамда мақолаларида ўрта мулкдорлар қатламини ривожлантириш хусусида ғоят муҳим бўлган қуйидаги масалаларга диққат қаратган эди:

1. Кичик ва ўрта бизнес ривожланган иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади.

2. Қишлоқ жойларида, биринчи галда, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар ва манфаатларни яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали янги-янги иш жойлари ташкил этиш керак.

3. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини бирмунча соддалаштириш керак.

4. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда, айниқса тадбиркорлик соҳасини ҳозирги коррупция тазйиқидан сақлаш учун, ҳуқуқ, назорат, текширув ва тафтиш тузилмаларининг кўр-кўрона аралашувига чек қўйиш керак.

5. Кичик ва ўрта корхоналарнинг моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни технологик ускуналар билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш зарур.

6. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий ресурсларидан фойдалана олиш имкониятини йўлга қўйиш лозим.

²⁰ Политология. Т.: ЎАЖБНТ, 2002, 161–162-бетлар.

Қисқача хулосалар

Ижтимоий гуруҳларнинг **асосий вазифаси** худди сиёсий партиялар каби фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этишдан иборат.

Ҳар бир шахс бир вақтнинг ўзида бир неча гуруҳга мансуб бўлиши мумкин эмас. У бир гуруҳдан чиқиб бошқасига аъзо бўлиши мумкин. Масалан, ёшлар гуруҳи вакили аъзоси кейинчалик фахрийлар гуруҳига аъзо ёки мансуб бўлиши мумкин.

Демак, иқтисодий **барқарорлаштириш сиёсати** – аввало, макроиктисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Жаҳон тажрибасида иқтисодий барқарорлаштиришнинг бир неча кўриниши мавжуд:

1. Монитар ёндашув (пулнинг қадрсизланиши олдини олиш).
2. Ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, баъзан буни фискал ёндашув (солиқлар сиёсати) ҳам дейилади ва бунда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилади.
3. Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли, ижтимоий ларзаларсиз ва портлашларсиз қийин шароитдан чиқиб, бунда моддий бойликларни яратаётганларга кўпроқ таянмоқда. Шунингдек, бунда 1) макроиктисодиётда мувозанатни сақлаш; 2) таркибий ўзгаришларни таъминлаш; 3) меҳнат интизоми; 4) аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш; 5) пулнинг қадрсизланиши олдини олиш; 6) давлат бюджети ва корхоналари молиявий аҳволини барқарорлаштириш ва ҳ.к.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсат субъектларини аниқланг?
2. Сиёсат субъекти ва объекти тушунчаларининг мазмунини таҳлил этинг?
3. Ижтимоий гуруҳларнинг турларини баён этинг ва изоҳланг?
4. Ўрта мулкдорлар синфи ва сиёсий барқарорлик жараёнларининг боғлиқлигини кўрсатинг?
5. Кичик ижтимоий гуруҳлар мақсад ва вазифаларига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
6. Сиёсий элита ҳақида қандай назариялар мавжуд ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини баён этинг?
7. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришдаги муаммолар нималардан иборат?
8. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг кўринишларини изоҳлаб беринг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: «Ўзбекистон», 2003, 4-12 бетлар.
2. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. - 5-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 186-187 бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.:

- «Ўзбекистон», 1998, 149-158 бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 383-389 бетлар.
 5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 332-334 бетлар.
 6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси, халқ эътиқод ива буюк келажакка ишончидир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 495-496 бетлар.
 7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.
 8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи» 2003 йил 25 апрел.
 9. Каримов И.А. Тинчлик ҳавфсизлигимиз ўз куч-қувватимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.
 10. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.
 11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.
 12. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қара шва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
 13. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқарии сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.
 14. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. «Ўзбекистон», 2005.
 15. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар, «Академия» нашриёти, 2001.
 16. Аристотель. Политика, Соч. Т. 4. – М.: «Мысль» 1983.
 17. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.
 18. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурулиш палласида, Т.: «Ўзбекистон» - 2001.
 19. Макиавелли Н. «Хукмдор» - «Жаҳон адабиёти». 2002 йил, сентябр, 105-148 бетлар.
 20. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Тошкент: «Адолат», 1997.
 21. Темурнома. – Тошкент: 1990.
 22. Темур тузуклари. Тошкент: 1991.
 23. Отамуратов С., Эргашев И., Акромов Ш., Кодиров А. Политология (Ўқув қўлланма) – Тошкент: «Ўзбекистон», 1999, 14-40 бетлар.
 24. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 66-67 бетлар.

25. Пугачёв В.П., Соловьёв А.И. Политологияка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 121-142-бетлар.
26. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.
27. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.
28. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.
29. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., Султонов Т., Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
30. Бекмуродов А. Ш. , Алиев Б., Бобоев А ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққийоти. Тошкент. 2005.
31. Т. Султонов, А. Ҳайитов. Демократик жамият сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. ТДИУ 2005й.
32. Б. Алиев ва б. Парламентаризм тараққийоти бўйича тест саволлари. ТДИУ 2005.

V- МАВЗУ: СИЁСИЙ ОНГ, СИЁСИЙ МАФКУРАЛАР

5.1. Сиёсий онг тушунчаси, манбаи ва функциялари

Сиёсий онг – сиёсий фан категорияларидан бири ҳисобланади. У ўзининг моҳияти, манбаи, функцияларига кўра иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний онгдан фарқ қилади.

Сиёсий онг – сиёсий борлиқнинг идрок қилинишидир. Кишилар мавжуд сиёсий воқелик билан қаноатланиб қолмайдилар. Улар ҳаммаша бу воқеликни билишга, англашга ва уни ўзгартиришга интиладилар. Кишиларнинг ана шу сиёсий борлиқ ҳақидаги билимлари, қарашлари, тасаввурлари уларнинг сиёсий онгини ташкил этади.

Сиёсий онг – сиёсий борлиқнинг субъектив акс этишидир. У сиёсий воқеликни қандай бўлса, шундай, ҳолисона тарзда, бўямасдан, бўрттирмасдан, мутлақлаштирмасдан акс эттиради. Бироқ, сиёсий онг сиёсий воқеликни ойна каби қандай бўлса, шундай, механик тарзда, жонсиз акс эттирмайди. У сиёсий воқелиқнинг сир-асрorigа «кириб» боровчи, ундан илгарилаб кетувчи, ижтимоий сиёсий жараёнларнинг ўзгариши ва ривожланишини башорат қилувчи ва акс этиришдир. Сиёсий онг – жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг барча бошқа соҳаларига катта таъсир кўрсатишга қодир бўлган ижтимоий ҳодисадир. Бундан ташқари, алоҳида олинган кишиларнинг ҳам, жамият ижтимоий-сиёсий бирлашмаларининг ҳам ҳулқ-атвори ва фаолиятларининг характери кўп жиҳатдан сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиш даражаларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий жараёнларни сиёсий бошқариш амалиётида, ҳам жамиятнинг, ҳам уни ташкил этувчи индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг сиёсий онги ҳолатини ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Бу ўринда ҳокимиятлар, сиёсий партиялар ижтимоий-сиёсий мувозанатни сақлаб туришга имкон берадиган,

давлатнинг ижтимоий тараққиёти эҳтиёжларини тўла ифода этадиган сиёсий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга интилишлари зарур бўлади.

Сиёсий онг кўпинча сиёсий тасаввурлар йиғиндисидан иборат бўлади. Онгсиз, тасаввурларсиз кишилик жамияти бўлмаганидек, сиёсий онгсиз, тасаввурларсиз сиёсий соҳанинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сиёсий онг нафақат гуруҳий, балки индивидуал характерга ҳам эга. У аниқ тарихий шарт-шароитнинг, муайян омиллар таъсирининг маҳсулидир²¹.

Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишида қуйидаги манбалар асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Биринчи манба – инсоннинг оилавий муҳити. Сиёсий ғоялар ва хиссиётлар унга оиладаги тарбия орқали берилади. Бунга тўғри келувчи ижтимоий-руҳий қарашлар – сиёсий онгнинг пойдеворини барпо этади. Унинг негизида эса фуқаро шахси шаклланади.

Иккинчи манба – бу кенг маънодаги ахборотдир. У инсон онгига ҳам муомала, ҳам оммавий ахборот воситалари (телевидения, радио, матбуот) орқали «кириб» боради.

Учинчи манба – бу индивиднинг шахсий тажрибасидир. Шахсий тажриба олинган билимни рад қилади ёки тасдиқлайди. Бироқ, у ҳар қандай ҳолатда ҳам сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига муҳим таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган манбалар инсонга сиёсат дунёсини таҳлил этишга ва унга нисбатан муносабатини белгилаб олишга имкон берувчи билимлар йиғин-дисини ташкил этади.

Демак, воқелик ўзидан-ўзи сиёсий онг орқали баҳоланмайди. Унинг қабул қилиниши кишиларнинг аввалги эътиқодлари ва манфаатларига ҳам боғлиқдир.

Сиёсий онг якка ҳолда эмас, балки ижтимоий онгнинг бошқа шакллари: иқтисодий қарашлар, фалсафий таълимотлар, ҳуқуқий назариялар ва меъёрлар, ахлоқий қонуниятлар, эстетик қадриятлар билан ўзаро боғлиқ ва биргаликда ҳаракат қилади.

Энди сиёсий онгнинг функцияларини кўриб чиқамиз. У ҳам ижтимоий онг-нинг бошқа шакллари каби бир катор функцияларни бажаради. Бу функцияларга қуйидагилар киради:

1. Билиш-ахборот бериш функцияси. Кишилар эртами ёки кечми, хоҳ-лайдими ёки йўқми, аммо муқаррар равишда сиёсат дунёсига дуч келади. Улар бу соҳа билан шуғулланишни хоҳламасаларда сиёсат улар билан бари бир «шуғулланади» У кишиларнинг ҳаётига ва тақдирига давлат, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали таъсир кўрсатади. Сиёсат кишиларга сиёсий ахборот кўринишида «кириб» боради.

2. Баҳолаш функцияси. Сиёсий онг социал-сиёсий воқеликни нафақат билади, изоҳлайди, балки, уни баҳолайди. Кишилар у ёки бу сиёсий ҳодисалар ва воқеаларни англаш жараёнида, уларга ўз муносабатларини билдирадилар, ўзлари учун муайян хулосаларни чиқарадилар. Айнан сиёсий

²¹ +аранг: Политология Т.: ЎАЖБНТ, 2002, 163–175-бетлар.

воқеликни баҳолаш асосида кишилар ўзларининг сиёсий қарашларини, эътиқотларини, позицияларини, қизиқишларини шакллантирадилар.

3. Йўналтириш функцияси. Сиёсий онг кишиларга ўзларини жамият ва давлат олдида нафақат бурчларга, мажбуриятларга, балки муайян ҳуқуқлар, эркинликлар ва сиёсий манфаатларга эга бўлган фуқаролар эканликларини англашга ёрдам беради. Ўз навбатида фуқаролик ўзини-ўзи идрок этиш кишиларни социал воқеликни бўш, бир томонлама англашдан ижтимоий-сиёсий ҳаётда аниқ ва фаол иштирок этишга ундайди. Бу билан сиёсий онг ўзининг йўналтирувчилик функцияси орқали кишиларнинг аниқ сиёсий ҳуқ-атворини, ўзларининг социал сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишлари учун ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари, сиёсий партияларга, жамоат ташкилотлари ва бошқа сиёсий уюшмаларга ўзларининг ҳам фикрлари билан бирлашишлари зарурлигини уйғотади.

4. Тартибга солиш функцияси. Сиёсий онг воқеликни идрок этиш асосида ҳамда унинг томонидан ишлаб чиқилган сиёсий ғоялар, меъёрлар, тасаввурлар ва эътиқотлар негизида кишиларнинг ижтимоий ҳуқ-атворларини тартибга солади.

Сиёсий онгнинг тартибга солиш функциясига эҳтиёж жамият тараққиёти-нинг кескин бурилиш босқичларида, инқирозли даврларида мислсиз равишда ортади. Айнан сиёсий тизимнинг самарадорлиги, воқеаларнинг ривожланиш йўли, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг йўналтирилганлиги жамият кенг қатламлари-нинг сиёсий онгига, «юқоридагилар»нинг сиёсий кўрсатмаларига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг – социал субъектлар (индивидлар, гуруҳлар, синфлар, ижтимоий бирликлар)нинг ижтимоий ҳаётнинг сиёсий соҳаси ҳақидаги билимлари, тасаввурлари ва баҳолашларининг йиғиндисидан иборатдир. У бир қатор вазифаларини билиш, баҳолаш, йўналтириш, тартибга солиш каби функцияларни бажариш билан жамият ҳаётида муҳим ролр ўйнайди, уни ҳаракатга келтиради, ўзгартиради.

5.2. Сиёсий онгнинг даражалари ва шакллари

Сиёсий онг – бу ғавқулодда мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. У турли-туман даражалар ва шаклларда, аввало, махсус ва оммавий сиёсий онг шаклларида мавжуд бўлади.

Махсус сиёсий онг - бу қоида бўйича, мафкуравий жиҳатдан бир хил бўлган онгдир. Дастлаб у кам сонли кишиларнинг мулки ҳисобланади. Унинг ташувчилари – сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий ташкилотлар ҳамда бирлашмалардир. Улар муайян йўналиш бўйича оммавий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият зарурлигини белгилайди.

Махсус сиёсий онгда бош масала – ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг оддий вакиллари онгига муайян кўрсатмаларни, қоидаларни ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва жорий этишдир.

Оммавий сиёсий онг жамият эҳтиёжларининг даражаси ва мазмунини бевосита ифода этади. У сиёсий воқелик ҳақидаги жамият билимларининг характерини ҳам акс эттиради. Бундай билимлар, бир томондан, турли мафкуралар орқали ишлаб чиқилади ва сиёсий маданиятда мустаҳкамланади. Иккинчи томондан эса ушбу билимлар ижтимоий гуруҳларнинг амалий фаолияти томонидан қўлга киритилади.

Оммавий сиёсий онг аниқ-тарихий ва ўзгарувчан характерга эгадир. У тез-тез кўтарилиш ва пасайиш даврларини ўз бошидан кечиради. Унга кўплаб омиллар: у ёки бу партияларнинг сиёсий йўли ва тактик-стратегик фаолияти, турли ижтимоий алғов-далғовлар, муайян тарихий вазиятнинг мазмуни ва бошқа воқеа, ҳодисалар ўз таъсирни ўтказиб туради.

Махсус сиёсий онг ва оммавий сиёсий онг ўзаро чамбарчас боғлангандир. Реал ҳаётда улар ўртасидаги алоқаларнинг турли вариантлари бўлиши мумкин.

Айрим вақтларда муайян сиёсий партия томонидан назарий ва амалий воз кечилган ва бартараф этилган қоидалар, урф-одатлар жамиятнинг сиёсий онгида узоқ вақтгача асорат сифатида сақланиб қолиши мумкин. Бу ҳолни кўплаб сиёсий арбоблар, донишмандлар таъкидлашган.

Тескари вазият ҳам бўлиши мумкин: оммавий сиёсий онгда у ёки бу сиёсий ҳаракатнинг, қандайдир сиёсий қарорни қабул қилишнинг зарурлиги эътироф этилади, махсус онг эса бунга тайёр эмас. Масалан, бирор мамлакатда кўп партиявийликнинг зарурлиги ҳақидаги ғоя олдиндан ўз тасдиғини топган бўлса ҳам, керак бўлган ташаббус ҳукмрон партия, давлат томонидан анча кечикиб қабул қилиниши мумкин.

Сиёсий онг назарий ҳамда эмперик даража ва шаклларга ажралади:

Назарий сиёсий онг – бу сиёсий характерга эга бўлган турли хилдаги ғоялар, концепциялар, қарашлардир. Унинг белгилари, яхлитлик, системалаш-ганлик, башорат қилишга қобилиятлилик.

Мазкур онг фан ва у ёки бу ижтимоий қатламларнинг қарашлари билан чамбарчас боғлангандир.

Сиёсий назариялар ва тарлимотларда қуйидаги муаммоларни тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилади: а) сиёсатнинг маъно-мазмунли кўринишлари; б) қонуний сиёсий тенденциялар ва жараёнлар; в) уларни келтириб чиқарадиган сабаблар; г) сиёсий позициянинг реал йўли; д) қонунчилик, маъмурий ва суд органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ҳақиқий ва келажакда содир бўладиган оқибатлари.

Назарий сиёсий онгнинг хусусияти – унинг иқтисодий, ҳуқуқий, ҳарбий-стратегик ва бошқа реаллик билан чамбарчас боғлиқлигидир. Сиёсий онгнинг ушбу шакли сиёсий назарияларнинг керакли сиёсий дастурлар, декларациялар ва доктриналар бўлиб шаклланганлиги билан ҳам фарқ қилади.

Амалиётга жорий этиладиган ушбу дастурлар, декларациялар ва доктриналар сиёсий онгни сиёсатнинг етакчи элементи сифатида мустаҳкамлаб қўядилар. Сиёсий муносабатлар ва сиёсий институтлар,

ташкilotлар ва муасса-сalarнинг характери ўз навбатида бу элементга боғлиқдир.

Назарий онг даражаси ва шаклида сиёсатни англаш қуйидаги имконият-ларни яратади:

а) унинг муҳим мақсадлари, ҳам фундаментал (стратегик), ҳам кундалик (тактик) вазифаларни белгилаш ва ҳал этишга;

б) уларга эришишнинг восита ва усуллари аниқлашга;

в) долзарб муаммоларни ҳал қилишда ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъмин этишнинг йўналишлари ва йўллари аниқлаб олишга;

г) сиёсий қарорлар ва мақсадли дастурларнинг бажарилиши устидан социал назоратга концептуал ёндашувларни ишлаб чиқишга;

д) амалий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сиёсатга тузатишлар киритишга имкон беради.

Эмперик сиёсий онг – бу бевосита амалиётда, сиёсий жараёнда алоҳида кишиларнинг, майда ва йирик социал бирликларнинг жонли иштирок этишларига асосланган сиёсий онг даражаси ва шаклидир. У назарий сиёсий онгнинг замини бўлиб хизмат қилади.

Эмперик сиёсий онг – сиёсий воқеликни ҳиссиётлар, тасаввурлар, иллюзиялар, кечинмалар шаклида акс эттиради. У **биринчидан**, оммада сиёсат ва сиёсий арбобларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш учун озуқа бўлиб хизмат қилади. **Иккинчидан**, жамият сиёсий маданиятининг маънавий негизи бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий онг ижтимоий сиёсий онг ва оддий (кундалик) онг даража ва шаклларига ҳам эгадир.

Ижтимоий сиёсий онг – бу расмий сиёсат бўлиб ишлаб чиқиладиган, асосланадиган, амалга ошириладиган ва сиёсий муносабатлар тартибга солина-диган сиёсий онг даражасидир. Унинг ташувчилари – давлат институтларидир. Бу институтлар сиёсий муносабатларни турли қонун лойиҳалар, дастурлар, қарорлар, конституция ва уларнинг моддаларига тузатишлар ва бошқаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш орқали амалиётга татбиқ этиш йўли билан тартибга солади.

Сиёсий онг учун сиёсий воқеликни оқилона - прагматик услубда идрок этиш – ҳокимиятни эгаллаш, қўлда ушлаб туриш жараёнида муваффақиятга эришишни мўлжаллаш ҳам характерлидир.

Оддий сиёсий онг – бу ижтимоий қатлам ёки кишилар гуруҳларининг кундалик ҳаётида бевосита пайдо бўладиган ғоялар ва қарашлар йиғиндисидир. У мазмунига кўра кўп жиҳатдан эмперик онгга ўхшашдир. Лекин, оддий онг эмперик онгдан фарқ қилади. У муайян мафкуравий ва назарий элементларга эгадир.

Оддий онгга равшан кўзга ташланадиган ижтимоий-руҳий белгилар – зиддиятчилик, ўзгарувчанлик, тизимга кирмаганлик, ҳиссиёт, кайфият, эҳтирослар хосдир. Бу унга ўзига хос динамиклик (тез ўзгарувчанлик) сиёсий вазиятнинг ўзгаришини аниқ ҳис этишни бахшида этади.

Сиёсий онгнинг оддий даражаси рационаллик, эмоционаллик, ҳаёт тажриба ва анъана, дақиқалик кайфият ва беқарор стереотипларнинг ўзаро

боғлиқлиги билан фарқланади. Шунинг учун ҳам у беқарор, ҳиссиёт ва бевосита тажрибанинг ўзгаришига боғлиқ тебранишларга маҳкум.

Шундай қилиб, сиёсий онг фавқулодда мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. У нафақат сиёсий воқеликни акс эттиради, балки уни яратади, ўзгартиради.

5.3. Сиёсий онг шаклланишининг асосий омиллари ва сиёсий тарбия.

Сиёсий онг инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бундай шарт-шароитлар мавжуд бўлмас экан, инсонда сиёсий онг шаклланмайди. У сиёсатнинг объектлигича қолаверади. Сиёсий онгнинг шаклланиши – мураккаб жараёндир. Бу жараён аввало, ижтимоий-сиёсий тартиботнинг мавжудлигига боғлиқдир. Жамиятда бундай муносабатлар мавжуд бўлмаса, мустаҳкамланиб боришмас, инсонда сиёсий онг шаклланмайди. Агар жамиятда авторитар, маъмурий-буйруқбозлик сиёсий тизими ҳукмрон бўлса, у инсон сиёсий онгининг шаклланишига имкон бермайди. Аксинча, бу тизим инсонни қулликка маҳкум этади, уни ҳокимиятдан бегоналаштиради, биқиқлик, бефарқликни туғдиради, бошқарув аппаратларини халқдан узоқлаштиради.

Жамиятда демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги ва унинг мустаҳкамланиб бориши – инсонда сиёсий онг шаклланишининг ҳал қилувчи шартидир. Бундай сиёсий тизим инсон сиёсий онгги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни рағбатлантиради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон шунчалик сиёсий ҳаётда фаол иштирок этади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятда фақат демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги билан белгиланмайди. У жамият иқтисодиёти тараққиёти халқнинг моддий фаровонлигига ҳам боғлиқ ҳолда шаклланади.

Жамият иқтисодиётининг юқори даражада тараққий этиши фуқаролик жамиятининг билимдон, малакали, касбий тайёргарликка эга бўлган бошқарув кадрлари корпусининг шаклланиши учун зарур база бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг тараққий этиши, халқнинг фаровонликка эришуви – сиёсий онг шаклланишининг асосий шартларидан биридир. Жамият қанчалик иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб борса, идора қилишнинг демократик шаклларига шунчалик шароит яратилади. Халқ қанчалик бой ва бадавлат, фаровон яшаса, у шунчалик демократияни қўллаб-қувватлайди ва ҳимоя қилади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига бевосита боғлиқ. Маънавий қашшоқ, саводсиз бўлган инсон жамият ва халқро сиёсатдан йироқ бўлади. У сиёсий ҳаракатларнинг субъекти эмас, балки объекти бўлиб қолади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаси, инсоннинг маълумотлилиқ даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик сиёсий

билимдон ва сиёсий йўналтирилган бўлади. Энг асосийси, демократик йўл, кўрсатмалар, хатти-ҳаракатларга мойил бўлади. Хусусан, мукаммал таълим инсоннинг сиёсий дунёқарабини кенгайтиради, сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли бўлишга ёрдам беради, экстремистик ғояларга алоқадор бўлишдан сақлайди, сайлов компаниялари даврида унинг одил ва оқилона йўлни танлаш қобилиятини оширади. Юқори маълумотга эга бўлган шахс ҳукуматнинг қарорларини, кўрсатмаларини яхши англайди, сиёсий хабарларни чуқур билади, кенг доирадаги масалалар бўйича ўзининг мустақил фикрига эга бўлади. Инсон қанчалик маълумотли бўлса, унинг сиёсий баҳс-мунозараларда иштирок этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. У ўзини кичик бир мурват эмас, балки ҳукуматга таъсир кўрсатишга қодир инсон, деб ҳисоблайди. Индивид қанчалик маълумотли бўлса, у муайян жамоат ташкилотларининг фаол аъзоси бўлиши, ўзини ўраб турган ижтимоий-сиёсий муҳитга ишонч билдириши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Сиёсий тарбия инсонни маънавий жиҳатдан камол топтиришнинг таркибий қисми бўлиб, уни амалга ошириш ниҳоятда мураккаб жараёндир. Сиёсий тарбия серқирра жараён сифатида инсон фаолиятида ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Меҳнат тарбияси, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, ғоявий ва жисмоний тарбиялар ижтимоий тарбиянинг алоҳида шакллариدير. Ижтимоий тарбиянинг барча шакллари ўзаро боғлиқ ҳолда кечади ва ҳар бир кишига турлича таъсир кўрсатади.

Сиёсий тарбия ижтимоий тарбиянинг барча шакллари билан бир вақтда улар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Сиёсий тарбия инсоннинг ўзи учун ҳам, унинг камол топиши ва ривожланиши учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Сиёсий жиҳатдан яхши тарбияланган киши айрим ҳолларда учраб турадиган сиёсий эҳтиросларга берилиб кетмасдан ўзини тия олади, ҳар хил сиёсий ўйинлар, сиёсий бузғунчиликларга холисона баҳо беради, сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларга босиқлик билан қатнашади.

Давлат ўз ихтиёрида бўлган таълим тизими, оммавий ахборот воситалари ҳамда босма нашрлардан фойдаланиб, жамият аъзоларини сиёсий таъсирига тортишга ҳаракат қилади. Бу омиллар ўз навбатида фуқароларнинг сиёсий тарбиясига у ёки бу даражада таъсир этиб боради.

Сиёсий тарбия – жамият аъзоларида сиёсий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган назарий ва амалиё фаолият бўлиб, унинг ёрдамида сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда бўладиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг моҳияти ва мазмуни жамият аъзолари томонидан у ёки бу даражада англаб етилади ва уларда сиёсатга онгли муносабатда бўлиш қобилиятлари шакллантирилади.

Жамият ўз аъзоларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш билан бирга улар олдига юксак мажбуриятлар ҳам қўяди. Бу масъулият жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан чуқур ҳис этилмоғи керак. Хусусан, раҳбарлик лавозимидаги кишилар учун сиёсий тарбиянинг аҳамиятини ҳис этиш ниҳоятда зарурдир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Раҳбарлик лавозимида кўтарилган кишиларнинг энг буюк,

энг муқаддас вазифаси – уни тарбия қилган, билим берган, юксак мартабага олиб чиққан халқига сидқидилдан хизмат қилиш»дир²².

Сиёсий тарбиянинг усуллари куйидагилардан иборат:

1) ишонтириш; 2) жамият аъзоларига сиёсий таъсир этиш; 3) намуна бўлиш усуллари ва ҳ.к.

Сиёсий тарбиянинг воситалари: радио, телевидение, босма нашрлар, сиёсий адабиётлар, музейлар, сиёсий мавзуларга доир бадиий ва ҳужжатли филмлардир.

Қисқача хулосалар

Сиёсий онг – бу кишиларнинг сиёсий билимлар, тасаввурлар, маслақлар, эътиқотлардан иборат бўлиб, ўзлари яшаб турган сиёсий тузумга баҳо беришлари йиғиндиси.

Сиёсий онг – гуруҳий характерга эга бўлган онгдир. Ҳар бир киши маълум ижтимоий гуруҳ, табаканинг аъзоси, бирорта миллатнинг вакили, бирор давлатнинг фуқароси ҳисобланади. Мана шу мансублик кишилар сиёсий онгининг мазмунини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий онг кишилар томонидан ўзларининг бирон-бир гуруҳига мансуб эканликларини англаш асосида шаклланади. Гуруҳга мансублик эса ўз навбатида кишиларда муайян сиёсий позицияга эгалик ҳиссини туғдиради.

Шундай қилиб, сиёсий онг муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий омиллар, шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бу омиллар ё инсон сиёсий фаолиятининг ривожланишига, унинг сиёсат субъекти сифатидаги потенциал фазилатларининг очилишига ёрдам беради ёки бу жараёнларни қийинлаштиради ва эски сиёсий тизим негизини сақлаб қолади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсий онг қандай функцияларни бажаради?
2. Сиёсий онгнинг гуруҳ, индивидуал характерларини изоҳланг.
3. Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишида қандай манбалар асосий омил бўлиб хизмат қилади?
4. Сиёсий онгнинг функцияларини баён этиб беринг.
5. Эмперик ва ижтимоий сиёсий онг даражаларини қандай тушунасиш?
6. Сиёсий онгнинг шаклланиши қандай жараёнларга боғлиқ бўлади?
7. Бугунги кунда нима учун сиёсий онгнинг шаклланиш жараёнига эътибор берилмоқда?
8. Президент Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деганида нималарни назарда тутган эди?
9. Ислом Каримовнинг «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» («Fidokor», 2000 йил 8 июнр) деганида қандай ғояни илгари сурди?
10. Сиёсий тарбия нима ва унинг усул ҳамда воситалари ҳақида фикр

²² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 216-бет.

юритинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2003, 6-10-бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 125-135-бетлар.
3. Каримов И.А. тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 137-139-бетлар.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мавқураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 146-147-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 380-381-бетлар.
6. Каримов И.А. Хушёрликка даъват (Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар). 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 18-31-бетлар.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 2000, 18-31, 332-333-бетлар.
8. Каримов И.А. миллий истиқлол мавқураси, халқ этикод ива буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 494-495-бетлар.
9. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.
10. Каримов И.А. биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий Дунё Билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиядаги нутқи. «Халқ сўзи» 2003 йил 25 апрель.
11. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қувватимизга ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.
12. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.
13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.
14. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қара шва ёндашувлар Билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
15. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқарии сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.
16. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
17. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар,

- «Академия» нашриёти, 2001.
18. Азизхўжаев А.А. Диний экстримизм- мафкуралар кураши, -Жамият ва бошқарув. № 3, 1998.
 19. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.
 20. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида, «Ўзбекистон», 2001.
 21. Қосимов Н. Мустақиллик курашлар даври. -Т.: «Ўзбекистон», 1997.
 22. Февраль воқеалари. 1999 йил 16 февраль. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
 23. Отамуратов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Политология (Ўқув қўлланма) Т.: «Ўзбекистон», 1998.
 24. Оғоҳлик. Тўплам. Академия, 1999.
 25. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 62-бет.
 26. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 317-350-бетлар.
 27. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: Тош ДШИ, 2003, 179-184, 234-250-бетлар.
 28. Одилқориев Х.Т., Ғоибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданияти. Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2004, 144-174-бетлар.
 29. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.
 30. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.
 31. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.
 32. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., Султонов Т., Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
 33. Бекмуродов А. Ш. , Алиев Б., Бобоев А ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Тошкент. 2005.
 34. Т. Султонов, А. Ҳайитов. Демократик жамият сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. ТДИУ 2005й.
 35. Б. Алиев ва б. Парламентаризм тараққиёти бўйича тест саволлари. ТДИУ 2005.

VI - МАВЗУ: СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

6.1. Маданий сиёсат ва унинг ривожланиш хусусиятлари

Сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятнинг маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг таъсирида жамиятнинг маданий ҳаётда рўй берадиган хилма-хил муаммолар ҳал қилинади ва муҳим ўзгаришлар қандай натижаларга олиб келишидан қатъий назар, у маданий сиёсатнинг жамият маънавий ҳаётида намоён бўлишини акс эттиради.

Маданий сиёсат – жамият субъектларининг маънавий ҳаёт соҳасидаги назарий ва амалий фаолияти, улар ҳаракатининг натижалари ва оқибатларидан иборат объектив жараёндр.

Маданий соҳадаги сиёсатни ишлаб чиқиш объектив зарурият ҳисобланади. Маданий сиёсат сиёсатнинг бошқа турлари, кўринишлари ва

шакллари сингари ўзининг аниқ мазмуни, моҳияти ва хусусиятларига эга. Маданий сиёсатнинг мазмунида бўладиган ҳар қандай ўзгариш унинг моҳияти ва хусусиятларида акс этади.

Маданий сиёсат мазмунан кенг қамровли бўлиб, у бир томондан, жамиятнинг маданий ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш билан боғлиқ муаммоларни, иккинчи томондан, сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги ўрни ва ролига доир масалаларни ўзида ифода қилади. Бу масалалар ўзаро боғлиқ ҳолда маданий сиёсатнинг назарий ва амалий асосларини ташкил этади.

Маданиятнинг ички ва ташқи сиёсатда ифодаланиши, сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги вазифаларини ҳал қилишдаги фаолияти, сиёсий бошқариш ва раҳбарликнинг маданий соҳага амал қилиши, маданиятнинг халқаро сиёсий муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Халқаро сиёсий ташкилотларнинг маданий соҳада олиб борадиган фаолиятига доир ва бошқа шуларга ўхшаш сиёсий фаолият ва сиёсий муносабатлар билан боғлиқ хилма-хил масалалар маданий сиёсатнинг мазмунини ташкил этади.

Маданий сиёсатнинг ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Сиёсатнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларига таъсири бир хилда бўлмагани каби маданий соҳага қиладиган таъсирида ҳам ўзига хослик мавжуд бўлади. Бундай ўзига хослик маданиятнинг жамият ҳаётида алоҳида хусусиятга эга эканлигидан келиб чиқади.

Маданий сиёсатнинг алоҳида хусусиятлари, бир томондан, жамиятнинг маданий жиҳатдан ривожланганлик даражасига, иккинчи томондан, сиёсат субъектларининг миллий маданиятга бўлган муносабатлари билан белгиланади. Маданий жиҳатдан ривожланиш даражаси қолоқ бўлган мамлакатларда эса, маданий сиёсатнинг амалга оширилиши анча қийин кечади.

Маданий сиёсатнинг моҳияти, унинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Унда жамият аъзоларининг иродаси ва мамлакатнинг маданий истиқболи етакчи ўринни эгалайди.

Ўтмишда айрим даврларда маданий соҳада олиб борилган сиёсатда ноҳуш ва зиддиятли вазиятлар ҳам бўлган, ҳатто баъзи даврларда маданият бутунлай таназзулга юз тутган, ношуд ҳукмдорлар ва давлат бошлиқлари мамлакатни маданий жиҳатдан ривожлантиришга эътиборсизлик билан қараган ва айрим ҳолларда бунга тўсқинлик ҳам қилишган.

Жамиятнинг маданий соҳаси ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаси бўлганлиги учун ҳам уни ривожлантириш маданий сиёсатнинг йўналишлари орқали амалга оширилади. Сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги фаолияти жамият маданий ҳаётининг барча соҳаларига йўналтирилади. Бу фаолиятнинг маданий соҳадаги ифодаси маданий сиёсатнинг йўналишларида аниқ намоён бўлади.

Маданий сиёсатнинг йўналишлари дунёнинг барча мамлакатлари учун умумий ҳодиса ҳисобланса-да, уларнинг амалий ифодаси ҳар бир мамлакатнинг шарт-шароитларига боғлиқ бўлади. Масалан, миллий-

маънавий кадриятларни тиклаш ҳамма мамлакатларда ҳам маданий сиёсатнинг асосий йўналиши ҳисобланмайди. Маданий сиёсатнинг бундай йўналиши орқали амалга оширилиши мустамлакачиликдан озод бўлган мамлакатларда ёки миллий маънавий кадриятлари топталган кўп миллатли мамлакатларда рўй беради.

Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришган кундан бошлаб, маданий сиёсатнинг асосий йўналиши маънавий соҳада йўл қўйилган ана шу хато сиёсатга барҳам беришга ва унинг ўрнига ўзбек халқининг миллий-маънавий кадриятларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Умуман, маданий сиёсатнинг муҳим йўналишлари қуйидагилардир:

1. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш (Биз бу ҳақда кейинги мавзуларда фикр юритамиз).

2. Фанни ривожлантириш ва унинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш.

3. Адабиёт ва санъатнинг халқчиллигини ошириш, унинг тарбиявий таъсирини кучайтириш.

4. Босма нашрлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ишини ривож-лантириш ва такомиллаштириш ва бошқалар.

1994 йил 23 апрелда Президентнинг Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида», кейинчалик 1996 йил 9 сентябрда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такмомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонлари қабул қилинди. Бу фармоннинг биринчи бандида маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири қилиб белгилаб берилди.

6.2. Сиёсий маданиятнинг моҳияти, тузилиши, даражалари ҳамда модуль ва турлари

Сиёсий маданият ижтимоий воқелик сифатида синфлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Шу билан бирга сиёсий ҳаёт маданияти синфларнинг юзага келишидан аввал қадимги Шарқда, антик Греция ва Римда шаклланган.

Сиёсий маданият одамларнинг хулқ-атвorigа ва турли ташкилотларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади, уларнинг ички ва ташқи ходисаларни идрок этиш, сиёсий тизим ва тартиботларга, ҳукмрон гуруҳ ва алоҳида сиёсий раҳбарлар фаолиятига, шахснинг жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрнига баҳо беришда мезон ҳисобланади. У сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, аниқ сиёсий бошқарув қарорларини қабул қилиш ва рўёбга чиқариш учун кенг истиқбол йўллари очади.

Сиёсий маданият муаммоси мажмуи ўта мураккаб ва кўп қирралидир. Сиёсий маданият масаласида адабиётларда турлича фикрлар мавжуд. Сиёсий маданият маънавий маданиятлар сингари ўзига хос мустақил маданият туридир.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий маданиятга шундай таъриф бериш мумкин: **Сиёсий маданият** мавжуд

ижтимоий бирликка хос бўлган сиёсий онг ва хулқ-атвор мажмуидир. Аммо бундай таъриф сиёсий маданиятнинг мазмунини тўла очиб бера олмайди. Бунинг учун сиёсий маданиятнинг асосий таркибий қисмларига эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Сиёсий маданиятнинг таркибий қисмларига, сиёсий тажриба, сиёсий онг, сиёсий кадриятлар, сиёсий кўрсатма, сиёсий хулқ-атвор, сиёсий белгилар, рамзларни киритиш мумкин. Ўз навбатида мазкур элементларнинг ўзи бир қанча компонентларни қамраб олади.

1. Сиёсий тажриба: а) халқнинг ўзига хос миллий-маънавий кадриятлари; б) менталитети; в) тарихий хотираси ва анъаналари; г) миллий давлатчилиқни амалга ошириш тажрибаси, ўз миллий кадриятларидан келиб чиқувчи сиёсий мўлжаллари.

2. Сиёсий онг: а) мафкуравий, ғоявий компонент; б) эмоционал-психологик компонентлардан иборат.

Сиёсий онг элементи жамиятда ҳукмрон бўлган ёки бирорта ижтимоий гуруҳга хос бўлган, жамият сиёсий ҳаётининг турли жиҳатларига сингиб кетган қарашлар ҳисобланади. (Масалан, сиёсий тартибот, қарорларни қабул қилиш, сиёсий ҳаётдаги билимдонлик).

3. Сиёсий кадриятларнинг мазмуни сиёсий воқеликдаги шахс, гуруҳ, жамият кадриятлари тузилмаси билан чамбарчас боғлиқ.

4. Сиёсий кўрсатма – субъектнинг сиёсий воқеликка муносабатларидир. Бу сиёсий билимни қабул қилишга интилиш, сиёсий фаолиятга бўлган фаол ва суст эътибор, сиёсий фаолиятнинг турли жиҳатларига бўлган муносабат.

5. Сиёсий хулқ-атворни шакллантиришда сиёсий анъаналар муҳим ролр ўйнайди. Анъаналарда жамият мақсадлари ва манфаатларига жавоб берадиган ўтмиш сиёсий тажрибалари жамланган бўлади. **Сиёсий хулқ-атвор:** а) сиёсий вазият, жараёндаги хатти-ҳаракат, фаолият йўналиши; б) ижтимоий-сиёсат фаолият услубининг намуналари, турлари, хусусиятлари.

6. Сиёсий белгилар, рамзлар (символ) ўзида жўшқинликни акс эттирган ҳолда, кишини ўзига жалб этиш хусусиятига эга бўлади. (Масалан, Тейлор сиёсий белгилардан усталик билан фойдаланган, Англияда муҳим сиёсий белги монархия ва ҳ.к.).

Юқорида баён қилинган фикрларга асосланган ҳолда, сиёсий маданиятнинг кенг маънодаги таърифини келтириш мумкин. **Сиёсий маданият** ўз мазмуни ва моҳиятига кўра одамлар ҳаёт фаолиятининг синфий, ижтимоий ҳосиласи, уларнинг сиёсий бунёдкорлиги, фаолияти ҳисобланиб, синфлар, қатламлар, миллий тузилмалар, гуруҳлар ва бирликлар томонидан ўзлаштириш жараёнини акс эттиради.

Сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётида бир қанча муҳим **вазифаларни** бажаради. **Биринчидан**, сиёсий маданият жамиятда миллий манфаатларни рўёбга чиқаришни сиёсий жиҳатдан таъминлашда муҳим ролр ўйнайди. Бу вазифанинг мазмуни ижтимоий-сиёсий формациянинг ривожланиши, жамият тараққиёти даражасига қараб ўзгаради. **Иккинчидан**, сиёсий маданият синфлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ва миллий

тузилмалар манфаатлари йўлида сиёсий муносабатларнинг қайта ўзгариши ва қайта ўзлаштириш вазифасини бажаради. Бу вазифани амалда татбиқ этиш билимларни ижодий қўллаш, жамият сиёсий ҳаётини, сиёсий фикрлар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқа сиёсий кучларнинг фаолиятини чуқур англаб етиш билан боғлиқ. **Учинчидан**, сиёсий маданият тартибга солувчилик вазифасини ўтайди. Бундай вазифа барқарор сиёсий тизим, сиёсий ташкилотлар бўлимини таъминлайди. Сиёсий маданият жамиятда барқарорликнинг қарор топишига кўмаклашади. **Тўртинчидан**, сиёсий маданият тарбиявий вазифани бажаради. Юксак, мақсадлар, қадриятлар, нормалар асосида шахс сиёсий маданиятини шакллантириш унинг моҳиятини ташкил этади. Бу вазифа сиёсий фаолликни, фуқаролик маъсулиятини тарбиялайди, ижтимоий-сиёсий фаолият кўникмаларини шакллантиради. **Бешинчидан**, сиёсий маданият алоқа вазифасини амалга оширади. Бунда, у фуқаронинг сиёсий тизим ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан алоқаси шакли сифатида намоён бўлади. Бу вазифани амалга оширишда таълим, тарбия тизими, оммавий ахборот воситалари, маданий-оқартув муассасалари, адабиёт ва санъат муҳим ролр ўйнайди. **Олтинчидан**, сиёсий маданият олдиндан айтиб беришлик вазифасини бажаради.

Сиёсий маданиятга хос талабларга қуйидагилар киради:

- 1) Жамиятдаги воқеа, ҳодисаларга босиқлик билан муносабатда бўлиш.
- 2) Воқеа-ҳодисаларнинг сабабларини тўғри таҳлил қилиш.
- 3) Воқеа-ҳодисаларга нисбатдан объектив ва адолатли муносабатда бўлиш.
- 4) Шахсий фикрни давлат, бошқа сиёсий ташкилотлар фикридан устун қўймаслик.
- 5) Давлат сиёсати, давлат тили, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзига ҳурмат билан қараш.

Сиёсий маданият юқори онглилик, маънавий бойлик маҳсулидир. Сиёсий онг қанчалик юқори бўлса, сиёсий маданият даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Сиёсий маданият элементлари:

Сиёсий ҳиссиёт, кўникмалар, билимлар, қарашларнинг мазмуни, характери, системаси ва даражасида кўринади.

Сиёсий хулқ-атвор ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда катнашувида билинади.

Сиёсий анъаналар, одатлар, нормалар, сиёсий ҳаётнинг бир хил типи ва кўрсатмаларида мавжуд бўлади.

Сиёсий муносабатлар, сиёсий ҳаётнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг актив қисмидир. Аслида ижтимоий онгнинг 3 тури мавжуд:

- А) ижтимоий онгнинг паст савияси типи;
- Б) сиёсий фаолиятда иштирок этмайдиган типи;
- В) ижтимоий табақаларни белгилаш, сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок этади.

Сиёсий маданият синфий жамият ташкил топгандан кейингина шакллана бошлайди. Сиёсий маданият аслида узоқ ўтмишдан тортиб то ҳозирги кунгача инсоният тараққиёти натижасида жамланган оламшумул тарихий тажрибанинг моҳияти, мағзи, жавҳаридир.

«Агар иқтисодий ўсиш жамиятимиз танаси бўлса, маънавият – маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва қонидир», деган эди Президентимиз Ислон Каримов.

Сиёсий маданиятнинг 2 типи мавжуд:

А) Анъанавий сиёсий маданият (диний жиҳатдан асосланган) ёки ёпиқ маданият типи ҳам дейилади.

Б) Юқори табақа сиёсий маданияти, ёки очик маданият типи. Бу ўзгарувчан – прогматик бўлади.

Ҳозирги замон политологлари сиёсий маданиятнинг 3 та даражаси борлигини баён этганлар. Булар: 1. Тафаккур қилиш, англаш даражаси. 2. Фуқаролик даражаси. 3. Сиёсий даража.

Сиёсий маданиятнинг қуйидаги моделлари мавжуд:

1. «Тоталитар-авторитар» модели.
2. «Либерал-демократик» модели.
3. «Шарқона сиёсий маданият модели.

Сиёсий маданият турлари, кўриниш ва шакллари:

1. Ибтидоий: (бошланғич) тури – ибтидоий жамоадан қулдорчилик тузумига ўтиш даврида шаклланган. Ҳозирги сиёсий маданият унинг асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Инсон табиат олдида ожизроқ эди. Шу сабаб улар тўда, гуруҳ, табақа, элат, миллат, жамият бирикмаларида уюшиб яшади, бу сиёсий ҳаёт ҳозир ҳам бор.

2. Фуқаролик тури – энг кенг тарқалган, ҳар бир ижтимоий сиёсий тузум доирасида амал қилинадиган асосий тур бўлиб, расмий сиёсий муносабатлар жараёнларини қамраб олади. Фуқаролик сиёсий маданияти умумжамият ва умуминсоний сиёсий маданиятнинг таркибий қисмидир. Шахс билан гуруҳ манфаатлари, эзулик билан худбинлик ва ҳ.к.

3. Фаоллик тури. Фаол сиёсий маданиятнинг туб моҳияти жамият истиқболини олдиндан идрок этиб, уни илмий-методологик таҳлил қила билишдир. Келажак сиёсий ҳаёт йўналишларини оқилона ҳисобга олган ҳолда, содир бўлаётган сиёсий жараёнлар оқимини объектив ва чуқур илмий назарий таҳлил қилиш асосида ривожлантириш билан бирга истиқбол мақсадларини аниқ ифодалаш юксак даражада амал қиладиган сиёсий маданиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. (Бирор сиёсий партияга аъзо бўлиши билан ҳам характерланади, сиёсий мафқураси, сиёсий руҳий ҳолати ва ҳ.к.).

4. Гуруҳий шакли. Гуруҳий сиёсий маданият бир ижтимоий гуруҳнинг туб мақсад-манфаатлари, талаб-эҳтиёжларининг аниқ ифодаси сифатида намоён бўлади. Сиёсий партиялар ва ижтимоий-жамоат ташкилотлари сиёсий хатти- ҳаракатларининг мазмуни, кўлами, даражаси билан ҳам белгиланади.

5. Оммавий шакли. Сиёсий маданиятнинг оммавий шакли гуруҳий сиёсий маданиятнинг намоён бўлишига нисбатан камроқ, олдиндан режалаштирилмаган ҳолда жамият сиёсий ҳаётининг кескин паллаларида намоён бўлади. Сиёсий фаолият кескин ўзгарган пайтларда, масалан, нарх-наво оширилиши, сиёсий арбобларнинг қувғин қилиниши туфайли омма норозиликларида оммавий сиёсий маданият амал қилишига олиб келиши мумкин.

6. Алоҳида – якка кўриниши. Сиёсий маданиятнинг якка шаклда намоён бўлиши у ёки бу жамият муайян сиёсий мақом ва мавқега эга бўлган айрим шахслар фаолиятларида ўз ифодасини топади. Ҳар бир шахс ўзининг қайси сиёсий партия сафига кириб ёки унинг амалий дастурига қўшилиб, жамият сиёсий ҳаётида қандай тарзда қатнашиш мумкинлиги имкониятларини, усул ва воситаларини аввало ўзи белгилайди ҳамда ўзи танлайди. Бунда унинг сиёсий онги даражаси, сиёсий мафкурасининг мақсад-йўналишлари ўз ифодасини топади.

7. Демократик сиёсий маданият тури.

8. Авторитар сиёсий маданият тури.

9. Тоталитар сиёсий маданият тури.

Ўзбекистонда мустақиллик даврида сиёсий маданият (аниқроғи шахснинг, раҳбарнинг сиёсий маданияти) масалаларига сезиларли даражада эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президент Ислом Каримов асарларида ишлаб чиқилган назарий қоидалар ва аниқ кўрсатмалар асосида шахснинг, раҳбарнинг сиёсий маданиятини янада оширишга катта аҳамият берилмоқда. Бу кўрсатмаларни Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд, Навоий, Тошкент ва бошқа вилоят Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида қилган маърузаларида ҳам аниқ кўришимиз мумкин. Шу билан бирга ҳозирги кунда ёшларнинг, айниқса, талаба-ёшларнинг ҳам сиёсий маданиятини оширишга катта эътибор берилмоқда. 1999 йил 16 февралр Тошкентда, 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШдаги террористик хуружлардан кейинги вазият ёшлар маънавиятини, уларнинг сиёсий онгли ва дунёқарашини янада ривожлантиришни кун таритибидаги энг муҳим вазифалардан бирига айлантирмоқда.

6.3. Сиёсий мафкура тушунчаси, функция ва асосий йўналишлари

Сиёсий мафкура ҳақидаги масала – сиёсатшунослик фанининг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масала илгаридан кишилар ўртасида эҳтиросли, қизғин, қарама-қарши фикр – мулоҳазалар, баҳслар ва мунозараларга сабаб бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундайлигича қолмоқда. Агар ғоялар тизими тўла шаклланиб, такомилга етса, мафкурага айланади. Бошқача айтганда, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади. Биз мазкур мавзуда ана шу масаланинг мазмун-моҳияти ва асосий кўринишлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

1. Хўш, сиёсий мафкура нима? У қандай вазифаларни бажаради?

Сиёсий мафкура – сиёсий фаннинг энг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади²³. Бу ҳақда адабиётларда хилма-хил қарашлар мавжуд. «Мафкура» атамаси юнонча идея ва логос сўзларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, ғоялар ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Бу атама, илк бор 1797 йилдаги француз инқилоби даврида Дестут де Тресси томонидан илмий муомалага киритилган.

Қисқача қилиб айтганда, сиёсий мафкура – бу муайян ижтимоий гуруҳнинг ҳокимиятга интилишини ёки ундан фойдаланишини асословчи ва сиёсий ҳаракатнинг у ёки бу стратегиясини кўзда тутувчи ғоявий тизимдир.

Сиёсий мафкура ижтимоий ҳаётда муайян функцияларни бажаради. Улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Мўлжаллаш функцияси. Бу функция шундай ифодаланадики, мафкура жамият, ижтимоий раванг, шахс, ҳокимият ҳақидаги фундаментал тасаввурларни ўзига қамраб олиб, у инсон фаолиятининг маъно-мазмун тизими ва мўлжалини кўрсатиб беради.

2) Сафарбар этиш функцияси. Фозил жамият идеалини таклиф қила туриб, сиёсий мафкура сиёсий фаолиятнинг бевосита мотиви сифатида чиқади ва уни амалга ошириш учун жамият ҳамда ижтимоий гуруҳларни сафарбар қилади.

3) Бирлаштириш функцияси. Таклиф этилаётган дунёнинг фундаментал картинаси чегарасида сиёсий ҳаракатга маъно-мазмун бера туриб, сиёсий мафкура унга шундай аҳамият берадики, у ўз миқёси билан ҳар қандай индивидуал ёки гуруҳий манфаатдан устун туради. Сиёсий мафкура хусусий манфаатларга қарши туради ва шу билан бирлаштирувчи омил бўлиб юзага чиқади.

4) Амортизациялаш функцияси. Сиёсий мафкура жамият, гуруҳлар, индивид эҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг реал имкониятлари ўртасида номунофиқлик вужудга келган вазиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга хизмат қилади.

5) Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этиш ва химоялаш функцияси. Бунинг маъноси шўқи, сиёсий мафкура у ёки бу ижтимоий гуруҳ манфаатлари асосида вужудга келади ва уларни бошқа гуруҳлар манфаатларига қарама-қарши қўйишга даъват этади.

Сиёсий мафкуранинг амал қилиш даражалари бир хил эмас. У **назарий-концептуал, дастурий-директивалик ва хулқ-атворлик даражалари**да амал қилади. **Назарий-концептуал даража**да у ёки бу синф, ижтимоий қатлам, миллат, давлатнинг манфаатлари ва идеалларини очиқ берувчи асосий қоидалар қарор топтирилади; **дастурий-директивалик даража**да ижтимоий - фалсафий принцип-лар ва идеаллар сиёсий элитанинг аниқ дастурлари, шиорлари ва талабларига айлантирилади ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш, омманинг сиёсий хулқ-атворини рағбатлантириш учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилади. Мафкура амал қилишининг ушбу даражаси «сиёсатнинг яратувчи элементи» деб талқин этилади.

²³ Қаранг: Политология. Маърузалар матни. Т.: ЎЖАБНТ, 2000, 150–162-бетлар.

Хулқ-атворлик даражада мазкур мафкура мақсадлари ва принциплари фуқаролар томонидан ўзлаштирилади ҳамда унинг жамият сиёсий ҳаётида иштирок этиши у ёки бу шаклларида ўз ифодасини топади. Бунда мафкура кишиларнинг хатти-ҳаракатига айланиб, уларни жипслаштиради, бирлаштиради, муайян йўлга йўналтиради, сафарбар этади.

6.4. Сиёсий мафкураларнинг асосий кўринишлари

Сиёсий мафкура замон ва макондан ташқарида бўлган мавҳум руҳий ҳодиса эмас. У муайян тарихий шароит билан боғлиқ – аниқ ижтимоий мазмунга эга бўлган маънавий ҳодисадир.

Ҳар бир тарихий давр ўзига хос ва мос мафкуравий оқимларни илгари суради. Бундан ҳозирги замон ҳам мустасно эмас. У ҳам кўплаб мафкуравий оқимларни юзага келтиради. Биз қуйида ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимларини: либерализм, консерватизм, социал-демократия ва бошқаларни кўриб чиқамиз.

1. Либерализм. Ҳозирги замоннинг энг йирик ва кўп тарқалган мафкуравий оқимларидан бири – **либерализмдир**. Бу атама лотинча «либералис» сўзидан олинган бўлиб «эркин» деган маънони англатади.

Либерализм XVII-XVIII асрларда маърифатпарварлик ғоялари негизида тарих саҳнасига чиқиб келаётган буржуазия синфининг мафкураси сифатида шаклланди. Бу мафкуранинг асосий қоидалари Ж.Локк, Т.Гоббс, Ш.Монтескье, А.Смит, Т.Жефферсон, Д.Миллр ва бошқаларнинг асарларида асосланиб берилди.

Либерализмнинг пойдеворини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий қадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъуллиги, барча кишиларнинг ўзини ўзи рўёбга чиқариш ҳуқуқини тан олишлиги каби принциплар ташкил этади. Бу мафкура парламент тузумининг, муҳим сиёсий муаммоларни ҳал этишда муросаю-мадора, келишувнинг тарафдоридир. У давлатнинг ўсиб кетган иқтисодий ва социал функцияларига салбий муносабатдадир.

Эркинлик принципи либерализм тарафдорлари томонидан давлат чеклашларидан эркин бўлишлик сифатида талқин этилади. Бу ғояни англиялик мутафаккирлар Ж.Локк ва Д.Миллр яхши ифода этадилар. Жумладан, Д.Миллр бу ғояни қуйидагича изоҳлайди: «Инсон ўзига нима кераклигини ҳар қандай ҳукуматдан кўра ўзи яхши билади».

Либерализм тарафдорлари эркинлик учун кураш инсоннинг иқтисодий, жисмоний ва интеллектуал эркинлиги йўлидаги барча тўсиқ, чеклашларни тугатиш учун курашни англатади.

Либерализм мафкураси учун шахснинг эркин ривожланиши ва ўзини ўзи тасдиқлаш ғояси характерли бўлибгина қолмай, балки эркинликнинг бозор талқини хусусий тадбиркорлик эркинлиги сифатида характерлаш хосдир. Бу мафкура эркинлик ва хусусий мулкнинг ўхшашлигига асосланади. Унда хусусий мулк инсон эркинлигининг кафолати ва ўлчови сифатида қаралади. Иқтисодий эркинликдан сиёсий ва фуқаролик эркинлиги келиб чиқади.

Иқтисодий назарияда либерализм тадбиркорлик, бозор ва рақобат эркинлигини тарғибот ва ташвиқот қилади. Шу билан бирга бу мафкуранинг тарафдорлари шахсни бозор тизимида амал қилишнинг салбий оқибатларидан сақлашни – ҳукуматнинг вазифаси деб биладилар.

2. Неолиберализм. Мафкуранинг ҳар қандай кўриниши ўзгармасдан қола олмаслиги каби либерализм ҳам ўзгармасдан қолмади. У ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таъсири остида XX асрнинг 30-йилларида **неолиберализмга** ўсиб ўтди. Бу янги мафкуравий оқимнинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар АҚШ Президенти Франклин Рузвелтнинг «Янги йўл»и билан боғлайдилар. Рузвелрт либерализм мафкурасига асосланган сиёсатга қатор муҳим тузатишлар киритди. Бу тузатишлар давлатнинг иқтисодий ва социал ролини қайтадан кўриб чиқиш билан боғлиқдир. Неолибераллар давлатнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солиш, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш зарурлигини тан оладилар. Неолибераллар сиёсий дастурининг негизини бошқарувчи ва бошқарилаётган-ларнинг ўзаро келишуви, сиёсий жараёнда омманинг иштирок этиши зарурлиги, сиёсий қарорларни қабул қилиш амалиётини демократиялаштириш ташкил этади.

Либерализм ғарб демократиясининг ғоявий асосидир. Бу мафкура байроғи остида АҚШда «оқилона давлат», «Ялпи фаровонлик давлати» деб аталадиган моделр яратилган. Бугунги кунда неолиберализм АҚШ Демократик партияси ва бошқа демократик мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятининг ғоявий-назарий негизи бўлиб қолмоқда.

3. Консерватизм. Ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимларидан яна бири - **консерватизмдир**. Бу атама латинча «консерваре» сўзидан келиб чиққан бўлиб, у сақлаш, қўриқлаш деган маънони англатади. Консерватизмнинг асосий қоидаларини XVIII асрда англиялик мутафаккир ва сиёсатчи Э. Берк, Франциянинг жамоат арбоблари Ж.де Местр ва Л. де Боналдлар томонидан асослаб берилди. Бу қоидаларнинг негизида табиий равишда қарор топган нарсалар тартибининг бузилмаслиги, оила, миллат, дин, табақавий бўлиниши билан боғлиқ бўлган анъанавий қадриятларни сақлаб қолиш ғояси ётади. Ана шундан келиб чиқиб, консерваторлар ижтимоий тараққиётда янгиликларга нисбатан ворислик устуворлигини ёқлаб чиқадиладар. Уларнинг фикрича, сиёсий принципларни урф-одатларга, миллий анъаналарга, қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий институтларга мослаштириш лозим. Уларда зинапоя тарзидаги ижтимоий тузилишнинг юқоридан ўрнатилганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ ва шунинг учун уни инсон томонидан ўзбошимчалик билан ўзгартириб бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, тенглик принципи инсон табиатига зид келади ва уни жамият тузилишининг негизига қўйиб бўлмайди. Консерваторлар ҳар доим эгалитаризм билан боғлиқ бўлган «ҳаддан ташқари демократизм»га қарши чиқадиладар.

Тарихий тараққиёт натижасида консерватизм ҳам либерализм сингари муҳим ўзгаришларга юз тутди. У буржуа муносабатлари қарор топиши билан йирик капитал манфаатларини ҳимоя қилувчи ғояга айланди. Консерваторлар

хам либераллар сингари бозорда рақобат эркинлиги таъминланиши, иқтисодиётга давлат аралашишини чеклашни талаб қилдилар.

4. Неоконсерватизм. XX асрнинг 70-йилларида консерватизмнинг тарихида янги фаза – неоконсерватизм (Д.Белл, З.Бжезински, Н.Подгорец, Н.Кристолл, А.Хайек)дан бошланади. Бу янги оқимнинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар АҚШда Роналрд Рейган бошчилигида республикачилар, Буюк Британияда Маргарет Тэтчер бошчилигида консерваторлар, ГФРда Гелрмут Колр бошчилигида ХДХ-ХСС блокининг ҳокимиятга келиши билан боғлайдилар.

Неоконсерватизмнинг қарор топиши тасодифий эмас. У неолиберализм ва социализмга қарши туриш мақсадида шаклланди. Неолиберализм давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашиши зарурлигини тан олади ва давлат ижтимоий дастурларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди. Неоконсерватизм эса давлатнинг иқтисодиётга аралашишини чеклашни талаб қилади.

Антиэтатизм, давлатнинг ижтимоий вазифаларини чеклаш – неоконсерватизм ғоявий-сиёсий кўрсатмаларини белгиловчи аломатидир. Неоконсерваторлар қарашларига кўра «энг яхши ҳукумат шўқи, у камроқ бошқаради».

Неоконсерваторлар аҳолининг кам таъминланган қатламлари фойдасига ресурсларни қайта тақсимлаш мақсадида йирик капиталга солинаётган солиқларга қарши чиқадиладар. Улар тенг тақсимлашнинг ашаддий душмани сифатида давлатнинг ижтимоий дастурларини қисқартиришни талаб этадилар. Неокон-серваторларнинг фикрича, ҳозирги давлат кишилар учун натижалар тенглигини эмас, балки имкониятлар тенглигини яратиб бериши зарур. Давлатнинг «соғиладиган сигир»га айланиши инсонни бузади, ишдан чиқаради, ҳар бир киши ўз фаолиятида давлатга эмас, балки ўзининг кучига, яқинлари ва фуқароларига таяниши зарур.

Шундай қилиб, консерватизм мафкурасида оила, дин, ахлоқ айрим ижтимоий гуруҳларнинг имтиёзли ўрни ҳақидаги эски даврнинг қадриятлари, янги буржуа муносабатлари даврининг қадриятлари – индивидуализм, бозор эркинлиги билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу мафкура либерализм билан қарама-қарши туриб ғарб мамлакатларининг оммавий онгига катта таъсир ўтказади.

5. Социал-демократия. Ҳозирги замоннинг энг таъсирли мафкуравий оқимларидан бири – социал-демократиядир. Бу мафкура марказда турувчи кучларнинг сиёсий доктринаси ҳисобланади.

Социал-демократия мафкураси XIX асрнинг охирида немис мутафаккирлари ва жамоат арбоблари К.Каутский ва Э.Бернштейн томонидан асослаб берилди. Бу мафкурага биноан янги жамиятга инқилобий йўл билан эмас, балки тинч, эволюцион йўл билан – буржуа жамиятини аста-секин ислоҳ қилиш орқали ўтилади. Социал-демократлар бу кўрсатмаларни амалга оширишни давлатни йўқсиллар фойдасига қайта тақсимлаш, иқтисодиётнинг

давлат секторини ва кўплаб давлат ижтимоий дастурларини ривожлантириш билан боғлайдилар.

Жаҳонда социал-демократия мафкураси негизида турли-туман «социализм моделлари» шаклланди. Булар ичида швед ва герман модели энг обрў қозонди. Германия ва Швецияда социал-демократик партиялар бошқаруви даврида ҳаётнинг юқори даражаси ва сифатига эришилди.

Аммо, XIX аср 80-йилларнинг охирида бу мамлакатларнинг иқтисодиётига давлат монополияси ва бюрократизм, хусусий тадбиркорлик учун рағбат-лантиришнинг пасайиши билан боғлиқ бўлган негатив тенденциялар кучайди. Бу тенденциялар ушбу мамлакатларнинг тараққиёт суръатларини пасайтиришга олиб келди. Натижада, социал-демократлар кўпчилик сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланмади ва ҳокимиятни консерватив мафкура вакилларига беришга мажбур бўлдилар. XIX 90-йилларнинг охирига келиб социал-демократлар сайловларда ғалаба қозониб яна ҳокимиятни консерваторлардан қайтариб олдилар.

Социал-демократия - ҳозирги замоннинг энг таъсирли мафкураларидан бири ҳисобланади. У ижтимоий ислохотларни амалга ошириш йўли билан жамиятни ривожлантиришни ва халқнинг фаровонлигига эришишни кўзда тутди.

6. Миллий мафкуралар. Ҳозирги замоннинг мафкуралари қаторида **миллий мафкуралар** муҳим ўринни эгаллайди. Улар келиб чиқиши ва мазмун-моҳиятига кўра бошқа мафкуралардан фарқ қилади.

Биринчидан, миллий мафкуралар дунё мустамлакачилик системасининг емирилиши, ёш мустақил миллий давлатларнинг ташкил топиши ва уларни қарамлик доирасидан чиқариш, ривожлантириш зарурияти билан майдонга келди. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ғарбий Европа миллий мафкураларнинг гуркираб ривожланишини ўз бошидан кечирган эди. Ҳозирги кунга келиб бу тенденциялар собиқ СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ўрнида ташкил топган республикаларда юз бермоқда.

Иккинчидан, миллий мафкуралар фақат айрим ижтимоий, ирқий, этник гуруҳ, халқ манфаатинигина эмас, балки мустақиллик учун, миллий ҳаётни ривожлантириш учун кураш олиб бораётган халқларнинг дунёда тутган ўрни, турмуш тарзи, орзу-умидлари, интилишлари ва манфаатларини акс эттиради.

Учинчидан, миллий мафкуралар у ёки бу халқлар қарамлигининг объектив сабабларини, уларни бартараф этиш ва ҳақиқий мустақилликка эришиш йўллари очиқ беради.

Тўртинчидан, миллий мафкуралар ёш, мустақил давлатлар халқларининг ўзлигини англашга, қарамлик доирасидан чиқишга, уларнинг чинакамига эркин бўлишига, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини топишга ёрдам беради.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва бошқа асрларида асослаб берилган концепцияда ўз ечимини топди.

Мазкур концепцияда Президент миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқишга жуда катта ҳисса қўшди, уни янги, фундаментал-назарий қоидалар, ҳулосалар билан бойитди.

Президент Ислом Каримов мафкурага шундай таъриф беради: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва минталитетига асосланган, айнаи вақтда шу халқ, шу мамлакатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»²⁴. Шу боисдан ҳам миллий мафкура ҳар қандай халқни – халқ, миллатни – миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Ислом Каримов томонидан асослаб берилган демократик жамият қуриш концепциясининг асосий қоидаларига қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистонда демократик жамият қуриш – энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги; бу вазифани амалга оширмай туриб ундаги танг ҳолатни бартараф этиш, якка ҳокимлик тизимининг иллатларини тугатиш ва ривожланган мамлакатлар даражасига чиқиб олишнинг мумкин эмаслиги;

2) Ўзбекистонда демократик жамият қуриш – ғоят мураккаб ва кўп қиррали комплекс вазифа эканлиги; бу вазифа жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни ва янгилашни талаб қилиши;

3) сиёсий соҳани ислоҳ қилиш ва янгилаш – Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг асосий соҳаларидан бири эканлиги; бу соҳани ислоҳ қилмай ва янгиламай туриб мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий муаммоларни ҳал этиб бўлмаслиги;

4) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш иқтисодий соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш билан боғлиқлиги; бу соҳада давлат мулкисининг хилма-хиллигига эришиш; фақат бозор муносабатларигина жамият ва инсоннинг реал ривожланишига олиб бориши мумкинлиги;

5) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш анъанавий ва маданий соҳани ҳам тубдан ислоҳ қилишни талаб қилиши; бу соҳада бир мафкура якка ҳокимлигидан қатъиян воз кечиш ва фикрларнинг эркинлиги, хилма-хиллигига эришиш;

6) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш – «инқилобий сакраш»-ларсиз, эволюцион, яъни ислохотлар йўли билан босқичма-босқич амалга ошириладиган вазифа эканлиги; уни инқилобий йўл билан амалга оширишга уриниш оғир оқибатларга олиб келиши;

7) Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш – тарихий аҳамиятга молик вазифа эканлиги; бу вазифанинг амалга оширилиши натижасида Республиканинг танг ҳолатдан чиқиши ва Ўзбекистон халқига муносиб бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётнинг барпо этилиши.

Бу қоидалар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар сиёсатининг ғоявий-мафкуравий негизини ташкил этади.

²⁴ Каримов И.А. Биз келажагимизни ҳз ўхлимиз билан ўурамиз. Т.7 – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 89-бет.

7. Экологик-сиёсий мафкуралар. Экологик-сиёсий мафкуралар урушдан кейинги йилларда вужудга келди ва XX аср 70–80-йилларда кенг ривож топди. Бунга ривожланган мамлакатлардаги оғир экологик вазият сабаб бўлди.

Экологик-сиёсий мафкуралар инсон яшайдиган атроф-муҳитни ҳимоя қилиш учун ҳукумат ва қонун чиқарувчи органларига таъсир кўрсатиш орқали экологияни яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ҳозирги вақтда бу оқимлар кўплаб мамлакатларнинг парламентлари ва ҳукуматларида ўз вакилларига эга.

8. Диний сиёсий мафкуралар. Диний-сиёсий мафкуралар диний ақидаларга таянади. Уларнинг бош мақсади нафақат ҳокимиятга таъсир кўрсатиш, балки ўзларининг ҳокимиятини ўрнатишдан иборатдир. Бунга айрим мамлакатларда, хусусан Яқин Шарқ ва Осиёда (Эрон, Покистон, Афғонистон, Саудия Арабистони) ва бошқа мамлакатлар мисолида кўриш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги замоннинг мафкуравий оқимлари ранг-барангдир. Улар хилма-хил ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этади ва жамиятни тараққий эттиришнинг турли-туман йўлларини илгари суради.

6.5. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари

XXI аср бўсағасига келиб дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгарди, икки қутбли дунё барҳам топди, нисбий мувозанат бузилди. Дунёдаги икки қутбнинг бири бўлган собиқ социалистик лагер тарқалиб кетди. Унинг энг катта ва тоталитар тузум ҳукмрон бўлган асосий давлати – собиқ Иттифоқ ўтмишга айланди. Бу давлатнинг ўрнида мустақил мамлакатлар юзага келди. Мустабид мафкура ғояларидан халос бўлган халқлар ўз миллий давлатчилиқ анъаналарини тиклади.

Демак, дунёнинг сиёсий, иқтисодий, маданий қиёфаси бўлгани каби, мафкуравий манзараси ҳам мавжуд. **Дунёнинг мафкуравий манзараси деганда одамларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун олиб борилаётган кураш қаерда, қандай кечаётгани, бу йўлда қайси жойда қандай усул ва воситалар қўлланаётганини тушунамиз.** Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасида инсон қалби ва онгига таъсир ўтказувчи турли хил воситалар билан кураш олиб боровчи мафкуравий полигонлар яққол кўзга ташланмоқда. «Мафкуравий полигон» тушунчасини биринчи марта Президентимиз Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида ишлатган.

Мафкуравий полигон деб, одамларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган ғоя ва мафкурани маблағ, замонавий техник воситалар билан кучлантириб, моддий ва маънавий ташвиқот қуролларини ишга солиб, дунёдаги ахборот ва фикр оқимини ўз фойдаси йўлида бошқариб турадиган ғоявий марказга айтилади.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда одамзод маълум бир ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган,

олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий сезиб яшамокда». Шунинг учун ҳам бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли. Чунки, уларнинг таъсирида радио, телевидение, газета-журнал, интернет, умуман ҳамма ахборот тармоқлари орқали кириб келаверади. Улар одамларни уйда ҳам, кўчада ҳам, ишда ҳам тинч қўймаслиги мумкин.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Улар тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир»²⁵. Бу тамойилга асосланган эзгу ғоялар умуминсоний манфаатлар башариятнинг асрий орзуси бўлган ёруғ келажак учун хизмат қилади.

Лекин, минг афсуски, ҳозирги вақтда дунёнинг мафкуравий манзарасида турли воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган тажовузор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, ирқчилик, диний экстремизм каби сиёсий кучлар ва оқимлар ҳам бор. Бундай ғайриинсоний, бузғунчи ғоялар халқлар бошига аёвсиз кулфатлар келтириб, инсониятнинг тинчлиги, осойишталигини бузиб, одамлар бошига турли балолар ёғдирмоқда. Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган биродаркушлик уруши, Балқон минтақасида мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ҳалигача эришилмаётганлиги ана шундай бузғунчи мафкураларнинг таъсири оқибатидир. Шу боисдан ҳам бу бугунги кунда инсон онгинигина эмас, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсадидир. Шунинг учун ҳам Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, мафкуравий полигонга айлантирилмоқда.

Ана шундай шароитда халқнинг барча қатламларига берилаётган билимлар объектив, воқеликни тўлиқ ва тўғри акс эттириши, жамият тараққиётига, Ватан ва халқ манфаатларига, қадриятларни сақлашга хизмат қилиш лозим.

Бунинг учун билимлар чуқур ва объектив бўлиши керак. Уларни тўла эгаллаш туфайлигина мафкуравий тажовузларга муносиб зарба бериш мумкин. Ёт ғояларга қарши курашмоқ учун ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини ўз ичига олади.

Ҳозир дунёдаги қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Инсоният XX аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Уларнинг асосий шакллари ва йўналишлари Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,

²⁵ Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2000, 22-бет.

барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида кўрсатиб берилган.

1. Буюк давлатчилик шовинизми. (Шовинизм фран. буржуа миллатчи-лигининг ўта реакцион формаси) бошқа миллат ва халқларга нафрат ва душманликни авж олдиришга қаратилган. Шовинизм гўё тўлақонли бўлмаган бошқа миллатлар ва ирқлар устидан ҳукмронлик қилишга даъват этилган бир миллатнинг алоҳидалигини («мумтозлигини») тарғиб этади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтакавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Буюк давлатчилик шовинизмининг бугунги кунда бошқача кўринишлари ҳам мавжуд:

1) Пансоветизм – узоқ вақт давомида бир иттифоқ доирасида яшаш натижасида ижтимоий-сиёсий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлақлаштиришга асосланган.

2. Диний ақидапарастлик – сиёсий мақсадлар йўлида мавжуд ижтимоий муаммоларни илк, яъни мазкур дин пайдо бўлган пайтдаги арконлар асосида ҳал этмоқ ниятидаги ҳаракат ва қарашлардан иборат. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб уларнинг ягона ҳалифалик остида сиёсий бирлашуви ғоясини асослашга ҳаракат қилади. Бу идеология диний асосда бирлашув ғоясини биринчи ўринга қўяди. Бу оқим маънавий заминда иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник ҳамкорлик, салоҳият тараққиётга йўл очса, бунинг нимаси ёмон деган «беозор» мафкуравий қарашни илгари суради.

Ислом ақидапарастлиги – замонавий исломда мавжуд 3 йўналишдан бири: бу **диний ақидапарастлик – Ислом фундаментализмидир**. Аслида у демократия ва ошкоралик даврида «соф» исломни тиклаш ҳаракати асосида Марказий Осиё мусулмонлари, кўпинча ёш мусулмонлар орасида пайдо бўлган диний оқимдир. Ислом ақидапарастлиги, яъни ислом фундаментализминининг **асосий ғояси** – «соф ислом» қадриятларига (принципларига) қайтиш, мақсади эса – исломий давлат ва тараққиёт йўлини жорий этишдан иборат.

Диний экстремизм – маълум сиёсий мақсадлар йўлида ва дин ниқоби остида мутаассиблар ёки уларнинг иродасига кўра иш кўрувчи гуруҳлар томонидан олиб бориладиган ўта ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини англатади. Бошқача айтганда, диний экстремизм – муайян диний йўналиш ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб унсурлар сиёсий фаолиятининг мафкураси²⁶.

²⁶ Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. Маъруза матни. Т.: Маънавият, 2000, 3–4-бетлар.

3. Ислом модернизми – исломнинг диний таълимотдаги иқтисодий, сиёсий, ҳукукий ва ижтимоий муаммоларга тааллуқли ақидаларини янги замон шароитларига мувофиқлаштириш, замонавийлаштириш орқали тараққиётнинг янги йўллари ишлаб чиқишдир.

4. Ислом традиционализми – бу оқим тарафдорлари ўрта аср ақидаларига қаттиқ амал қилиб, буларни ўзгармас деб ҳисоблаган ҳолда динни ҳар қандай ислоҳ қилишга, модернизмга қатъий қарши чиққанлар ва ҳозир ҳам шундай қилаётирлар.

1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Олий Кенгашининг 12-чақириқ 5-сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган эди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири 1998 йил 1 майда Олий Мажлиснинг 11-сессиясида қабул қилинди.

Ҳозирги давр ва мафкуравий полигонларда ғарзали геосиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги мафкуравий таъсир ўтказишда энг аввало «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган, қадимий тамойилга амал қилишга уринилмоқда.

Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни бұрттириб кўрсатиш орқали аҳолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотишга уринмоқда. Бу биринчи. «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилининг иккинчи йўли минтақа давлатлари ўртасида турли зиддиятларни юзага келтиришдир. Мақсади давлатлараро муносабатларда тангликни юзага келтириш, муайян давлатни заифлаштириб ўз «иттифоқчисига» айлантиришга эришиш. Юқоридаги шиорнинг 3 жиҳати халқаро майдонда муайян давлат ҳақида нотўғри, ноҳолис тасаввурларни шакллантириш.

Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бу ғоя ва мафкура Ўзбекистонда ҳам ўзининг муносиб ўрнини топмоқда.

Ўзбекистонда шўро тизимининг инқирозга юз тутиши жамиятнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янги жамиятни куриш масалаларини ишлаб чиқишни тақазо қилди. Бу масалалар Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва бошқа асарларида асослаб берилган концепцияда ўз ечимини топди. Мазкур концепцияда Юртбошимиз миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқишга жуда катта ҳисса қўшди, уни янги, фундаментал-назарий қоидалар, ҳулосалар билан бойитди.

Ғоявий бўшлиқ деб, эски ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлиқ тушунчаларнинг қадрсизланиши, бугунги ҳаёт, ўтмиш ва келажакка дахлдор қадриятлар, тушунча ва тасаввурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгида вужудга келадиган бушлиққа айтилади.

Тажовузкор мафкуралар бундай бўшлиқдан фойдаланиб, ўзларининг зарар-ли ғояларини сингдирмоқчи ва одамларни ўз ортидан эргаштирмоқчи бўлади. Со-биқ коммунистик партия ҳукмронлиги барҳам топгач, бизнинг

юртимизда ҳам за-рурли оқимлар кириб кела бошлади. Бунга давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳам-да сиёсий институтларнинг истиқлол ғояларини, бозор муносабатларини одамларга тушунтиришда сусткашлик қилгани, ижтимоий фанларнинг ҳаётимиздаги янги-ликларни вақтида таҳлил қилиб бермагани, жамият руҳияти ва тафаккурида рўй бераётган мураккаб жараёнларнинг ўз ечимини топмагани ҳам сабаб бўлди.

Президент Ислом Каримов мафкуравий иммунитетга шундай таъриф берган эди: «Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида Она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур».

Мафкуравий иммунитетни шакллантирувчи омиллар — миллий истиқлол ғояси асосидаги мафкуравий тарбия, огоҳлик, жаҳолатга қарши курашдир. Яъни, мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг энг муҳим шarti — халқимизни миллий истиқлол ғояси асосида тушунча ва тамойиллари билан қуроллан-тиришдир.

Шу боисдан ҳам Президент Ислом Каримов 2000 йил 8 июнда «Fidokor» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлаётганлигини таъкидлаб ўтган эди.

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди²⁷.

Қисқача хулоса

Демак, қисқача шундай хулосага келиш мумкин:

Демак **сиёсий маданият кенг маънода:** фуқароларнинг сиёсий билимлари, мўлжал-баҳолари, сиёсий хатти-ҳаракатларининг даражаси ва табиатини англатиб, сиёсий муносабатларни йўналтириб туриш жараёнларининг ижтимоий-сиёсий қадриятлари мазмуни ва сифатини, анъаналари ва қонун - қоидаларини ўз ичига олади. **Тор маънода:** эса сиёсий маданият — сиёсий муносабатлар мазмуни ва сифат даражасини белгилаб берадиган ўзаро мулоқот тарзини белгилайди.

Демак, сиёсий маданият шундай шароитда шаклланади:

Демократик ижтимоий тузум шароитида.

Миллий қадриятлар ривожиди.

Давлатнинг маънавий, сиёсий соҳадаги сиёсати туфайли.

Илмий асосланган билимлар заминиди.

Ҳуқуқий давлат (қонун устуворлиги) шароитида.

²⁷ Маърифат газетаси. 2001 йил 20 январ.

Шунингдек, сиёсий маданият ривожланишининг 6 асосий манбаси мавжуд:

1) Инсонпарварлик. 2) Демократия. 3) Ошкоралик. 4) Кўппартиявийлик. 5. Тарихий ворисийлик шароитида (шахс, тўда, гуруҳ, табақа, миллат, элат, жамият, инсоний мезонлар асосида). 6) Ижтимоий-сиёсий тузумга мос равишда.

Демак, кадрлар сиёсатининг туб моҳияти амал қилаётган жамиятнинг табиатига мос келадиган ва унинг мақсад-манфаатлари йўлида хизмат қиладиган давлат ҳокимиятининг иқтисодий-хўжалик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, мафкуравий, мудофаа-муҳофаза соҳаларининг уйғун ва мўътадил равишда ишлаб туришида намоён бўлади.

Кадрлар сиёсатининг туб моҳияти амал қилаётган жамиятнинг табиатига мос келадиган ва унинг туб мақсад-манфаатлари йўлида хизмат қиладиган давлат ҳокимияти барча соҳаларидаги фаолиятининг уйғун равишда ишлаб туришини таъминлашда намоён бўлади.

Кадрлар сиёсатини самарали амалга оширишда объектив ва субъектив омилларнинг уйғун тарзда намоён бўлиши муҳим ролр ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг кадрлар сиёсатида бозор иқтисодиёти талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган, илғор техника ва технологияни яхши эгаллаган, фан ютуқларидан тўғри фойдаланадиган маҳаллий малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундай қилиб кадрлар сиёсати жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида юритилаётган сиёсат йўналишларига ўхшаш бутунлай янгича мазмун кашф этиб, демократик ва фуқаролик жамияти қуришни янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Сиёсий мафкура – у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи ҳамда кўпроқ миқдордаги кишиларнинг индивидуал ўй-фикрлари ва хатти-ҳаракатларини ҳокимиятдан фойдаланишнинг муайян мақсадлари ва вазифаларига бўйсундиришни талаб қилувчи системалашган ғоялар, қарашларнинг йиғиндисидир.

Мафкура ўзининг функцияларига кўра фандан фарқ қилади. Агар фаннинг функцияси – ҳақиқатни излаш бўлса, мафкуранинг функцияси - аҳолининг оммавий сиёсий онгини эгаллаш, жамиятнинг бугунги ва келгусидаги тараққиётини баҳолаш, ўзининг мезонларини жорий қилиш, сиёсий маконда кишилар мўлжал қиладиган мақсад ва вазифаларни белгилашдир.

Президент Ислом Каримов Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини ўзининг қуйидаги сўнгги асарларида айниқса янада ривожлантирди:

1. «Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин» («Тафаккур» журналининг 1998 йил 2-сони).

2. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан 1998 йил 26 июндаги учрашуви).

3. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» (1999 йил 14 апрелр).

4. «Хушёрликка даъват» (ЎЗА мухбири саволларига жавоби, 1999 йил июнр).

5. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» (2000 йил 22 январр).

6. «Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч қувват манбаи» (2000 йил 6 апрелр).

7. «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишондир» (2000 йил 8 июнр).

8. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига ёзган сўз бошида (2000 йил кузида). Асарлар Т.9, 220–224-бетлар ва бошқа асарларида.

Демак, миллий мафкурани тарғиб қилишнинг тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Узлуксизлик тамойили (содда шаклда).
2. Босқичма-босқич тамойили.
3. Фаоллик тамойили (замонавий технология, кўпроқ интерузулар, шунингдек, мунозара, суҳбат, давра йиғилиши асосида ҳам бўлиши мумкин).
4. Мафкурани эътиқодга айлантириш тамойили.
5. Иш билан сўз бирлиги тамойили.
6. Шахсий ибрат тамойили.
7. Ҳаётийлик тамойили (Ютуқлар билан бирга камчиликларни ҳам кўрса).

Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришнинг **асосий соҳалари**: «оила – боғча – мактаб – лицей – коллеж – олий ўқув юртлари – маҳалла – жамият». Йўналишлари эса: таълим ва тарбия, адабиёт, санъат, дин ва ҳ.к.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсий маданиятнинг моҳиятини тушунтиринг.
2. Сиёсий маданият, сиёсат ва сиёсий барқарорлик тушунчалари ўртасидаги ички боғлиқни аниқланг.
3. Сиёсий маданият ва сиёсий онг, уларнинг таркибларини белгиланг?
4. Ривожланган мамлакатлар кадрлар сиёсатининг аҳамиятли жиҳатлари нимада?
5. Жамият ҳаётида таълимнинг роли қандай?
6. Ўзбекистон Республикаси кадрлар сиёсатининг муҳим жаҳатлари қайсилар?
7. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини баён этинг.
8. Сиёсий мафкурани қандай тушунасиш?
9. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси ва асосий ғояларини айтиб беринг.
10. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифалари ҳақида гапириб беринг.
11. Комил инсон ғояси қандай ғоя?
12. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси нимага хизмат қилади?
13. Бугунги кунда динлараро бағрикенгликка эришиш учун қандай тадбирлар

амалга оширилмоқда?

14. Президент Ислом Каримов асарларида сиёсий мафкура масаласи қандай изоҳланган ва унинг бу борадаги ёзган асарларини қайд этинг?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003, 5-10 бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 125-135 бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломоқда. Асарлар, 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 383 бет.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 2000, 333 бет.
5. Каримов И.А. «Шарқ тароналари» фестивалининг очилиши маросимидаги табрик сўзи. 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон». 321-323 бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.
7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий Дуне билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи» 2003 йил 25 апрел.
8. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-куватимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.
9. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.
10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.
11. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қара шва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
12. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқарии сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.
13. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
14. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар, «Академия» нашриёти, 2001.
15. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.
16. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурулиш палласида, Т.: «Ўзбекистон» - 2001.

17. Мелкумов А. Особенность формирования политической культуры «Вестник» МГУ, ПН. №6, 1998.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 64 бет.
19. Пугачёв В.П., Соловьёв А.И. Политологияка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 317-333 бетлар.
20. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Т.: ЎзФIIИВ Академияси, 2004, 9-113, 187-277-бетлар.
21. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.
22. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.
23. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.
24. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., СултоновТ., Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
25. Бекмуродов А. Ш. , Алиев Б., Бобоев А ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Тошкент. 2005.
26. Т. Султонов, А. Ҳайитов. Демократик жамият сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. ТДИУ 2005й.
27. Б. Алиев ва б. Парламентаризм тараққиёти бўйича тест саволлари. ТДИУ 2005.

VII-МАВЗУ: СИЁСАТ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

7.1. Миллат тушунчаси ҳамда сиёсий жараёнлар ва миллий муносабатлар.

Миллат (арабча – халқ маъносини билдиради) – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлик. Миллатга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Миллат деб**, тил, маънавият, миллий ўзликни англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар асосида муайян ҳудудда яшовчи кишиларнинг бирлигига айтилади²⁸.

Аслида миллат тушунчасини аниқлашда турлича ёндашувлар мавжуд:

1. Инглиз файласуфи Эрнест Геллнер «Миллат – инсон яратган, у инсон иши ва онгининг маҳсули» дейди.
2. Рус олими Л.Ионнинг фикрича, «Миллатга мансублик инсонга туғилишдан берилади ва унинг бутун ҳаёти давомида ўзгармай қолади. У жинс каби мустаҳкамдир...».
3. Рус олими В.А.Тишковнинг фикрича, «Миллат илмий тушунча эмас, бу сиёсий шиор ва сафарбарлик воситасидир».

²⁸ Политология. Маърузалар матни. Т.: ЎАЖБНТ, 2000, 116 -120-бетлар.

4. Собик шўро даврида миллатга таъриф беришда синфий нуктаи назардан қарашлар устувор эди. Бунинг оқибатида синфий манфаатлар миллий манфаатлардан устуворликка эга бўлиб келди.

5. Ўзбекистонда ҳам миллат тушунчасига турли фикрлар билдириб келинди.

Ер юзида 3 мингга яқин миллат мавжуд. Улар ўз қаторида инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96% ни бирлаштирадilar, 4% элатлар ва қабилалардир. Ҳар бир миллатнинг сони бир неча 10 мингдан бир неча 100 минггача боради. Аслида миллатлар сонининг кўп ё камлигига қараб 5 гуруҳга бўлинади:

1. **Буюк миллатлар:** (Хитойлар, ҳиндлар, америкаликлар, руслар, японлар - ҳар бири юз млн. дан ортиқ сонга эга).

2. **Катта миллатлар:** (ҳар бири 50 млн. дан 100 млн. гача: инглизлар, французлар, испанлар, олмонлар, турклар ва бошқалар).

3. **Йирик миллатлар:** (ҳар бири 10 млн. дан 50 млн. гача: ўзбеклар, португаллар, поляклар, эфиопияликлар ва бошқалар)²⁹.

4. **Ўрта сонли миллатлар:** (ҳар бири 1 млн. дан 10 млн. гача).

5. **Кичик миллатлар:** (ҳар бири бир неча 10 мингдан 1 млн. гача).

Жаҳондаги энг йирик 27 миллат Ер юзи аҳолисининг қарийб 75%ни ташкил этади.

Миллат ягона тушунча бўлмай, у ўз ичига уруғ, қабила, элат, халқ, миллий ва этник гуруҳларни ҳам қамраб олади.

Уруғ, қабила – ибтидоий жамоа тузумига хос белгилардир.

Элат – кишиларнинг тил, территория ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган миллатдан олдинги бирлигидир. Элатлар кулдорлик тузумида пайдо бўлди. Давлат пайдо бўлиши билан элатнинг мустақамланишига имконият яратилди.

Ўзбек элати – турли уруғ ва қабилалардан ўрта асрларда шакллана бошлаган. Ўзбек элатининг шаклланишини баъзи олимлар 4 даврга бўлади:

1) қадимги замондан V асргача.

2) VI–XII аср (қорахонийлар давлат ҳукмронлиги даврида тўла шаклланди).

3) XIII–XIV аср 70-йиллари (Мўғиллар истилоси, Чингизхон қарамлиги).

4) XV–XVI асрлар.

Миллий гуруҳлар: тарихий тараққиёт жараёнида ўз миллий бирлигидан ажралиб бошқа ҳудудларга кўчиб бориб яшайдиган халқ миллий гуруҳдир. Миллий гуруҳлар мамлакат учун ёки маълум давлатнинг айрим минтақаси учун маҳаллий бўлмаган миллат ва элатнинг кичик бир бўлаги. Миллий гуруҳлар сиёсий сабаблар туфайли ҳам шаклланиши мумкин. Яъни давлатлар ўртасида сиёсий чегаранинг ўзгариши натижасида у ёки бу халқнинг маълум бир бўлаги ўз ўзагидан ажралиб қолиши мумкин. Масалан, Россия билан Хитой ўртасидаги чегаралар ўрнатилиши натижасида

²⁹ Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т.: Шарқ, 1998, 120-б.

козоқларнинг бир қисми Хитой давлатида қолиб кетган. Россия билан Афғонистонда худди шундай ўзбек, тожик, туркманларнинг маълум қисми Афғонистонда қолиб кетган. («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар». 1998, № 7, 6–11- б.). Ўзбекистонда кам сонли халқларни ташкил этувчи 840 дан кўпроқ авар, 745 қўмиқлар яшайди ва ҳоказо.

Этник гуруҳлар – бир-бири билан жуда бўш алоқада бўладиган бир неча минг ёки бир неча юз кишидан иборат кишиларнинг кам сонли бирлашмаси. (Ўзбекистонда 258 дан кўпроқ ингушлар, 240 дан ошиқ гагауз, 110 карам этник гуруҳлар яшашади).

Этник бирлик – кишиларнинг қабила, элат, миллат ва бошқа бирликларидан иборат бўлган, тарихан таркиб топган алоҳида барқарор ижтимоий гуруҳдир. Этник бирлик тушунчаси этнографик жиҳатдан **халқ** маъносини англатади. Ўзбек этноси миллат сифатида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида шакллана бошлади.

Хўжалар – (академик Э.Юсупов фикрича,) истило даврида араблар маҳаллий аҳоли билан тил топишиш учун уларнинг қизларига уйланишган. Олдин арабларга ҳеч бир қиз турмушга чиқмаган. Кейин шундай қонун кучга киради: кимки, ҳарбий аскарга тегса, улардан туғилган болаларга «хўжа», яъни хўжайин унвони берилган. Биринчидан, хўжалар катта ҳуқуқга эга бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол аралашган. Иккинчидан, улар турли солиқлардан озод қилинган, имтиёзли табақа бўлган. Учинчидан, хўжалар маҳаллий аҳоли билан араблар ўртасида кўприк бўлишган, ҳар икки томонга сўзлари ўтган. Хўжалар **қораларга** қиз бермасалар ҳам ўз наслини кўпайтириш учун улардан қиз олишган.

Саййид – атама. Саййидлар деб Муҳаммад Пайғамбар ва уларнинг қизлари Фотима авлодларига айтилади. Бахтли давлатчилар ҳисоблашган. Саййид – тоза насл демакдир. (Аҳмад Яссавий, Б.НАҚШбанд, Н.Кубролар бўлган).

Тўралар – оқ суякларга хос бўлиб, ҳарбий отряд етакчилари, манғитларнинг қўшин бошлиқларидан иборат бўлган. Бухоро амирлигида мавжуд бўлган. Тўралар Чингизхон наслидан келиб чиқиб, ислом динини қабул қилиш билан ҳукмдорлик қилган кишилардир.

Мир – бошлиқ сўзидан келиб чиқиб, мироб сўзи сув таровчи, яъни сувни аниқ мақсад сари йўналтирувчи маъносини билдиради. Мирлар эл-юртга раҳбарлик қилганлар. Тўралар ва Мирлар мавқеи қоралардан юқори, саййид ва хўжалардан кейин турганлар.

Қоралар – сўзи оддий халққа нисбатан ишлатилган. («Туркистон», 1998 йил 21 ноябр).

Собиқ шўро даврида миллий чегаралаш сиёсати миллий-этник хусусиятларни ҳисобга олмасдан ўтказилди. XX аср 30-йилларида оммавий қатағонлар туфайли қалмиқлар, қорачайлар, болқорлар, чеченлар, ингушлар, қрим татарлари, месхети турклари, немислар, корейслар, греклар, курдлар бошига аянчли қисмат тушди, улар ўз яшаб турган жойларидан бошқа худудларга мажбуран кўчирилди.

Собиқ СССР республикалари 2 гуруҳга; хом ашё ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи республикалар ва тайёр маҳсулотларни қайта ишловчи республикаларга бўлиб ташланди. Натижада бу республикалар тараққиёти технократик асосда ривожланди, яъни бир томонлама ривожланишга мойиллик юзага келди.

Ер аҳолисининг ярмидан кўпи 5 тил: хитой, инглиз, испан, ҳинд ва рус тилларида гаплашадилар. 600 тил яхши ривожланаётган бўлса, 6 мингга яқини 100 йил ичида йўқолиб кетиши мумкин («Маърифат», 1997 йил 8 январь).

Миллатнинг қуйидаги бирликлари мавжуд (олдин улар 4 та эди):

- 1) Тил бирлиги.
- 2) Иқтисодий бирлик.
- 3) Худудий бирлик.
- 4) Маданий бирлик.
- 5) Мустақил давлат бирлиги.
- 6) Ҳар қандай миллатнинг тарихий-тақдири бирлиги.
- 7) Миллатнинг тақдир бирлиги.
- 8) Миллатнинг манфаатлар ва истикбол бирлиги.
- 9) Миллатнинг характер бирлиги (урф-одатлар ва ҳ.к.).

Миллат равнақини белгилайдиган омиллар:

- 1) Миллатнинг ўз мустақиллиги, тили ва худудининг мавжудлиги.
- 2) Тарихи, адабий мероси ва қадриятлари.
- 3) Келажагимиз бўлган ёш авлодни соғлом руҳда тарбиялаш.

Президент Ислон Каримов: «Бугунги кунимизнинг ўзига хос ёрқин хусусиятларидан бири миллатнинг ўзлигини англашдир», деган эди ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида. Демак, **миллатнинг ўзлигини англаш тушунчаси** (ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади):

1. Миллий бирлик ва бошқа этносларнинг мавжудлигини тушуниб етиш.
2. Миллий қадриятлар: тил, туғилиб ўсган жой, маданиятга содиқлик.
3. Миллий манфаатларни тушуниб етиш.
4. Миллий мустақиллик ва миллий тараққиётга интилиш.
5. Ватанпарварлик.

Шахснинг миллий ўзлигини англаш деганда:

1. Миллат (этнос)га мансублигини англаб етиш.
2. Ўз миллатининг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини англаш.
3. Миллий қадриятларга содиқлик.
4. Миллат эҳтиёжлари ва манфаатларини англаш, унинг ривожланиш йўллари билиш.
5. Миллий тараққиётга виждонан хизмат қилиш.

Сукрот: «Ўзини англаган инсон ўзи учун нима фойдали ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У кўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у

Ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана олади. Оқибатда ўзини кулфатлардан сақлайди».

Имом ғаззолий: «Оллоҳни англашдан аввал ўзни англамоқ жоиз».

Августин (илоҳиятчи): «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун унинг тарихини уйғотмоқ керак».

Чингиз Айтматов: «Ўз тарихини билмаган халқ манқуртга айланади». Унинг «Асрга татиғулик кун» асарида босқинчилар тарафидан бошига туя териси ёпилиб, терининг сиқуви оқибатида хотирасидан айрилиб манқуртга айланган одам ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек унинг Мухтор Шохонов билан бирга ёзган «Чўққида қолган овчининг охи-зори» номли суҳбатларида манқуртлик, садизм, «зомби»лик ҳақида ҳикоя қилинади.

«Садизм» – жинсий бузуқлик, азоб бериб ҳузур қилиш...

«Зомби»да инсон итоатгўй кул-ижрочига айлантирилади...

«Манқуртлик» – ўзлигини билмайдиган инсонга айлантирилиши...

Бу руҳий жиҳатдан ўзликни англамаслик, хотирасизлик...

Шу бисдан ҳам мустақилликка чиққандан кейинги даврда Президент Ислон Каримов халқимизнинг миллий ўзлигини англашга бўлган эҳтиёжини ҳамиша гапириб келади. Унинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида миллий туйғу, миллий ўзликни англаш билан боғлиқ бўлган масалалар кўтарилди.

«Миллий руҳиятни» шакллантиришда **«миллий ғурур»**, **«миллий ифтихор»**, **«миллий ҳис»**, **«миллий характер»** каби тушунчалар ҳам муҳим ўрин тутади.

1) **«Миллий ғурур»** – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият. «Шахс ғурури» – бу фахрдир. Ҳар бир шахснинг ютуқларидан кимдир мамнуният ҳиссини туяди, ота-она фарзандларидан, устоз истеъдодли шогирдидан, ёзувчи яхши асаридан, боғбон сўлим боғидан фахрланади ва ҳоказо. Ўзлигича қола билган одамнинг ғурури бус-бутундир.

2) **«Миллий ифтихор»** – миллат маънавий камолотининг барча жиҳатлари, мероси ва бугунги қадриятларини ўз ичига олади. Миллий истиқлол натижасида эришилган ва эришилажак иқтисодий ва маънавий ютуқлар кўпайган сари Ўзбекистон билан фахрланиш ҳисси – миллий ҳис шунчалик кучайиб бораверади.

3) **«Миллий ҳис»** - бу миллат манфаати билан яшаш, ўзининг кимлигини танимоқ, зеро ўзлигини танимаган инсонда миллий ифтихор сўнади. «Миллийлик, миллатга мансублик – бу умумжаҳон тараққиётининг қонуниятидир, миллий ғурурсиз ҳеч бир миллат миллат сифатида шаклланмайди.

«Миллий туйғу» – деган эди Президент Ислон Каримов, - инсон учун табиийдир, чунки, у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутунжаҳон жамиятида

тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас».

4) «**Миллий характер**» - ўзбек характери, миллий руҳияти, миллий ўзига хос томонлари асрлар давомида шаклланган ҳамда аста-секин уларнинг қонига ва жонига жойлашиб кетган. «Инсоннинг кимлигини нимани англашига қараб билиб оламиз» деган эди ҳинд мутафаккири Р.Тогар.

Миллий масалага доир **тенденциялар** қуйидагилардан иборат.

Марксизм-ленинизм таълимотига кўра капитализмда 2 та тенденция мавжуд бўлган: (бу кўпинча XIX аср охири ва XX аср 80-йилларигача):

1. Миллатларнинг уйғониши (капитализмга хос деб келинган).

2. Миллатнинг қўшилиб кетиши (империализмга хос деб келинган).

Бугунги кунда, яъни XX аср 90-йилларидан кейинги даврда ва XXI аср бошларида миллий масалада 2 та тенденция юзага келди, улар (бу мазкур масалага янгича қараш нуқтаи назаридан келиб чиққан):

1. Миллатларнинг уйғониши (XX аср бошларига хос бўлган).

2. Миллий давлатчиликка интилиш тенденцияси (XX аср 90-йилларига хос бўлган бу тенденциялар ривожланаётган мамлакатларда юзага келганлиги ҳақида политологлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда).

Демак, миллатнинг умумий ўзига хос хусусияти, бу:

1) халқларнинг уйғониши;

2) ўз-ўзини, тарихини ва маънавий қадриятларини англаш;

3) миллий рамзларга эътиборнинг кучайиши.

Шу боисдан ҳам биринчидан, миллатларнинг тенг ҳуқуқлилик, иккинчидан, турфа тилли аҳоли қатламларининг оммавий-сиёсий онги даражаси ва тузилишини билмасдан туриб миллий муносабатларни ривожлантириш мумкин эмас.

Демак, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ўзаро муносабатларининг ҳолати билан боғлиқ бўлган тушунча ҳисобланади. Бу жараёнларга миллатлар ва улар орасидаги муносабатлар ҳам боғлиқ бўлади. Чунки, миллатлараро муносабатларни барқарор ривожлантиришни ташкил қилмасдан туриб, сиёсий жараёнларнинг барқарор ривожланишини ташкил қилиб бўлмайди. Агар собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитидаги сиёсий жараёнлар ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, миллий манфаатлар давлат манфаатларига бўйсундрилган эди. У ёки бу миллатнинг ўз манфаатларини ўртага қўйиши давлатга қарши қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланар эди. Шунинг учун давлат бундай ҳаракатларни куч ишлатиб бўлса ҳам «тинчителишга» ҳаракат қилар эди. Аммо, давлатнинг бундай ҳаракатлари миллий жараёнларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келмади, аксинча, бу жараён зимдан катта куч сифатида шаклланиб келди ва давлат ҳокимиятининг ичидан емирилишини тезлаштирди.

Бу аччиқ «тажрибадан» келиб чиққан хулоса шўки, давлат жамиятда кечадиган муносабатларнинг табиий ривожланиш қонунларига асосланган ҳолда ўзининг фаолият йўналишларини белгилаб олиши зарур.

Айниқса, миллатлараро муносабатларнинг барқарор ривожланиши учун ҳар бир миллатнинг сиёсий манфаатларини ҳисобга олиш давлат сиёсатида устувор бўлиши амалий аҳамиятга эгадир. Шунинг билан бирга миллатлараро муносабатларга сиёсий тус бериш хатарли эканини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Яъни миллатларнинг ўзаро муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган у ёки бу салбий ҳолатлар давлат ҳокимиятини қўлга киритиш учун кураш даражасига кўтарилмаслиги керак. Чунки бундай жараён албатта давлатни ҳалокатга ва миллатлар манфаатларининг поймол бўлишига олиб келади. Сиёсий жараёнларнинг ривожланиши миллатлараро муносабатларнинг барқарор тараққий этишига хизмат қилиши лозим. Бу эса ўз навбатида бутун жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Демак, **миллий муносабатлар** – миллатлараро алоқалар ва ҳамжиҳатлик тизими, шунингдек уларнинг мавжудлиги ва раванг топишидаги миллатлараро ички муносабатлардир. Мазкур миллатлараро муносабатлар масаласини тўлароқ ҳолда кейинги мавзуда кўриб чиқамиз.

7.2. Миллий муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий йўли

Миллат мавжуд экан, албатта миллий масала ҳам, миллатлар ўртасида турли муносабатлар ҳам мавжуд бўлади. **Миллий масала** деганда турли миллат ва элатларнинг ўзаро муносабатларида зарур эҳтиёжларни қондиришга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг юзага келиши тушунилади. Улар кўп миллатлар яшайдиган мамлакатларда у ёки бу миллатларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслик ҳолатларидан келиб чиқади.

Миллий муносабатлар эса турли миллатлар яшайдиган мамлакатларда улар ўртасида моддий ва маънавий соҳада ўзаро ёрдамлашиш, бойиш, алмашиш ва ижобий маънодаги таъсир кўрсатиш орқали намоён бўлади. Адолат ва қонун устуворлиги қарор топган мамлакатларда миллий масала барҳам топиши мумкин. Аммо миллий муносабатлар мавжуд бўлиб қолаверади. У миллатнинг абадийлиги ва улар манфаатларининг сақланиб қолиши билан боғлиқдир. Тўғри, миллий манфаатларни тўла қондириш жуда мураккаб масала ҳисобланади. Чунки эҳтиёжлар миллатларнинг ўзи каби ўсиб бораверди, унинг тўхташи миллий тараққиётнинг тўхташини ҳам билдиради. Шунинг учун ҳам миллий муносабатларни барқарорлаштириш учун:

1. **Биринчидан**, давлат сиёсатида барча миллатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарур.

2. **Иккинчидан**, қабул қилинадиган қонун ва қарорларда ҳамма миллатларнинг тенглиги, уларнинг барча яратиладиган моддий ва маънавий бойликлардан тенг фойдаланиш кабилар ўз ифодасини топиши лозим.

3. **Учинчидан**, кўп миллатли давлатларда қандайдир сабаблар, хусусан ташқи кучларнинг аралашуви ёки ўзларини миллатпарвар қилиб кўрсатувчи, аслида ўзининг жирканч мақсадларини амалга ошириш йўлида атайлаб миллатлараро муносабатлар омилидан фойдаланишга интилишга уринувчи ички кучларнинг айби билан ҳам юзага келиши мумкин бўлган миллатлараро

можароларни ҳал қилишда сиёсий воситалардан фойдаланиш йўлидан бориш зарур бўлади. Чунки, миллий можароларни ҳал қилишнинг куч ишлатиш йўли ҳеч қачон ижобий натижа бермаган. Аксинча, куч ишлатиш йўли – давлатни ҳалокатга, миллатларни жаҳолатга олиб келувчи энг хатарли йўл ҳисобланади. Шунинг учун ҳам агар миллатлараро можаролар келиб чиққудай бўлса, уни ҳал қилишнинг **ягона йўли сиёсий воситалардан фойдаланиш ҳисобланади.**

«**Миллий сиёсат**» – миллий масала. Ўз моҳиятига кўра миллатларнинг озодлиги ва эркин ривожланиш шароити тўғрисидаги масалаларни ўз ичига олади. **Миллий сиёсат** – давлатнинг тегишли сиёсий ва адлиявий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган, миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб турадиган, муайян мақсадга қаратилган фаолият.

Миллий сиёсат деганда давлат томонидан жамиятдаги турли миллатлар ва этник гуруҳларнинг ривожига, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга ва шу асосида барқарор ривожланишни ташкил қилишга қаратилган, аниқ мақсад асосида олиб бориладиган фаолият тушунилади.

Миллий сиёсатда барча миллат ва этник гуруҳлар манфаати ҳамда эҳтиёжларининг қондирилиши адолатли ташкил қилинган бўлса, миллатлараро можаролар келиб чиқмаслиги учун имконият яратилган бўлади. Бу ўз навбатида жамият барқарор ривожланишининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Миллат ва элатлар сиёсатнинг субъекти ҳисобланади. Чунки, миллий манфаат мустақил ривожланиш, ўз маданияти, тарихи, тилини эъзозлаш сиёсий фаоллигини кўрсатади.

Миллий сиёсат бошқа иқтисодий, ижтимоий, демографик ва бошқа сиёсатлар билан бир қаторда ишлатилади. **Миллий сиёсатнинг асосий қондалари** қуйидагилардан иборат:

- 1) Ҳуқуқий давлат талабларига риоя қилиш ва миллий манфаатларни ҳисобга олиш.
- 2) Миллий муаммоларни ҳал қилишда тор синфий ёндашувлардан воз кечиш.
- 3) Ҳамдўстликда барча субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаши.
- 4) Миллий муносабатларнинг ошкоралиги ва очиқлиги.
- 5) қарор топган кучлар нисбати, миллий вазият ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда муроса ва мулоқот.

Миллий муносабатлар ҳамма замонлар учун бўлганидек, ҳозир ҳам долзарб масаладир. Агар миллий масала тўғри ҳал қилинмаса, жамият икки томонлама зарар кўради: 1. **Биринчи томондан**, мамлакат ичида миллатлар ўртасида келишмовчилик, низолар чиқиб туради, бу эса иқтисодий ривожланишга ҳам салбий таъсир қилади. 2. **Иккинчи томондан**, давлатнинг чет давлатлар билан бўладиган муносабатларига ҳам раҳна тушади.

Миллий муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши учун аввало ўзга миллат орасида оқилона сиёсат олиб боришнинг асосий йўли қонун қабул қилиб, бу қонун барча миллат вакиллари учун маъқулланган, бир бўлиши лозим.

Умуман, миллий масалани ҳал этишнинг **асосий тамойиллари қуйида-гилардан иборат:**

1. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқи.
2. Барча миллатлар учун жинси, ирқи, миллатидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги принципи (ЎзР Конституциясининг 18-моддаси шу ҳақида).
3. Барча миллатларнинг катта-кичиклигидан қатъий назар миллий манфаатларини ҳурмат қилиш принципи.
4. Миллийликнинг байналминаллик билан узвийлиги.
5. Ҳар бир миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий ва диний хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларга ҳурмат билан қараш.
6. Ўртоқларча ўзаро ёрдам ва манфаатдорлик.
7. Шовинистик, миллатчилик, маҳаллийчилик кўринишларига ён бермаслик ва уларнинг бирон бир кўринишларига мурасасиз кураш принципи.

Аслида, миллий муносабатлар ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлиб, соф ҳолда мавжуд бўлмайди. Яъни у иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларнинг бири сифатида намоён бўлади.

Демак, «миллий муносабатлар» тушунчаси муносабатларнинг 3 шаклини ўз ичига олади:

- 1) Ички миллий муносабатлар.
- 2) Миллий этник бирликлар ўртасидаги муносабатлар.
- 3) Миллатлар, элатларнинг шахслараро даражасидаги муносабатлар.

«Миллатлараро муносабатлар» тушунчаси эса:

- 1) Миллий бирликлар ўртасидаги муносабатлар.
- 2) Турли миллатлар вакиллариининг шахслар даражасидаги муносабатларда ўз аксини топади.

Миллатлар ўртасидаги муносабатларга урғу бермоқчи бўлганда «миллатлараро муносабатлар» атамаси ишлатилади.

7.3. Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг миллий сиёсати

Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсат – жамиятни янгилашнинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Жамиятни янгилашнинг муваффақияти мамлакатда истиқомат қилувчи кам сонли халқлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан изчил ва мунтазам шуғулланишга боғлиқ.

Ўтмишда тарихий ҳақиқатдан қатъий чекиниш ҳолатларига йўл қўйилди, миллий муносабатлар соҳасидаги далиллар қўпол равишда бузиб кўрсатилди.

Таниқли турк олими Зиё Кўкалп фикрига кўра, «миллат на ирқий, на кавмий, на жуғрофий, на сиёсий ва на бир иродавий уюшма эмасдир. Миллат

тил, дин, ахлоқ ва бадий жиҳатларга кўра муштарак бўлган, яъни муайян тарбияни олган одамлардан таркиб топган бирликдир».

Олдинги мавзуда баён этилганидек, ўзбек этноси миллат сифатида XIX асрининг охири ва XX асрнинг бошларида шакллана бошлади. Ваҳоланки, бу даврда ўзбеклар яшайдиган ҳудуд бир-бирига бўйсунмайдиган: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, қўқон хонлиги ва Балх амирликларига бўлинган эди. Ана шундай шароитда миллатнинг шаклланиши ва ривожига жуда мураккаб шароитда кечди. XX аср бошларида ғоялар кураши (коммунистик ва исломий) бу мураккабликни янада чигаллаштирди. Ана шундай қарама-қарши жараёнлар гирдобиди миллатнинг шаклланиши мураккаб, балки фожеали кечди. Шўро даврида миллий маданият ғаразли мақсад билан аста-секин йўқотила борилди. Масалан, ўзбек тилини олайлик:

1. 1917–1929 йилларда октябр инқилобидан кейин 19-йилларда ўзбек ёзуви араб графикаси асосида биринчи марта ислоҳ қилинди.

2. 1929–1940 йилларда, хусусан, 1929 йили араб графикасидаги ўзбек ёзуви латин алфавити билан алмаштирилди.

4. 1940–1991 йилларгача, хусусан, 1940 йили эса ўзбек тили рус графикаси асосидаги ёзувга ўтилди.

Ўзбек халқи, ўз миллий мустақиллигига эришганидан кейин асосий мақсади, ҳақиқатни тиклашдан иборат бўлди. Бу йўлда кўп ишлар қилинмоқда. Республика аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил қилган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки, биргаликда ҳаёт кечирувчи бошқа миллатга мансуб кам сонли аҳолининг тақдири, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш, камол топиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиш беришдан иборат бўлди.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожланишида миллий-маданий марказларнинг ҳам ҳиссаси катта. 1989 йилда Маданият вазирлиги қошида Республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилди. Унинг таркибида 12 та, жумладан, қозоқ, корейс, арман, озарбайжон, тожик каби маданият марказлари фаолият кўрсата бошлади. 1995 йилга келиб миллий-маданий марказларнинг сони 80 дан ошди. Бугунги кунда республикада 90 дан ортиқ миллий маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. 1992 йил Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси «**Байналминал маданият маркази**» ташкил қилинди. Марказ умумхалқ байрамлари жумладан, ўзбекларнинг «Наврўз»и, русларнинг «Масленница, Рождество»си, татарларнинг «Сабантўй» ва бошқа миллий байрамларда фаол иштирок этиб келмоқда. 1994 йили биринчи марта «Халқ ижодиёти» фестивали бўлиб ўтди. «Манас» (қирғиз) эпосининг 1000 йиллиги Республикада ҳам кенг нишонланди. 1995 йил 10–11 март кунлари «Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар маданияти» илмий-амалий конференцияси Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Миллий маданият марказларининг асосий вазифаси 3 йўналишга эга:

1. Ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий Ватан билан алоқа ва муносабатларни жонлантириш, миллий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиш.

2. Мустақил Ўзбекистонни ўзининг ҳақиқий Ватани деб билиш ва унга садоқат билан хизмат қилиш.

3. Ватан билан муштарак ҳаёт кечириш, унинг маданияти, турмуш тарзи ва тилини ўрганиш, мустақил давлатга номи берилган миллат билан дўстликда, ҳамкорликда ва тотувликда яшаш.

Ана шу 3 йўналишда олиб борилаётган ишлар йил сайин янгидан-янги шаклларда, турларда, йўналишларда ранг-баранг бўлиб бормоқда.

Статистик маълумотларга кўра, дунёда 28 млн.дан ошиқроқ ўзбеклар яшайди. Ўзбекистонда 26 млн. аҳолининг тахминан 18 млн.дан кўпроғини ўзбеклар ташкил қилади. Шунингдек, Тожикистонда жами аҳолининг 24,4%, қирғизистонда – 13,8%, Туркменистонда – 9%, қозоғистонда – 2,5%ни ўзбеклар ташкил этади.

Миллий муносабатлар маданияти – бу турли миллат ва халқларнинг бевосита алоқаларидаги ғоявий-сиёсий, ахлоқий, маданий-турмуш нормасига оид ўзаро муносабатлар йиғиндисидир. **Миллий маданиятлар** – халқларнинг маънавий яқинлиги манбаидир. 1994 йил 23 майда Ўзбекистонда қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишида Президент Ислом Каримов «Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак» мавзусида нутқ сўзлади. 1994 йил 10 январида Тошкентда Ўзбекистон билан қозоғистон ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида шартнома имзоланди. 1994 йил 16 январда қирғизистон ҳам бу шартномага қўшилди. 1994 йил 30 апрелда Ўзбекистон, қозоғистон, қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисида баёнот қабул қилинди.

Президент Ислом Каримов «Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир», «Туркистон – умумий уйимиз» мавзуидаги нутқларида Марказий Осиёдаги ўзаро иқтисодий интеграция алоқалари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. 1997 йил охирида «Ўзбекистон–қозоғистон дўстлик жамияти» нодавлат ташкилоти тузилди. 1997 йил 15–16 сентябрда Тошкентда «Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ягона иқтисодий маконга 1998 йил 26–28 мартда Тожикистон Республикаси ҳам қўшилди.

Миллий сиёсатнинг характерли хусусиятидан бири унинг демократизм ва инсонпарварлигидир. Демократиялаш, ўзини-ўзи бошқариш, инсонпарварлик фақат умуминсоний асос бўлибгина қолмай, шунингдек, миллий муносабатларни қайта куриш ва йўналтиришнинг моҳияти ҳамдир.

Халқлар бирлашувининг давлат-ҳуқуқий шакллари оддий ва мураккаб характерга эга:

1. Унитар (оддий) – (қўшма, бирлашган, бир бутун) давлат шакли.
2. Федератив (мураккаб) давлат шакли – (иттифок, уюшма, бирлашма).
3. Конфедератив (мураккаб) – мустақил давлатлар иттифоқи.

Қисқача хулоса

Умуман, қисқача қилиб, шундай хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, миллат инсоният ва жамият тараққиётининг ҳосиласи ҳисобланади. Унинг шаклланишида моддий омиллар, хусусан, давлат, иқтисодиёт муҳим ролр ўйнаган бўлсада, улар миллатнинг тўлиқ моҳиятини очиб беролмайди. Улар инсонларнинг ўзаро яқинлашишига ўз таъсирини ўтказган. Аммо миллатни бирлаштирувчи нарса, **маънавий омиллар** ҳисобланади. Хусусан, руҳият, тил, маънавият, урф-одат, анъана, қадриятлардир.

Иккинчидан, миллат тушунчасини таърифлашда синфий ёндашув, унинг чинакам куч, қудратини ҳаспўшлаш ҳисобланади. Чунки инсоният ва жаҳоннинг бир қатор ривожланган мамлакатлари тажрибалари шуни кўрсатадики, синфлар ўртасида зиддиятлар, қарама-қаршиликлар замини моддий манфаатдорлик билан боғлиқ. Мамлакатларда аксарият аҳолининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш ўзаро қарама-қаршиликларнинг ҳам сўниб боришига олиб келади.

Умуман миллатнинг шаклланишида моддий омиллар қандай ролр ўйнаса, унинг абадийлиги ва барқарорлигини таъминлашда асосий омил – маънавий- руҳий салоҳият ҳам шунча муҳим ролр ўйнайди.

Демак, миллий муносабатлар – кишиларнинг тарихан вужудга келган бирлиги: уруғ, қабила, элат, халқ, миллий гуруҳлар, кам сонли халқлар, этнослар ва уларнинг ҳозирги юксак, барқарор шакли бўлган миллатларнинг ривожланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди.

«**Миллатларо муносабатлар**» – элатлар, халқлар, миллатлар, кам сонли халқлар ўртасида таркиб топадиган турли алоқаларга айтилади. «**Миллий муносабатлар**» дейилганда кўпинча миллатлар, элатлар, кам сонли халқлар ҳаётини ривожлантириш ва улар ўртасидаги турли алоқалар тушунилади. Шу боис «миллий муносабатлар» дейилганда одатда «миллатлараро муносабатлар» тўғрисида ҳам гап кетиши мумкин. Демак, буларни бир-бирига қўшиб юбориш ёки ажратиб кўрсатиш нотўғри. Бу тушунчалар бир-бири билан боғлиқ. Лекин «миллатлараро муносабатлар» «миллий муносабатлар» доирасига киради.

Назорат ва муҳокама учун саволар

1. Миллат тушунчасига қандай таъриф берилган ва миллатнинг асосий белгиларини баён этинг. Ўзбек элатининг пайдо бўлиши ҳақида нималарни биласиз?
2. Президент Ислом Каримов «Жамиятимиз мафкураси халқни–халқ, миллатни–миллат қилишга хизмат этсин» деган асарида қандай муаммоларни кўтарган эди?
3. Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асаридаги бош ғояларни изоҳлаб беринг.

4. Миллатнинг миллий ўзлигини англаш билан шахснинг миллий ўзлигини англашни гапириб беринг. Миллий сиёсатнинг асосий қоидалари нималардан иборат?
5. Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон умумий уйимиз» ғоясида устувор бўлган жиҳатлар нималардан иборат?
6. Президент Ислом Каримов «Fidokor» газетаси мухбири саволларига жавобларида «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» мавзuidaги бош ғояларни изоҳлаб беринг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003, 4-5 бетлар.
2. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз, ғуруримиз. – 5 жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1996, 186-188-бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 1997, 36-39, 77-87- бетлар.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 1998, 137-139-бетлар.
5. Каримов И.А. «Озод ва Обод Ватан, Эркин ва фаровонҳаёт-пировард мақсадимиз» 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 2000, 345-346-бетлар.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқод ива буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон» 2000, 499-бет.
7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакиллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.
8. Каримов И.А. биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий Дуне Билан ҳамкорлик йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ўн биринчи сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи». 2003 йил 25 апрель.
9. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-куватимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боглиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.
10. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.
12. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қара шва ёндашувлар Билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
13. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқарии сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.

14. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
15. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, истироблар, кувончлар, «Академия» нашриёти. 2001 йил.
16. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.
17. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: «Ўзбекистон», 2001.
18. Отамуратов С. Миллат. Миллий онг, миллий ғурур. ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши. (мақолалар) - Мустақиллик изохли илмий-оммабоп Луғати. Т: «Шарқ», 1998.
19. Отамуратов С., Эргашев И, Акромов Ш., Қодиров А. Политалогия, (Ўқув кулланма), тошкент: «Ўзбекистон», 1999.
20. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 23-бет.
21. Пугачев В.П., Соловьев А.И. сиёсатшуносликка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 48-63-бетлар.
22. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: Назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 151-159, 251-266, 333-341-бетлар.
23. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.
24. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.
25. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.
26. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., Султонов Т., Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
27. Бекмуродов А. Ш. , Алиев Б., Бобоев А ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Тошкент. 2005.
28. Т. Султонов, А. Ҳайитов. Демократик жамият сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. ТДИУ 2005й.
29. Б. Алиев ва б. Парламентаризм тараққиёти бўйича тест саволлари. ТДИУ 2005.

VIII-МАВЗУ: ХАЛҚАРО ТИЗИМ ВА ХАЛҚАРО СИЁСАТ

7.1. Халқаро тизим: моҳияти, тузилмаси, функционал жиҳатлари ҳамда давлатлар ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифалари

Давлатларнинг ташқи сиёсати объектив сиёсий ҳодиса ҳисобланади. Ҳеч бир давлат бошқаси билан у ёки бу даражада алоқа қилмасдан ёки ўзаро муносабатда бўлмасдан самарали ривожлана олмайди. Давлатларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқалари қай даражада олиб борилишидан қатъий назар, бу жараён халқаро муносабатларнинг боришини белгилаб беради. Ташқи сиёсатнинг зарурлигини ҳар бир давлатнинг эҳтиёжлари тақозо этади. Эҳтиёжлар аввало, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб

чиқади. Ҳеч бир давлат ўзини ташқи сиёсатда бошқа давлат манфаатларидан устун қўймайди ва бунга интилмайди. Ўз навбатида у ёки бу мамлакатнинг миллий манфаатлари бошқа мамлакатларнинг манфаатларидан ҳам устун қўйилмаслиги лозим. Ҳар бир давлат ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ана шу талабларга оғишмай риоя қилиши зарур. Акс ҳолда давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда қарама-қаршилиқлар келиб чиқиши табиийдир.

Дунёда юз бераётган муҳим ўзгариш ва жараёнлар ҳаётга объектив равишда бир томондан беқарорлик бахш этса, иккинчи томондан маълум бир тузилма, тартибга мойиллик тизими шаклланади. Унга нисбатан бефарқ ва масъулиятсизлик билан қараш инсонга катта зарар етказади. Бу ўз навбатида халқаро сиёсатга, халқаро ҳамжамиятга хос нарсаси эмас. Шу боисдан инсоният, барча сиёсий-интеллектуал доиралар батамом бошқача ёндашувга мойилликни юзага келтиради. Шаклланаётган қарашлар тизими ранг-баранг. Шу сабаб бу масалага давлатлар ва гуруҳлар ўртасидаги турли хил муносабатлардан иборат тизим сифатида ёндашиш билан боғлиқ.

Халқаро тизим сиёсат субъектига қарашларда турли хил тенденциялар кучаймоқда. **Шулардан бири**, халқаро тизим субъектига номақбул қарашлар бўлиб, политолог, сиёсий арбоблар Збигнев Бжезинский ҳамда Генри Киссинджерларга мансуб бўлган «реалистлар мактаби» вакиллари қарашларидир. Унга кўра, халқаро сиёсат майдони, яъни халқаро ҳаёт улкан шахмат тахтаси бўлиб, у ердаги фигуралар, яъни иштирокчилар қандайдир кучли ўйинчилар изми ва хоҳиш иродасига боғлиқ бўлишади. **Иккинчи қарашга** кўра, халқаро ҳаётга моҳиятдан бир-бирига душман бўлган давлатлар фаолияти макондир, дейилиб, халқаро сиёсат эса яхлит тизим бўлмасдан бир-бирига азалий муҳолиф бўлган кучларнинг ўзаро муносабатидан шаклланади. Булардан ташқари халқаро тизим субъектида **унчалик муҳим ёки муҳим бўлмаган** бошқа кўплаб қарашлар ҳам борки, улар шартли равишда **прагматиклар ва идеалистлар, фрагментарчилар ва монистлар, бирқутбчилар ва кўпқутбчилар** ҳисобланади. Хуллас, турли-туман мактабларга мансуб бўлсада, лекин у ёки бу маънода уларнинг барчаси юқорида номи зикр этилган 2 анъанавий қарашга мансубдир.

Халқаро тизим ва унинг тузилмаларида муносабатлар, уларнинг ҳуқуқий мезон ва меъёрларининг ноёблиги ҳокимият муаммоси ҳам қандайдир ўзига хослик, хусусийлик бағишлайди. Жумладан, халқаро тизимда ҳокимият ташувчи куч ишлатиш эмас, балки маърифий-сиёсий таъсир ўтказишга таяниб фаолият кўрсатиши мумкин.

Ҳокимиятни қўлга киритиш жараёни адолат тарозиси, давлатларнинг бу йўлда хулқ-атвори, хатти-ҳаракатининг маърифийлигига асосланиши керак. Шу жиҳатдан давлатларнинг хулқ-атворини халқаро тизим моҳиятининг маълум маънода воқеликда акс этиши ёки функцияси деб қараш тўғри бўлади.

Давлатларнинг миллий манфаатлари уларнинг ташқи сиёсати орқали моддий кучга айланиб халқаро майдонда уларнинг у ёки бу даражада фаолият кўрсатишини белгилаб беради. Ташқи сиёсат зарурлигининг миллий

манфаатлари орқали ифодаланиши барча давлатларга хос бўлган умумий ҳодиса ҳисобланади.

Давлатлар учун ташқи сиёсатнинг зарурлиги бир давлатнинг бошқаси билан ўзаро муносабатда бўлиши ва ўзаро ҳамкорликни турли хил шаклларда олиб бориши билан белгиланади. Давлатлар ташқи сиёсатининг зарурлигини халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиш эҳтиёжлари ҳам тақозо этади. Халқаро муносабатларда рўй берадиган ҳар қандай муаммони ҳал қилиш биринчи навбатда давлатлар ташқи сиёсий фаолиятига боғлиқ бўлади.

Давлатларнинг ташқи сиёсати ва унинг амал қилинишига ички ва ташқи омиллар таъсир этиб туради. Ички омиллар объектив ва субъектив омиллардан ташкил топади. Объектив омилларга мамлакатларнинг ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ бўлган омиллар, субъектив омилларга эса, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида фаолият кўрсатувчи сиёсатнинг турли хилдаги субъектлари киради. Бу омиллар ташқи сиёсатга таъсир этиши билан бирга унинг зарурлигини ҳам тақозо этади.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал этиш эҳтиёжлари ҳам давлатлар ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Гарчи давлатларнинг умумбашарий муаммоларни ҳал этишга муносабати уларнинг ички сиёсати орқали ишлаб чиқилсада, унинг амалга оширилиши ташқи сиёсатга боғлиқ бўлади. Чунки давлатлар ўзларининг ташқи сиёсати орқали умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссаларини бошқа давлатлар билан ҳамжиҳатликда аниқлаб оладилар. Ташқи сиёсат ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар билан тинч ва аҳил яшаш эҳтиёжларидан ҳам келиб чиқади.

Халқаро хавфсизликни таъминлаш ва дунёда барқарор тинчликка эришиш эҳтиёжлари ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг зарурлигини ифода этади. Ташқи сиёсат ривожининг бутун тарихи давлатларнинг ташқи сиёсатида тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ҳамиша етакчи ўринни эгаллаб келганлигини кўрсатади. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам бу масала ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари ўзига хос хусусиятларга эга. Давлатларнинг ташқи сиёсатига мос бўлган асосий ва муҳим хусусиятларидан бири ташқи сиёсатнинг объектив моҳиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Ташқи сиёсатга хос бўлган объективлик хусусияти давлатларнинг халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришларга муносабат билдиришида ҳам намоён бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳар бир давлатнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса, у жаҳон сиёсатидан четда қолиб кетмаслиги зарурлигидан келиб чиқади.

Ташқи сиёсат ўзгарувчанлик хусусиятига эгадир. Маълумки, мамлакат ичида ва халқаро майдонда рўй берадиган янгидан-янги сиёсий воқеа-ҳодисаларга билдириладиган муносабат ҳамиша бир хилда бўлиб қолмайди. Гарчи бу муносабат давлатлар ташқи сиёсатининг бутунлай ўзгариб кетишига олиб келмаса-да, айтиш пайтда бу сиёсатга маълум даражада таъсир этиб, унинг янги вазият талабларига мос равишда ўзгариб туришига сабаб бўлади.

Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари барқарорлик хусусиятига эга бўлади. Барқарорлик, бир томондан, ташқи сиёсий вазиятга, иккинчи томондан эса, сиёсий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади.

Ташқи сиёсатга турли давлатларнинг мақсад ва манфаатларидаги умумийлик ҳодисаси ҳам ҳосилдир. Бир давлатнинг ташқи сиёсати бошқа давлатларнинг ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан мос келади. Буни ҳар бир давлатнинг жаҳон майдонида рўй бераётган ўзгаришларга бир хил муносабат билдиришда у ёки бу муаммони ҳал этишда, биргаликда ҳаракат қилишида аниқ кўриш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда тинчлик ва ҳавфсизлик учун кураш, ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, терроризм (2001 йиллари Афғонистондаги террорист Усама бин Ладинга), оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш (2003 йил мартда Ироқ президенти Саддам Ҳусайин)га қарши биргаликда кураш ва бошқа шулар сингари сиёсий муносабатларда кўпчилик давлатлар олиб бораётган ташқи сиёсатда умумийлик ҳодисаси устун ўринни эгаллайди.

Давлатларнинг ташқи сиёсатига мамлакат ичидаги ва халқаро майдондаги турли сиёсий кучлар таъсир қилиб турса-да, бироқ улар бирон бир давлатнинг ташқи сиёсатини батамом ўзгартириб юбора олмайди. Ташқи сиёсатга қилинадиган таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсатига кўрсатиладиган ижобий таъсир унинг мамлакат ичида ва халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга, унинг обрў-эътиборининг ошишига ёрдам беради. Бундай шароитда давлат мазкур сиёсий кучлар билан ҳамжиҳат бўлишига, улар фаолияти ва ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаларидан бири дипломатиядир.

Дипломатия – (французча) – давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларида бири. Дипломатик давлат раҳбарлари, ҳукуматлар, давлат ташқи ишлар органлари ва бевосита дипломатларнинг ташқи сиёсат мақсад ва вазифаларини амалга оширишга ҳамда ўз давлатининг ва хориждаги айрим фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берувчи расмий фаолияти шаклида олиб борилади. Демак, дипломатия ташқи сиёсатда давлат ҳокимияти фаолиятининг мақсад-йўналиши бўлиб, дипломатияни ташқи сиёсат орқали амалга ошириш восита сидир.

Ташқи сиёсат муносабатлари 2 кўринишда бўлади:

1. Давлатлар ички кўринишида (Ташқи ишлар вазирлиги амалга оширади).

2. Ташқи кўринишда (Ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси дипломатиядир).

Дипломатияда дипломатик ваколатхоналарнинг 2 шакли бўлиб, улар:

1) доимий дипломатик ваколатхоналар (элчилар, махсус ваколатхоналар – миссия кўринишида бўлади);

2) муваққат ваколатхоналардир.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган ўн икки йили давомида дипломатия соҳасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди.

Дунёдаги 120 дан кўпроқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда 43 мамлакат ўз элчихонасини очди. Эндиликда Ўзбекистон энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Шунинг билан бирга барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантирмоқда. Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистонинг элчихоналари ва консуллари ишлаб турибди³⁰. Ўзбекистон 30 та нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилган. Ўтган йиллар ичида Ўзбекистон кўплаб жуда муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

Элчи - давлатларнинг ўзаро дипломатик алоқаларида фаолият кўрсатувчи дипломатик ваколатхоналар бошлиғи. Одатда элчихона бошқа давлат ҳудудида жойлаштирилган давлат муассасаси - идораси бўлиб, у ўз ҳокимиятининг расмий қарор-фармойишлари ва кўрсатмалари асосида иш олиб боради. қадимдан элчи ҳам подшоҳлар хизматида бўлган. Низомул-мулк фикрича, элчи сўзлашда жасур, жаҳон кўрган, донишманд, ўтқир хотирали, андишали ва чиройли бўлсин. Агар элчи ёши улуғ ва олим бўлса яхшидир, ишонч уйғотади. Элчи улуғвор бўлса камгап, доно элчи яхшироқдир. Элчининг сийрати ва фикри подшоҳнинг сийрати ва фикридан далил. (Низомул-мулк. XI аср. «Сиёсатнома» асари, 103-бет).

7.2. Ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатининг асосий хусусиятлари, ички ва ташқи сиёсатнинг нисбийлиги ҳамда ҳуқуқий асослари

Барча даврларда бўлгани сингари ҳозирги босқичда ҳам давлатларнинг ташқи сиёсати мамлакат ҳаёти ва халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Ҳар бир давр давлатларнинг ташқи сиёсатига ўз хусусиятларини киритгани сингари ҳозирги босқичнинг ўзгаришлари ҳам бу сиёсатда ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги халқаро муносабатлар ва уларнинг ривожланишини давлатларнинг ташқи сиёсатисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бунинг сабаби шундаки, халқаро муносабатлар қандай бўлишидан қатъий назар, давлатларнинг ташқи сиёсати орқали таъсир кўрсатилади. Бу таъсир давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятида амалий кучга айланади ва турли хилдаги натижаларга олиб келади.

Давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро муносабатларда ижобий ёки салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бунинг сабаби жуда хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, айрим ҳолларда давлатлар ўз ташқи сиёсатини, ишлаб чиқиш ва амалга оширишда халқаро муносабатларда рўй бераётган

³⁰ ғуломов С. ва бош. Ўзбекистон 11 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «ЎАЖБНТ» маркази, 2002, 35 – 36-бетлар.

Ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда бу муносабатларда иштирок этишга ва унга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Бунда гап у ёки бу давлат томонидан халқаро муносабатларда рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етмаслик устида эмас, балки уларга онгли муносабат билдириш ҳақида бормоқда. Шундай давлатлар борки, улар айрим ҳолларда халқаро муносабатларда бўладиган ўзгаришлар ва уларнинг оқибатлари билан ҳисоблашмай ҳаракат қилади. Натижада бундай уриниш бошқа давлатларнинг манфаат ва мақсадларига зид келиб қолади ва оқибат халқаро муносабатларда танглик ҳолатлари келиб чиқишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, халқаро муносабатларни тартибга солиб туришда давлат-ларнинг ташқи сиёсати муҳим аҳамиятга эгадир. Ташқи сиёсат ёрдамида давлатлар халқаро майдонда рўй бераётган вазиятга ўз муносабатларини билдирадilar ва ундан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишга у ёки бу даражада ҳисса қўшадилар. Масалан, XX аср 90-йиллари биринчи ва иккинчи ярмида Босния, Герцеговина, Сербия, Хорватия мамлакатлари ўртасида келиб чиққан уруш ҳаракатлари, Чеченистон воқеалари, Афғонистон ва Тожикистондаги можаролар, айниқса 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШ га қилинган террористик хуружга, 2003 йил бошларида Ироқнинг оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш ва йўқотишга дунёдаги кўпчилик давлатлар ўз муносабатларини билдириб, бу мамлакатларда тинчликка эришиш билан боғлиқ масалалар улар ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон ҳам кўпчигина бошқа давлатлар сингари ўз ташқи сиёсатида ҳарбий ҳаракатлар ва можароларни тинч йўл билан бартараф қилиш йўлини изчиллик билан давом эттириб келмоқда.

Учинчидан, халқаро муносабатларда рўй бераётган айрим ноҳуш ҳолатлар, зиддиятли вазиятлар ва қарама-қаршиликлар ҳам давлатлар ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айрим ҳолларда халқаро муносабатларда келиб чиқадиган у ёки бу муаммони ҳал қилишда давлатлар манфаатлари бир-бирига зид келиши мумкин. Бундай шароитда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда давлатларнинг ташқи сиёсатига хос бўлган субъектив ёндошишлар устунлик қилиб қолади. Бунинг оқибатида халқаро муносабатларда салбий ҳолатлар келиб чиқиши мумкин.

Ҳар бир давлат халқаро муносабатларда келиб чиқадиган ана шу салбий ҳолатларни бартараф қилишда ўз ташқи сиёсатини халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда амалга ошириши, кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилган ташқи сиёсат принциплари талабларига риоя қилиши зарур. Халқаро муносабатлар тарихидан маълумки, бундай ҳолатларда келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишда бир томонлама ёндошиш ҳеч қачон ижобий натижага олиб келмаган, халқаро муносабатларнинг ривожланиши бирон-бир давлатга устунлик бермайди.

Ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсатини амалга оширадиган махсус орган Ташқи ишлар вазирлигига эга. Бу вазирлик ўзининг кўп сонли мутахассис ва ташкилотчи кадрлари орқали давлат ташқи сиёсатида фаолият юритади. Бу вазирлик вазифалари хилма-хил бўлиб, уларни самарали ҳал қилиб бориш

ҳар бир давлатнинг халқаро майдондаги нуфуз ва обрў-эътиборининг ошиб боришига сабаб бўлади.

Давлатлараро халқаро муносабатлардаги долзарб муаммоларни ечиш халқаро аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳужжатлар ишлаб чиқирилиши, қабул қилиниши албатта давлатлараро ташқи сиёсат орқали амалга оширилади. Айрим давлатлар томонидан икки томонлама ёки кўп томонлама имзоланадиган ҳужжатлар: шартномалар, декларациялар, меморандумлар, баёноتلар ва бошқа турдаги сиёсий ҳужжатлар ҳамда уларда белгиланган сиёсий-ҳуқуқий нормаларга амал қилиш давлатлар ташқи сиёсатининг асосий жиҳатидир.

Ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири тинчлик ва хавфсизлик ҳамда терроризмга қарши курашдан иборат.

Ҳар бир давлат ўз миллий хавфсизлигини таъминлашга интилиши, аввало унинг ички сиёсати орқали намоён бўлади ва у ташқи сиёсатда акс этади. Бу ўз навбатида, тинчлик учун кураш хавфсизлик учун кураш билан бир эканлигини ифода қилади ва шу асосда давлатлар сиёсатига асос бўлиб хизмат қилади.

Аввало ички сиёсат кучлар фаолиятига боғлиқ. Ички сиёсатнинг самарадорлиги сиёсий ҳокимиятнинг қандай кучлар томонидан амалга оширилиши билан белгиланади. **Ички сиёсат** – муайян шароитда синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Давлатлар томонидан ишлаб чиқиладиган ички ва ташқи сиёсат диалектик қонуният асосида шаклланади ва ривожланади. Уларнинг **умумий алоқадорлиги** қуйидагилардан иборат:

Сиёсатнинг қандай кучлар томонидан ишлаб чиқирилиши барча давлатларга хос хусусиятдир.

Ички ва ташқи сиёсат маълум бир мақсадга қаратилган бўлади.

Умумий қоидаларга асосланади.

Давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига хос бўлган **алоҳидалик**нинг моҳияти қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

Ички ва ташқи сиёсат мамлакатда тарихий, миллий хусусиятларни акс эттиради.

Мамлакатларда фаолият кўрсатувчи сиёсий кучлар ҳар хил синфлар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини акс эттиради.

Ички ва ташқи сиёсат шу мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади.

Тинчлик ва хавфсизлик масаласи сиёсий масала бўлганлиги учун ҳам у давлатлар ташқи сиёсати орқали моддийлашади. Бинобарин, ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсати орқали тинчлик учун амалий фаолият олиб боради ва бошқа давлатларни унга даъват этади.

Тинчлик ва хавфсизлик учун кураш ҳозирги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунёнинг айрим минтақаларида тинч вазиятнинг бузилиб туриши, ҳарбий ҳаракатларнинг рўй бериши, ҳарбий курол-яроғлар

ишлаб чиқариш ва ҳарбий харажатларни кўпайтиришга интилиш сингари ҳолатлар тинчлик ва хавфсизликка доимий равишда хавф солиб туради. Шунинг учун ҳам тинчлик ва хавфсизлик учун курашдан манфаатдор бўлган ҳар бир давлат бу йўлни ўз ташқи сиёсатининг асосий йўналиши қилиб белгилаб олмоқда. Ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан бири тинчлик ва хавфсизлик учун курашда ягона давлат сиёсати бўлишидан иборат.

Давлатлар ташқи сиёсатининг асосий ва муҳим йўналишларидан яна бири умумбашарий муаммоларни биргаликда ҳал этишда давлат сиёсатининг зарурлиги шундаки, бу сиёсат орқали давлатлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларни ҳал қилишда фаол иштирок этиши мумкин.

Умумбашарий муаммолар қайси мамлакат ҳудудида келиб чиққан бўлишига қарамай, уларнинг зарарли оқибатлари барча давлатлар сиёсатида чуқур англаб етилмоғи лозим. Давлат сиёсатида сансалорликка йўл қўйиб бўлмагани сингари умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ҳам ташқаридан томошабин бўлиб қолиш мумкин эмас. Бу умумбашарий муаммоларни ҳал қилишнинг объектив эҳтиёжларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам давлатлар ўз ташқи сиёсатида бу муаммоларнинг салбий оқибатларини чуқур англаб етиши ва уларни ҳал қилишда амалий ҳаракат қилиши лозим.

Халқаро вазиятни соғломлаштириш учун кураш ҳам давлатлар ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Давлатлар ўз ташқи сиёсати орқали халқаро вазиятнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Агар ижобий таъсир халқаро вазиятнинг барқарор бўлишига олиб келса, салбий таъсир натижасида эса, халқаро вазиятда кескинлик ҳолатлари кучаяди, давлатлар ўртасида ишончсизлик келиб чиқади.

Давлатлар ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан яна бири давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва уни янада такомиллаштириб боришдан иборат. Давлатлараро муносабатлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий-техникавий, ҳарбий ҳамкорлик шаклларида иборат бўлиб, бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш ва амалга ошириш ташқи сиёсатга боғлиқ бўлади. Халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам ташқи сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб у давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва роли билан белгиланади.

Давлатлар томонидан олиб бориладиган ташқи сиёсатнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан давлатлар ташқи сиёсати соҳасида амал қиладиган тамойилларда, ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар олдида бурчи ва масъулиятида акс этади.

Ташқи сиёсат соҳасида амал қиладиган тамойиллар ҳам жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида амал қиладиган тамойиллар сингари бирон-бир давлат томонидан ишлаб чиқилмаган. Улар давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ташкил топиш жараёнида бу муносабатларни самарали ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам давлатлар ташқи сиёсатида амал қиладиган тамойиллар мажбурий характерга эга эмас.

Уларга амал қилмаслик эса, давлатларнинг халқаро майдонда яққаланиб қолишига сабаб бўлади.

Жаҳон урушлари натижасида вужудга келган халқаро ҳолат, вазият муаммолари олдин Версалр шартномасида (1919 йил 28 июнр), кейинчалик олдин келишиб олинганига кўра, 1919 йилда ташкил этилган ва 1939 йилгача амал қилган Миллатлар Иттифоқи доирасида кўриб чиқилиб, халқаро ҳуқуқ ақидалар ва қоидалар шакллантирилган, иккинчи жаҳон урушигача амал қилиб келган эди.

Халқаро сиёсий муносабатларда ҳозирги кунда амал қилаётган халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидалари 1945 йил 24 октябрда ташкил этилган БМТ Низомида ўз ифодасини топган. Унда давлат мустақиллигини ҳурмат қилиш, тинч-тотув яшашга риоя қилиш, ўзига юклатилган бурч ва вазифаларни оғишмай бажариш, низо-можароларни тинч, сиёсий музокара йўли билан ҳал қилиш, бир-бирига нисбатан куч ишлатмаслик, ички ишларига аралашмаслик каби қоидалар белгилаб берилган.

БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги асосий ҳужжатларни давлатлар ўз қонунлари руҳига сингдиришган:

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Жеклорацияси» (1948 йил 10 декабрда қабул қилинган)³¹.

«Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт» (1996 йил 19 декабрда қабул қилинган).

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт» (1966 йил 19 декабрда қабул қилинган).

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга факултатив Протокол» ва ҳ.к.

Давлатларнинг ташқи сиёсатида кўпгина умумий томонлар борки, бу уларнинг жаҳон сиёсатининг долзарб муаммоларни ҳал қилишда ўз фаолиятларини мувофиқлаштиришларини талаб этади. Бу объектив зарурият давлатларнинг ташқи сиёсати соҳасида амал қиладиган тамойилларнинг талабларидан келиб чиқади. Тенг ҳуқуқли асосларда ҳамкорлик қилиш, бир давлатнинг бошқасига ўз ҳукмини ўтказмаслиги, ички ишларига аралашмаслик, ғоявий мухолифликдан холи бўлиш, халқаро муносабатларга доир муаммоларни ҳал қилиш ишларида фаоллик кўрсатиш, ташқи сиёсат соҳасида ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиш ва бошқа шулар сингари кўплаб тамойиллар ҳозирги босқичда давлатлар ташқи сиёсатини белгилаб бермоқда. Бу тамойилларга оғишмай амал қилиш давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли ва самарали бўлишига ёрдам беради.

Давлатлар ташқи сиёсатининг ишончли бўлишида ғоявий мухолифатликдан воз кечиш тамойилига амал қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ғоявий мухо-лифлик давлатларни бир-бирига яқинлаштириш эмас, балки уларни узоқлаш-тиришга, улар ўртасида душманлик кайфиятининг авж олишига сабаб бўлади.

³¹ Инсон ҳуқуқлари. Тошкент: «Ўзбекистон», 1997, 183 – 233-бетлар.

7.3. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналиш ва тамойиллари

Ўзбекистон давлатлараро муносабатларда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, илмий-техник соҳаларда икки ва кўп томонлама алоқаларни кенг йўлга қўйган. Бу борада:

МДХ доирасидаги мамлакатлар билан.

Ривожланган ғарб ва Шарқ давлатлари билан.

Осиё, Африка, Лотин Америка ва Кариб ҳавзасидаги ривожланаётган давлатлар билан дипломатик алоқалар, йўналишларда ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 4-боб 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлардаги ташқи сиёсатининг **ҳуқуқий принциплари** ишлаб чиқилди ва асослаб берилди:

- 1) суверенитети, тенглиги;
- 2) куч ишлатмаслик ёки таҳдид қилмаслик;
- 3) чегараларнинг дахлсизлиги;
- 4) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 5) бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик³².

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатни амалга оширишдаги 6 та принципини ишлаб чиқди ва асослади. Ана шу ташқи сиёсатнинг **амалий принциплари** қуйидагилардан иборат:

1) Миллий давлат манфаатлари устун бўлган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш.

2) Умумбашарий қадриятлар устунлиги, халқаро майдонда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш. (Ўзбекистонни ядросиз минтақага айлантириш, ҳарбий блок, уюшмаларга кирмаслик. Низоларни ҳал этишда куч ишлатмаслик, таҳдид қилишдан воз кечиш, халқаро ҳужжатларни тан олиш, уларга риоя қилиш).

3) Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатлар ички ишларга аралашмаслик. Тенглар орасида тенг бўлиш.

4) Мафкуравий қарашлардан қатъий назар очиқ-ойдинлик, барча давлатлар билан кенг ташқи алоқани ўрнатиш.

5) Ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиш.

6) Ҳам икки томонлама ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш².

Юртбошимиз бу амалий принципларни ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўса-ғасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ҳам изоҳлаб берди³.

³² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2001, 8–9-бетлар.

² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 –Т.: Ўзбекистон, 1996, 50-52-бетлар.

³ Каримов И. А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6 –Т.: Ўзбекистон, 1998, 239-240-бетлар.

1995 йил 30 августда «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида» Олий Мажлис қарори қабул қилинди.

1996 йил 26 декабрда «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Ҳозирги жаҳон тараққиётида халқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари

Биз яшаётган ҳозирги даврнинг характерли хусусиятларидан бири халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиб боришидан иборат. Бу муносабатлар жаҳон тараққиётининг моҳиятини белгилаб бермоқда, халқлар ва давлатлар ўртасидаги хусусиятлар алоқаларнинг мазмунини ташкил этмоқда, давлатлараро ҳамкор-ликнинг ривожига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатлар тараққиёти сиёсий фаолият натижаларига боғлиқ. Давлатларнинг вужудга келиши улар ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлган. Бу объектив характерга эга. Ҳеч бир мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас.

Халқаро сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг таркибий қисмидир. Бу муносабатлар давлатларнинг вужудга келиши ва улар ўртасидаги алоқаларнинг шаклланиши асосида рўй берган. Ўтмишда энг қадимги давлатлар: Миср, Вавилон, Эрон, Урарту, Юнонистон, Рим ва бошқа давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши шундай кечган.

Ҳамкорликнинг хилма-хил шакллари хусусан сиёсий ҳамкорлик муносабатлари сиёсат ва давлат арбобларининг қарашларида ўз аксини топган.

Сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Бу муносабатлар тўғрисида француз политологи Раймон Арон шундай ёзади. «Халқаро сиёсий муносабатлар, бу социал бирликлар ва институтлар (давлат, миллат, синф, социал қатлам ва гуруҳлар, дипломатик хизмат маҳкамаси) ўзаро алоқалари ва таъсир заминиди шаклланувчи муносабатларнинг бир кўринишидир». Унинг фикрича, иқтисодий, маданий ва социал муносабатлар ўз эволюциясининг маълум бир босқичида, яъни сиёсий тизим давлатчилик ва бошқарув системасининг барқарорлиги билан боғланган жойда ўз-ўзидан сиёсий тус олади. Демак, халқаро сиёсий муносабатлар давлатлар, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг мамлакатлар ўртасида олиб борадиган фаолиятидир.

Узоқ йиллар давомида халқаро сиёсий муносабатлар масаласига синфийлик асосида ёндошиб келинди. Бу йилларда мазкур масалага ғоявий тус берилиб, давлатлар ва мамлакатлар ўртасидаги икки хил тузум ўзаро муносабатлар сифатида таърифлаб келинди.

Ҳозирги кунда халқаро муносабатларда ҳарбий, сиёсий ихтилофларга йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсоният тақдири, жаҳон

цивилизацияси тақдири хавфсизликнинг қай даражада таъминланганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам жаҳон уруши хавфининг олдини олиш, қуролланиш пойгасининг тўхтатилишига қаратилган чора ва тадбирларни амалга ошириш давлатлар ўртасидаги муносабатларда муҳим ўрин эгаллайди. Эндиликда жаҳон жамоатчилиги ва халқлари ҳарбий устунликдан ҳеч ким ютмаслигини тушуниб етмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларда халқаро терроризмга қарши кураш зарурлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Терроризм XX асрнинг сўнгги ва XXI асрнинг бошларидаги энг мудҳиш ижтимоий-сиёсий ҳодисалардан бири бўлиб, халқаро муносабатларнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Терроризм давлатларнинг сиёсий тузуми, ривожланиш йўли ва тараққиёт даражасидан қатъий назар жаҳондаги барча давлатларни ўзаро келишувга, унга қарши мурасасиз кураш олиб боришга мажбур қилмоқда. Чунки терроризм алоҳида олинган бир мамлакатнигина эмас, балки барча давлатлар ва халқларнинг умумий муаммосига айланиб бормоқда.

Терроризм томонидан, айрим ёки бир гуруҳ кишилар томонидан у ёки бу давлатда ижтимоий-сиёсий тартибни бузишга, қўпоровчилик қилишга, шу ҳаракати билан халқларни кўрқитишга қаратилган ҳаракатдир.

Терроризмнинг кўринишлари турли хил бўлиб, улар ўз ичига сиёсий раҳбарларга суиқасд уюштириш ёки гаровга олиш, давлат тўнтаришини амалга ошириш, муҳим объектларни портлатиш, қўпоров ишларини амалга ошириш каби ҳаракатлар бўлиб, уларнинг барчаси халқаро муносабатлар соҳасида турли хилдаги зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Масалан, 1995 йилда Исроил давлатининг Бош вазири Исҳоқ Рабининг ўлдирилиши Исроил билан кўпчилик араб давлатлари ўртасидаги муносабатларга кучли салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли ҳам Мисрнинг Аш-Шайх шаҳрида 1995 йилнинг май ойида ва 1999 йил 18–19 ноябрда ЕХХТнинг Истамбул самитида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро кенгаш ўтказилди. Бу кенгашларда кўпчилик давлатларнинг Президент-лари қатнашиб, улар терроризмнинг ҳар қандай кўринишига биргаликда кураш ҳар бир давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиши зарурлиги, унга қарши кураш эса барча давлатларнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлашди. Кенгашда терроризмга қарши курашнинг йўллари ишлаб чиқилди. Худди шундай ҳолат 2001 йил 11 сентябрида АҚШда террористлар томонидан амалга оширилган хуружлар муносабати билан ҳам юзага келди.

Халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиши бу муносабатларда келиб чиқадиган турли хилдаги зиддиятларга ва уларни ҳал қилишга боғлиқдир. Бундай зиддиятлар халқаро сиёсий муносабатларда турли хил сабабларга кўра хилма-хил шароитларда рўй беради. Уларни келтириб чиқарадиган омиллар халқаро сиёсий муносабатларнинг ривожланиш жараёнида, ўзига хос даражада намоён бўлади ва бу муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади.

Зиддиятлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари халқаро сиёсий муносабатларнинг ҳам ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Халқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган ҳар қандай зиддиятни ҳал қилишга алоҳида ёндошиш талаб этилади. Уларнинг ҳаммасини бир хилдаги усуллар ёки воситалар ёрдамида ҳал қилиш мумкин эмас. Шунингдек, бундай зиддиятлар ечимини топиш учун халқаро сиёсий муносабатларда иштирок этувчи барча субъектларнинг куч-ғайратини бирлаштириш талаб қилинди. Ҳолбўки бундай субъектларнинг ҳар бири ўз манфаати ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд зиддиятларни бартараф этишда иштирок қилади. Бироқ шундай зиддиятлар бўладикки, уларда ифодаланган муаммоларнинг айримларини ҳал қилишда субъектларнинг фаолиятини, айниқса, давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини ташкил этиш талаб қилинади. Бундай ҳамкорлик, хусусан хавфсизлик соҳасида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишда, минтақавий бартараф этиш учун курашда ниҳоятда зарурдир.

Халқаро сиёсий муносабатларда келиб чиқадиган зиддиятларни бирон-бир томоннинг фойдасига ҳал этишга уриниш бу муносабатларда кўплаб нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам давлатлар халқаро сиёсий муносабатларни ҳал этиш ишига бир томонлама ёндашувлардан воз кечган ҳолда ҳаракат қилиши зарур. Бу заруриятни Ислом Каримов қуйидагича таърифлаган эди «... халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бирлашишга интилишни кучайтирмоқда».

Халқаро ҳуқуқ - давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари ўртасида олиб бориладиган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги алоқаларнинг қонун ва қоидалари мажмуидир.

1945 йили БМТ ташкил топди. Унинг Низомида янги даврда мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди.

Халқаро сиёсий муносабатларда вужудга келган можароли муаммоларни халқаро ҳуқуқ, қонун-қоидалари негизида тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Халқаро Суд фаолият кўрсатади. (Масалан, хунрезлик ишларини олиб борган Югославия Президенти Славада Милошевич ана шу Гагадаги Халқаро суд томонидан тергов қилинди.).

Халқаро сиёсий муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар.

БМТ Устави ва бошқа ҳужжатларда халқаро сиёсий муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- 1) давлатларнинг суверен тенглигини ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- 2) тинч-тотув яшаш сиёсатига оғишмай амал қилиш;
- 3) халқаро келишмовчиликларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш;
- 4) давлатлар чегараларининг дахлсизлиги ва ҳудудининг бир бутунлигини тан олиш;
- 5) инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- 6) миллатлар ва элатларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш;
- 7) халқаро мажбуриятларга виждонан амал қилиш.

БМТ нинг 1970 йилда қабул қилинган Декларациясига асосан суверен тенглик тушунчаси қуйидаги талабларни ўзида ифода этади:

- а) давлатларнинг юридик жиҳатдан тенглиги;
- б) бир давлат бошқасини ҳамкорликнинг субъекти сифатида ҳурмат қилиши;
- в) ҳар бир мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини, ҳудудининг бир бутун-лигини тан олиш;
- г) ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожини ўзи белгилаши.
- д) ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини сўзсиз бажариши ва бошқалар.

7.4. Жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётида халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши ва унинг турлари

Халқаро ташкилотлар деб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданий ва илмий-техник асосларда умумий мақсадларга эришиш учун давлатлар, миллий жамият уюшмалари бирлашувларидан ташкил топган ташкилотларга айтилади. Бу давлат-лар ўртасидаги кўп томонлама алоқа қилишнинг энг муҳим кўринишларидан биридир.

Халқаро ташкилотлар тузишга бўлган уринишлар қадим замонларга бориб тақалади. Лекин ҳозирги замонавий халқаро ташкилотлар XIX асрнинг 2-ярмида шакллана бошлаган. Давр давлатлар ва халқлар ўртасида иқтисодий, хўжалик алоқаларини ҳар томонлама янада ривожлантиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда ҳар хил мазмун ва мақсадларга бўйсундирилган 2,5 мингдан ортиқ халқаро ташкилотлар мавжуд. Бу халқаро ташкилотлар 2 та катта гуруҳга ажратилади:

- 1) Давлатлараро халқаро ташкилотлар (фақат давлатлар аъзо бўлиши мумкин).
- 2) Нохукумат характериға эға бўлган халқаро ташкилотлар (буларға миллий уюшмалар, жамиятлар, ноҳукумат характеридаги бирлашмалар, ҳатто айрим шахслар ҳам аъзо бўлишлари мумкин).

Халқаро ташкилотлар аъзоларининг сони ва таркибига қараб иккига бўлинади:

- 1. Умумий (универсал) типдаги халқаро ташкилотлар (турли социал-сиёсий тузумдаги давлатлар иштирок этади).

2. Бир хил типдаги (регионал, субрегионал) халқаро ташкилотлар.

Бу халқаро ташкилотлар халқаро муносабатларда ҳамкорлик қилишларига қараб ҳам фарқланади: Масалан, тинчлик ва хавфсизлик, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларға тааллуқли масалалар билан шуғулланадиган ташкилотлар.

Бундан ташқари алоҳида вазифаларни бажарувчи халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд. Масалан, илмий-техник, маданий, таълим, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш ва бошқа масалалар билан шуғулланувчи ташкилотлар.

Барча турдаги халқаро ташкилотларнинг ўз устави бўлади. Бу устав халқаро шартнома кўринишига эгадир. Устав халқаро ташкилот аъзолари учун қонун вазифасини ўтайди. Унда уларнинг мақсади, тамойиллари, тузилиши ва фаолият усулини белгилаб беради. Унинг қоидалари ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг принципи ва нормаларига зид келмаслиги шарт.

Халқаро ташкилотларнинг ички тузилиши турли-туман бўлишига карамай уларнинг кўпчилиги учун бир хил бўлган умумий белгилари бўлади. Масалан, деярли ҳамма халқаро ташкилотларнинг олий органи **умуммажлис** (конферен-ция)дир. Бу мажлис ҳар хил муддатда ёки бир неча йилда бир марта чақирилиши мумкин. Бу олий органнинг вазифасига: таъсис Уставини қабул қилиш, ўзгартириш, қўшимча киритиш, янги аъзоларни қабул қилиш, аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш, бюджет қабул қилиш ва бошқалар киради. Конференциялар оралиғида халқаро ташкилотларнинг фаолиятини ижроия Совети (ижро этувчи комиссия, президиум ва бошқалар) бошқариб туради.

Одатда ҳар бир халқаро ташкилотларнинг Бош котиб (директор) раҳбарлигидаги доимий котибияти мавжуд бўлади. Бундан ташқари консультатив характердаги бошқа ёрдамчи қўмиталар барпо этилади. Масалан, турли комиссиялар, қўмиталар, ишчи группалари, кенгашлар ва шунга ўхшашлар.

Халқаро ташкилотлар турли қарорлар, таклифлар ишлаб чиқадилар. Лекин айрим халқаро ташкилотлар қарорлари тавсияномалар шаклида бўлиб, бу тавсиялар юридик жиҳатдан бажарилиши шартлиги унинг ҳамма аъзолари учун ҳисобланмайди. Фақат айрим давлатлараро ташкилотларгина мажбурий характердаги қарорлар қабул қилишга ҳақлидирлар. Масалан, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳақидаги резолюциялари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг санитария регламентлари барча давлатлар, биринчи навбатда уларга аъзо бўлган давлатлар учун бажарилиш шарт ҳисобланади.

Кўпгина ноҳукумат характериға эга бўлган ташкилотлар БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кабилар қошида консультатив статусға эгадирлар. Консултатив муносабатлар ноҳукумат характеридаги бундай халқаро ташкилотларға давлатлараро халқаро ташкилотларнинг ишида қатнашиш учун айрим ҳуқуқларни беради. Масалан, улар айрим органларининг кун тартибига қўшимчалар киритиш, оғзаки арзномалар билан чиқиш, ўз компетенциялари доирасидаги айрим масалалар юзасидан махсус тадқиқотлар ўтказиб, шу асосда ҳужжатлар тайёрлаш, у ёки бу органларнинг мажлисларига, шунингдек шу давлатлараро ташкилотнинг чақирилаётган халқаро конференциясига ўз вакилларини юбориш ҳуқуқлари берилади.

Ҳозирги кунда жаҳонда юздан ортиқ халқаро ташкилотлар бўлиб, улар ўзларининг ташкил топиш тарихи, мақсади, хусусияти, вазифалари, тузилиши ва фаолиятининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларнинг жаҳон ривожланишида тутган ўрни ҳам турлича. Халқаро ташкилотлар ўзининг оммавий характери, илмий хусусияти, тараққиёт даражаси,

мақсадлари, вазифалари ва халқаро муносабатлардаги ўрнига қараб бир неча турга ажралади:

1. Ихтисослашган халқаро ташкилотлар: БМТнинг ЮНЕСКО бўлими, БМТнинг ФАО (Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича) бўлими, БМТнинг ЮНИДО (Саноат тараққиёт дастури), ЖССТ (БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти), БМТнинг Космик комитети, БМТнинг Парламентлараро халқаро ташкилоти, ЕХХТнинг Парламентлар Ассамблеяси, ЮНИСЕФ – БМТнинг Болалар муаммоси билан шуғулланувчи комитети, МАГАТЕ, ХВФ, ВОИС - БМТнинг Бутунжаҳон Маънавий Мулк Ташкилоти ва ҳоказо.

2. Регионал (минтақавий) халқаро ташкилотлар: АДИ, Америка Давлатлари Ташкилоти, Африка Бирлиги Ташкилоти, Осиё ва Африка Бирлиги Ташкилоти, Жанубий-Шарқий Осиё Давлатлари Уюшмаси, Болтиқ Денгизи Кенгаши, Ҳинд океани уюшмаси ва ҳ.к.

3. Иқтисодий халқаро ташкилотлар: Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё Бирлашган Иқтисодий Тараққиёти юзасидан «Поломбо плани», Марказий Америка Умумий бозори, Халқаро Энергетика Агентлиги, Осиё давлатлари Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Жаҳон Интеллектуал мулки ташкилоти, Осиё Ривожланиш банки, ЭКОСОС, МДҲ ва ҳ.к.

4. Ҳарбий-сиёсий халқаро ташкилотлар: НАТО, АНЗЮС, СЕАТО, СЕНТО, ғарбий Европа Иттифоқи ва ҳоказо.

Ҳозирги жаҳон тараққиётида халқаро муносабатларни демократиялаш

Халқаро сиёсий муносабатларда иштирок этаётган ҳар бир давлат, у катта ёки кичиклигига қарамай, ўзи танлаган йўлдан ривожланишга ҳақлидир. Турли сиёсий тузумдаги давлатлар бирга яшар экан, бир-бирларининг танлаган йўлини ҳурмат қилиши ва у билан ҳамкорликда яшашга интилиши зарур, акс ҳолда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда турли хилдаги қарама-қаршиликлар келиб чиқиши шубҳасиздир.

Ҳозирги даврда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар, гарчи бирмунча барқарорлашган бўлса-да, бироқ у ҳамон чигаллигича қолмоқда. Бу чигаллик барча давлатлар ва халқларни ташвишга солмоқда. Шу туфайли ҳам халқаро муносабатларни соғломлаштиришнинг турли хил йўллари ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, кейинги йилларда «кенг қамровли хавфсизлик», «кучлар нисбатидан манфаатлар нисбатига ўтиш», «жаҳондаги можаролар ва кооператив муносабатларни мувофиқлаштиришда дипломатик маҳорат» тўғрисидаги турли хил концепциялар ишлаб чиқилмоқда ва уларда халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришга доир турли фикрлар илгари сурилмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришнинг энг муҳим йўли халқаро муносабатларни демократик асосларда қайта қуришдир. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар шу қадар мураккаб ва зиддиятлики,

унинг тақдирини бир-икки ёки бир гуруҳ кучли давлатлар ихтиёрига топшириб қўйиш мумкин эмас. Бунда кўпчилик давлатларнинг биргаликдаги ҳаракати муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатларда иштирок этаётган барча давлатларнинг БМТ ҳужжатларида ишлаб чиқилган умумий қоидаларига оғишмай амал қилиши мамлакатлар ва халқларнинг демократик йўлдан ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирги дунёнинг ўзаро боғлиқлиги, бир бутунлиги халқлар ва давлатлар ўртасидаги халқаро алоқаларга демократик тарзда амал қилинишини тақозо этади. Янгича демократик дунёқараш ҳозирги вақтда умуминсоний қадриятлар ва манфаатларни қарор топтириш учун давлатлар ҳамкорлиги ғоясини илгари сурмоқда.

Умуминсоний қадриятлар ва манфаатларнинг синфий, миллий, давлатлар манфаатларидан устунлигини эътироф этиш мамлакатлар ўртасидаги янгича демократик вазиятни вужудга келтиради.

Халқаро муносабатларда соғломлаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Кейинги йилларда бир қанча қуйидаги концепциялар ишлаб чиқилди: 1) «минг қамровли хавфсизлик»; 2) «кучлар нисбатидан ман-фаатлар нисбатига ўтиш»; 3) «жаҳондаги можаролар ва кооператив муносабат-ларни мувофиқлаштиришда дипломатик маҳорат» тўғрисидаги концепциялар шулар жумласидандир. Улар сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришнинг турли йўллари илгари сурмоқда.

Халқаро сиёсий муносабатларни барқарорлаштиришнинг энг муҳим йўли:

1. Халқаро муносабатларни **демократик асосда** қайта қуришдир. Бунда бир ёки икки давлат ҳал қилиб бўлмайди. Бунда кўпчилик давлатларнинг ҳаракати зарур бўлади.

2. Зиддиятларнинг келиб чиқиши: а) ҳозирги тарихий босқичнинг қарама-қаршиликларидан келиб чиқса; б) сиёсий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ.

Европада коммунистик тартиб барҳам топди. Варшава Шартномаси тугатилди. Собиқ СССР мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Шунга қарамай ҳозирги вақтда муҳим қийинчиликлар мавжуд. Давлатлар ўртасидаги ташқи муносабатлар ички муносабатларга таъсир қилади. Бу давлатларнинг турли босқичларда ривожланаётганлиги ва сиёсати билан боғлиқ. Эндиликда БМТ ишлаб чиққан демократик принципларига оғишмай амал қилишни давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистон давлатининг халқаро сиёсий ташкилотларда иштирок этиши ва унинг аҳамияти

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон асрларга татигулик йўлни босиб ўтди. Айниқса, бу унинг халқаро алоқаларида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Турли қитъалардаги давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар

йўлга қўйилгани, нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилинаётгани, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг долзарб халқаро муаммоларни ҳал этиш борасидаги ташаббуслари жаҳондаги катта сиёсатчилар томонидан қўллаб-қувватланаётгани бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеяси 48 ва 50-сессияларида ва минг йиллик саммитида сўзлаган нутқлари жаҳон афкор оммасининг эътиборини қозонди, мамлакатимиз обрў-эътиборини оширди.

Ўзбекистоннинг минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, Афғонистонда биродаркушлик урушига барҳам бериш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш каби ташаббуслари халқаро жамоатчилик томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Айниқса, Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида тузилган 6Қ2 гурҳи, бу гуруҳнинг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви ва унда қабул қилинган Декларация катта эътиборга молик бўлди. Мазкур Декларация БМТ томонидан расмий ҳужжат сифатида тарқатилди ва бу нуфузли халқаро ташкилотнинг бир қатор резолюцияларига асос бўлди.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Ўзбекистон ҳозирги пайтда 140 дан ортиқ хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилади. Юртимизда 15 мингга яқин корхона маҳсулотлари экспорт-импорти билан шуғулланмоқда. Хорижий сармоя иштирокида 2 мингдан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса махсус битимлар асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги алоқаларимиз минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

ЕХХТга аъзо давлатлар раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларининг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган (1999 йил 18–19 ноябр) учрашуви давримизнинг энг муҳим анжуманларидан бири бўлди. Республикамиз Президентининг мазкур анжумандаги нутқи аниқ таклифлари ва мулоҳазалари билан йиғилганлар эътиборини қозонди. Айниқса, терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш борасидаги таклифи қўллаб давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШга қилинган террористик ҳуруж бу фикрни яна бир бор исботлади. МДХ доирасидаги ана шундай терроризмга қарши марказнинг таъсис этилишига ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг таклифи сабаб бўлди.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), қочоқлар иши бўйича БМТнинг Олий Комиссарлиги, БМТнинг гиёҳванд

моддаларни назорат қилиш бўйича дастури (ЮНДКП), Жаҳон почта иттифоқи, Тараққиёт дастури каби БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари ишида фаол иштирок этаётганлигини албатта қайд этишимиз лозим.

1996 йил 21 июнда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи (ЕИ) ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди. Мазкур битим фундаментал, кенг қамровли бўлиб, жуда кўп соҳаларда томонлар орасидаги муносабатларни янги поғонага кўтармоқда. Улар орасида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, инвестиция, молия, божхона, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация, почта, стандартлаштириш, транспорт, статистика, туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўпгина соҳалар бор.

Айниқса БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти билан Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик муносабатлари яхши самара бермоқда. Мамлакатимиз 1993 йил 26 октябрда унга аъзо бўлган эди. Президентимиз Ислом Каримов ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясида таъкидлаганидек, «Биз ЮНЕСКО тимсолида энг муҳим инсонпарварлик масалаларининг ечимига ижодий ёндашишда ҳаракат-лантирувчи куч бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос, бетакрор халқаро ташкилотни кўрамиз. ЮНЕСКО маънавий уйғониш йўлига кирган кўплаб мамлакатларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам халқаро маънавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун, бутунжаҳон интеллектуал майдонида янада кенгроқ фаолият кўрсатиш учун имконият яратиб бераётган ташкилотдир»³³.

Қисқача хулоса

Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатлар жаҳон майдонида рўй бераётган сиёсий воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг хусусиятларини ўзида ифода қилмоқда. Ҳар бир мамлакатнинг сиёсий ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар сиёсий муносабатлар оқимида кўшилиб, унинг мазмунининг бойиб боришини таъминламоқда.

Халқаро муносабатларда қайсидир давлат томонидан олиб бориладиган терроризм энг хавфли ижтимоий-сиёсий ҳаракат бўлиб, халқаро муносабатларни тартибга солишга ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқ давлатлар томонидан ишлаб чиқилган шунчаки қонун ва қоидалар бўлмай, объектив жараён бўлиб, кишиларни ўраб турган дунё билан ўзаро алоқаларга интилишлари натижасида қарор топган.

Умуминсоний манфаатлар халқаро сиёсий муносабатлардаги ихтилофлардан устун туради. Бундай манфаатлар турли сиёсий тузумлардаги давлатларни, ҳозирги замоннинг долзарб масалаларини ҳал этишда биргаликда куч-қудрат сарфлашга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида халқаро сиёсий муносабатларнинг барқарор-лашиб, демократик асосларда ривожланиб боришини таъминлайди.

Умуминсоний қадриятлар ва манфаатларнинг синфий, миллий, давлатлар манфаатларидан устунлигини эътироф этиш мамлакатлар ўртасидаги янгича демократик вазиятни вужудга келтирмоқда.

³³. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7 –Т.: «Ўзбекистон», 1999, 205-бет

Умумисоний манфаатлар халқаро сиёсий муносабатлардаги ихтилофлардан устун туради.

Умуман мавзу юзасидан шундай фикрга келиш мумкин:

1. Халқаро сиёсий муносабатлар ижтимоий бирликлар ва ижтимоий инсти-тутларнинг ўзаро алоқалари ва таъсири замирида шаклланувчи муносабатлардан бир кўриниши сифатида сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотларининг мамлакатлар ўртасида олиб борадиган фаолиятини англатади.

2. Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатларда демократик, умуминсоний тамойиллар, умуминсоний қадриятлар ва манфаатлар синфий, миллий ҳамда давлатлар манфаатларидан устунлик қилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси халқаро сиёсий муносабатларнинг муҳим субъекти сифатида ўзининг тинчликсевар сиёсати, халқаро терроризмга, гиёҳ-вандликка қарши кураш каби таклифлари билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини қозонмоқда.

Умуман, Ўзбекистон жаҳон халқаро ташкилотларининг ихтисослашган, иқтисодий, минтақавий, ҳарбий-сиёсий ташкилотлари бўлимларида фаол иштирок этиб, минтақавий ва дунё барқарорлигини сақлашда Юртбошимиз томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятларини аниқланг?
2. Халқаро сиёсат нима?
3. Ҳозирги жаҳон тараққиётида янгича сиёсий тафаккур нималарда сезилади?
4. Ҳозирги халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари қандай?
5. Давлатлараро муносабатларни демократлаштириш ва мафкуравий курашдан холи қилишнинг йўллари аниқланг?
6. Халқаро сиёсий муносабатларда манфаатлар сиёсати устунлиги деганда нимани тушунасиз?
7. Ўзбекистон Республикаси халқаро сиёсий муносабатларда қандай ўрин тутмоқда?
8. Ташқи ва халқаро сиёсатнинг ўзига хос жиҳатларини баён этинг?
9. XX аср охирида давлатлар ташқи сиёсатида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
10. Ташқи сиёсат қандай тамойилларга асосланади?
11. Халқаро ташкилотлар ташқи сиёсатда қандай ўрин тутди?
12. Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатига хос бўлган жиҳатлар нимада?
13. Халқаро муносабатларда қандай тамойилларга асосланиш лозим?
14. Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистоннинг ўрни қандай?
15. Давлатнинг ташқи сиёсатига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар деганда нимани тушунасиз?

Қиқача хулосалар

Пировардида шундай фикр билдириш мумкин:

Демак, ташқи сиёсат тушунчаси давлат ҳокимиятининг халқаро муносабат-ларга нисбатан ишлаб чиқилиб, амалга ошириладиган сиёсат курсини англатади.

Халқаро муносабатларда ташқи сиёсатни белгиловчилик роли шундаки, бу муносабатларнинг қандай ривожланиши биринчи навбатда давлатлар фаолиятига боғлиқ бўлади. Жамият ҳаётида амалда бўлган бошқа бирон-бир ташкилот ёки сиёсий куч халқаро муносабатларга давлат ташкилоти сингари кучли таъсир қила олмайди. Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам ўзининг халқаро муносабатларга таъсирини унга аъзо бўлган давлатлар орқали амалга оширади.

1. Ташқи сиёсат объектив сиёсий ҳодиса сифатида давлатларнинг эҳтиёжлари ва миллий манфаатларидан келиб чиқади. Давлатлар учун ташқи сиёсатнинг зарурияти бир давлатнинг бошқаси билан ўзаро муносабатда бўлиши ва ўзаро ҳамкорликни турли шаклларда олиб бориши билан бошланади.

2. Ҳозирги даврда давлатлар ташқи сиёсатида муҳим аҳамиятга эга ҳолат ташқи сиёсат мафкурадан холи қилиниши зарурлигидир. Иккинчи томондан эса, ташқи сиёсат соҳасида амал қиладиган тамойилларга ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар олдидаги бурчи ва масъулиятини англаши масаласидир.

3. Мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатдаги муҳим жиҳатлар - халқаро муносабатларда очиқ-ойдинлик, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорликка амал қилишдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 6 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар, 6-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 1998, 38-39 бетлар.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқод ива буюк келажакка ишончдир. 8-жилд, Т.: «Ўзбекистон», 2000, 499-500-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи» 2002 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ бош ассамблеясида сўзлаган нутқи. «Фидокор», 2000 йил 12 сентябр.
6. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қувватимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.

7. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.
9. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қара шва ёндашувлар Билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
10. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқарии сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.
11. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
12. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар, «Академия» нашриёти, 2001.
13. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. Т.: «Шарқ», 1997.
14. Геополитика и мировое развитие. – М. 1995.
15. Галхин А. Мир как система. Полис, 1998. №4.
16. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.
17. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида, Т.: «Ўзбекистон», 2001.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 24, 38-бетлар.
19. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияка кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 427-435 бетлар.
20. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.
21. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.
22. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.
23. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., Султонов Т., Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
24. Бекмуродов А. Ш. , Алиев Б., Бобоев А ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Тошкент. 2005.
25. Т. Султонов, А. Ҳайитов. Демократик жамият сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. ТДИУ 2005й.
26. Б. Алиев ва б. Парламентаризм тараққиёти бўйича тест саволлари. ТДИУ 2005.

ХОТИМА

Демак, хотима ўрнида шуни айтиш мумкин, **биринчидан**, сиёсатшунослик фани ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга. Унинг пайдо бўлиши, шаклланиши сиёсий қарашлар ва таълимотларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ.

Иккинчидан, мамлакатлар ва халқлар тарихида мустақиллик демократик жамиятга ўтиш жараёни билан бевосита боғлиқ. Мавжуд ўтиш жараёни Ўзбекистон халқлари ҳаётида ҳам янги даврни бошлаб берганлиги билан характерланади. Политология фани ана шу янги даврнинг, мустақилликнинг мевасидир.

Учинчидан, сиёсатшунослик фани мавжуд сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнларни таҳлил этишда ва унинг ўтмиши, ҳозирги замон ва келажакда ривожланиш истиқболларини, муаммонинг ечимини кўрсатиб беришда муҳим ўрин тутаяди.

Тўртинчидан, мамлакатдаги сиёсий жараёнлар, унинг сиёсий тизими, демократия ва сайлов, сиёсий ҳокимият ва унга бўлган муносабатга хос бўлган хусусиятларни қиёсий-сиёсий таҳлил этган ҳолда ҳулосалар бериш ривожланиш истиқболлини белгилашда ўзига хос ўринга эга.

Бешинчидан, сиёсий ҳаётни ўрганиш унда иштирок этаётган субъектлар фаолиятига таянишни тақозо этади. Шунда сиёсий маданият ва мафкура масалаларининг сиёсат билан муносабати халқларнинг сиёсий онги, сиёсий жараённи идрок этишда ўзига мос тарзда кўзга ташланади.

Олтинчидан, Политология халқаро тизимлар ва умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганиш мустақиллик муносабати билан Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг субъектига айланганлиги билан боғлиқ. У сиёсий таҳдидларга, сиёсий, ғоявий фикр ва башоратга эҳтиёжининг ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Политология фани ўз истиқболига эга. Мустақиллик эса унга янгидан – янги имкониятларни очиб бермоқда. Бу сиёсий фан сифатида сиёсатшунослик фанини чуқур ўрганишни, сиёсий таҳлил, янги сиёсий ғоя, фикр ва қарашларни ўртага ташлаш, сиёсий жараёнларнинг ютуқларини, айти пайтда унинг мураккабликлари ечимини сиёсий нуқтаи назардан кўра олиш орқали, мамлакатимизда ва дунёда умумбашарий барқарорликни таъминлашга, сиёсий фанлар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001.
2. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 3–28-бетлар.
3. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.Т: "Ўзбекистон", 1999, 29-58-

- бетлар.
4. "Сиёсий партиялар тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги қонуни. "Маърифат", 1997 йил 8 январь.
 5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги 1997 йил 29 августдаги қонуни. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.Т.: "Шарқ", 1997, 20-29-бетлар.
 6. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги 1997 йил 29 августдаги қонуни. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: "Шарқ", 1997, 30-63-бетлар.
 7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т. I - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
 8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.2 - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
 9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3 - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
 10. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4-Т.: «Ўзбекистон», 1996.
 11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5-Т.: «Ўзбекистон», 1997.
 12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998.
 13. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7-Т.: «Ўзбекистон», 1999.
 14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8-Т.: «Ўзбекистон», 2000.
 15. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9 Т.: «Ўзбекистон», 2001.
 16. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992.
 17. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10 – Т.: «Ўзбекистон», 2002.
 18. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: «Ўзбекистон», 2002.
 19. Каримов И.А.Биз танлаган йўл – демократик ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 64–69, 214–247, 266–274-бетлар.
 20. Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва бўқилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004, 3–31-бетлар.
 21. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-куватимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.
 22. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.

23. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.
24. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қара шва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
25. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқарии сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.
26. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
27. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Меҳнат», 2004. 3-16-бетлар.
28. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992, 206–214-бетлар.
29. Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Тошкент: «Адолат», 1997, 279–285, 290–301-бетлар.
30. Политология курси бўйича маърузалар матни. 2-қисм. Тошкент: М.Улуғбек номидаги ЎзМУ, 2000, 50–55-бетлар.
31. Отамуродов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Политология. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1999, 179–219-бетлар.
32. Эргашев И. ва бошқалар. Политология. Маърузалар матни. Тошкент.: ЎАЖБНТ, 2000, 202-213-бетлар.
33. Машарипов О., Ҳошимов Т.Р., Рафиқов Ғ.А. Политология. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 154–200-бетлар.
34. Рафиқов Ғ.А., Содиқов А., Раҳмонов Б. Политология фанидан маърузалар матнлари. Т.: ТДИУ, 2000, 90–99-бетлар.
35. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Олий таълим муассасалари учун қўлланма. Тошкент: «Янги аср авлоди», 2001, 55–78-бетлар.
36. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорларининг танқидий мулоҳазалари. Тошкент: «Ўзбекистон», 2001, 166–311-бетлар.
37. Политология. Ўқув қўлланма. Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашр., «ЎАЖБНТ» маркази, 2002, 209–272-бетлар.
38. Усмонов М., Ҳамидов Х. Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини семинар машғулотида ўрганиш бўйича методик материал. Т., 1998. – 67 б.
39. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 333-360-бетлар.
40. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 369-385, 427-445-бетлар.
41. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 31-44-бетлар.

42. Саифназаров И. ва бошқалар. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши кафолатдир. Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 3-52-бетлар.
43. Гулямов С.С. Основы нашей уверенности «Труд», 2005 11 март.
44. Гулямов С.С. Феномен экономического прорыва «Труд», 2005 6 апрель.
45. Гулямов С.С. Климат для инвесторов «Труд», 2005 26 апрель.
46. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., Султонов Т., Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
47. Бекмуродов А. Ш. , Алиев Б., Бобоев А ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Тошкент. 2005.
48. Т. Султонов, А. Ҳайитов. Демократик жамият сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. ТДИУ 2005й.
49. Б. Алиев ва б. Прапарментаризм тараққиёти бўйича тест саволлари. ТДИУ 2005.

МУНДАРИЖА

1- Мавзу: Сиёсий тартибот.....	3
2- Мавзу: Жамият сиёсий тизимида давлат.....	8
3- Мавзу: Сиёсий ҳаёт ва кўппартиявийлик. ОАВ ва демократия.....	21
4- Мавзу: Сиёсий элита ва сиёсий етакчи (лидер).....	43
5- Мавзу: Сиёсий онг, сиёсий мафкуралар.....	64
6- Мавзу: Сиёсий маданият.....	73
7- Мавзу: Сиёсат ва миллатлараро муносабатлар.....	94
8- Мавзу: Халқаро тизим ва Халқаро сиёсат.....	107

“Политология” фанидан мустақил таълим учун қўлланма
(таълимнинг махсус сиртқи шакли учун)
ТАТУ ИБ факультети илмий-услубий кенгаши томонидан
муҳокама қилинган ҳамда босишга тавсия этилган
(2008 йил январдаги -сон баёномаси)

Тузувчи:

ф.ф.д. Туленова Г.Ж.
кат.ўқ.Зайниддинова В.Б.

Масъул муҳаррир:

кат.ўқ. Каримов Х.

Муҳаррир:

Каримова Г.